

Алишер Навоий номидаги Самарқанд давлат университети  
Осиё Маданияти ва тараккӣёт институти

**Жӯлибой ЭЛТАЗАРОВ  
КИМ Ин Тэ**

**ЖАНУБИЙ КОРЕЯ:  
ўтмиш ва бугун**

*Олий ўқув юртларининг  
корейс филологияси йўналиши  
талабалари учун ўқув қўлланмаси*

*Тўлдирилган ва тузатилган 2-нашри*

Самарқанд – 2002

Жўлибой ЭЛТАЗАРОВ, КИМ Ин Та.  
**«ЖАНУБИЙ КОРЕЯ:** ўтмиш ва бугун». Ўкув қўлланмаси.  
Самарқанд, 2002 й., 128 б.

Ушбу қўлланмада Ўзбекистоннинг энг яқин иқтисодий ҳамда сиёсий ҳамкорларидан бири — Корея Республикаси, унинг тарихи, бутунги куни ҳамда қардош корейс халқининг бой моддий ва мъянавий маданияти хусусида кент маълумотлар берилади. Асар Корея тарихи ва маданияти билан шуғулланувчи талаба ва тадқиқотчилар ҳамда ушбу мавзуга қизиқувчи барча китобхонларга мўлжалланган.

*Масъул мухаррир:*  
тарих фанлари доктори, проф.Ш.ПИРИМҚУЛОВ  
*Такризчилар:*  
тарих фанлари номзоди Ш. ФАФФОРОВ  
Г. С. ЦОЙ

© Осиё Маданияти ва тароқоёт институти, 2002 й.  
Ўзбекистон Республикасида нашр этилган.

## МУНДАРИЖА

КИРИШ.....	7
1-БОБ. «ОЛТОЙ НАЗАРИЯСИ» ЁКИ ЎЗБЕК ВА КОРЕЙСЛАРНИНГ ЭТНИК ЯҚИНЛИГИ ҲАҚИДА .....	11
1. Дунёга очилиш .....	11
2. «Чин» ва «чинлик» номи остида .....	13
3. Олтой тиллар оиласи .....	16
2-БОБ. КОРЕЯ ТАРИХИННИНГ БОШЛАНГИЧИ.....	21
1. Мамлакатнинг номланиши .....	21
2. Географик ўзига хосликлар .....	21
3. Тупрок .....	22
4. Иқлим .....	23
5. Энг қадимги давр .....	24
6. Қадимги Чўсон .....	25
7. Чўсондан бошқа эски корейс давлатлари .....	27
3-БОБ. УЧ ҚИРОЛЛИК (САМГҮК) ДАВРИ .....	29
1. Когурё ва Бækченинг ривожланиши .....	29
2. Шилланинг ривожланиши .....	31
3. Уч қиролликнинг бирлаштирилиши .....	32
4. Самгук даврида корейс жамияти .....	35
5. Буддизм ва конфуцийлик динининг тарқалиши .....	37
6. Уч қироллик даврида санъат ва маданият .....	38
4-БОБ. БИРЛАШГАН ШИЛЛА ҚИРОЛЛИГИ .....	40
1. Сиёсий тизим .....	40
2. Иқтисодиёт .....	40
3. Динлар ва маданият .....	41
4. Шилланинг ҳалокати .....	43
5-БОБ. ҚАДИМГИ КОРЁ ДАВЛАТИ .....	44
1. Мамлакатнинг Корё кўли остида бирлаштирилиши .....	44
2. Корёнинг сиёсий тизими ва жамиятдаги табақалар .....	44

3. Шимолдаги қўшниларга қарши кураш .....	46
4. Корёда дин, фан ва маданият .....	48
6-БОБ. ЧЎСОН ДАВЛАТИ .....	51
1. Ибтидо .....	51
2. Сиёсий тизим ва жамият .....	51
3. Мамлакатнинг иқтисодиёти .....	53
4. Динлар, таълим, маданият ва санъат .....	54
5. Имжин уруши .....	57
6. Чўсоннинг 16-асрдан кейинги тараққиёти .....	57
7. Чўсоннинг ҳалокати ва Япон экспансияси .....	59
<b>7-БОБ. МУСТАМЛАКАЧИЛИК ВА УНГА ҚАРШИ КУРАШ ЙИЛЛАРИ (1910-1945) .....</b>	<b>65</b>
1. Бошқаришнинг ҳарбий-полиция режими .....	65
2. Мамлакат бойликларини талон-тарож қилиш .....	66
3. Миллий зулм ва ассимиляция сиёсати .....	68
4. Озодликнинг нотекис йўли .....	73
<b>8-БОБ. КОРЕЯ УРУШИ .....</b>	<b>77</b>
1. Уруш олдидаги вазият .....	78
2. Урушнинг бошланиши .....	79
3. Урушнинг бориши .....	80
4. Ўт очишни тўхтатиши (оташкес) .....	83
5. Урушнинг аянчли якунлари .....	85
<b>9-БОБ. ЮКСАЛИШ ЙИЛЛАРИДА .....</b>	<b>87</b>
1. Сиёсий ривожланиш .....	87
2. Иқтисодий тараққиёт .....	96
3. Ижтимоий – маданий тараққиёт .....	107
<b>РАСМЛАР .....</b>	<b>113</b>
<b>10-БОБ. КОРЕЯ-ЎЗБЕКИСТОН АЛОҚАЛАРИ .....</b>	<b>121</b>
1. Ҳамкорлик ришталари .....	121
2. Савдо - иқтисодий алоқалар .....	124
3. Маданий ва таълим соҳасидаги алоқалар .....	125
<b>СЎНГСЎЗ .....</b>	<b>127</b>



축 사

“한국의 과거와 오늘” 부제의 한국에 관한 역사책이 우즈베키스탄에서는 처음으로 우즈베크어로 발간되게 된 것을 진심으로 기쁘게 생각하며 김인태 교수님과 Joliboi Eltazarov 교수님의 노고에 대해 감사의 말씀을 드립니다.

한국과 우즈베키스탄은 과거부터 언어와 문화면에서 가까운 민족이었으며, 이러한 과거의 유대감이 오늘날의 긴밀한 양국 관계 발전에 초석이 되고 있다고 믿습니다.

모쪼록 금번 발간되는 한국 역사책을 통해 우즈베키스탄 국민들이 한국을 보다 깊고 정확하게 이해하는 계기가 되기를 기대합니다.

한국 역사책이 우즈베크어로 발간된 것을 축하드리며, 금번 책자 발간에 많은 도움을 주신 사마르칸트 외국어대학측에 도 깊은 감사를 드립니다.

김 성 환

주우즈베키스탄 대한민국 대사



## Сўз боши

Қардош Ўзбекистонда бизнинг мамлакатимиз тарихи ва маданияти ҳакида ўзбек тилида биринчи марта «Жанубий Корея: ўтмиш ва бугун» номли китобнинг нашр этилиши муносабати билан ўзбек китобхонларини қизгин табриклайман. Шунингдек, корейс халки, унинг тарихи ва маданиятига эҳтиром рамзи сифатида дунё юзини кўрган ушбу асарнинг муаллифлари проф. Ж. Элтазаров ва Ким Ин Тэларга ўзимнинг самимий миннатдорчилигимни билдираман.

Ўзбеклар ва корейслар тили, маданияти ва анъаналари жуда яқин бўлган халқлардир. Миллатларимиз ўртасидаги қадимдан мавжуд бўлган алоқалар ҳозирда юксак суръатлар билан ривожланаётган Ўзбек-Корейс ҳамкорлигининг тамалларида туради. Китобда бу жуда ёрқин ифодалаб берилган.

«Жанубий Корея: ўтмиш ва бугун» китоби ўзбек китобхонларида Корея ва корейслар ҳакида тўлақонли тасаввурлар шаклланишига ёрдам беришига ишонаман. У халқларимиз ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик алоқаларини янада мустаҳкамлашга муносиб хисса бўлиб қўшилади.

Сиз азизларни китобнинг чол этилиши билан такрор кутлаган ҳолда унинг нашр этилишида якиндан қўмаклашган Самарқанд Давлат университети ва Самарқанд чет тиллар инститиути раҳбариятига миннатдорчилик билдираман.

  
**Ким Сунг Ҳван,**  
Корея Республикасининг Ўзбекистондаги элчisi.

## КИРИШ

Бирорта чет мамлакат ҳакида китоб ёзиш учун, табиийки, бу ўлканинг тарихи, маданияти ва халқнинг руҳиятини яхши билищ керак, дейишади. Қўлингиздаги китобни ёзиш давомида фақатгина бўлар кифоя эмаслигини англадим: энг асосийси – китобнинг мавзуси бўлган шу мамлакатни ва асарингиз қаҳрамони бўлган шу миллатни севишингиз лозим экан.

Кореяда ўтказганим давр мобайнида бугун дунёнинг энг ривожланган мамлакатларидан бири бўлган бу ўлка ва она юртимиз Ўзбекистоннинг ўтмишида, халқларимизнинг миллий психологиясида, урф-одатларимизда ва тилларимизда умумийлик ҳамда ўхшашилклар ниҳоятда кўплигини кўрдим ва хис этдим. Кореянинг шаҳар ва кишлoқларини кезганимда, бу ердаги турли инсонлар: ишчилар ва хизматчилар, талабалар ва нафақахўрлар, олимлар ва сиёсатчилар, кишлoқликлар ва экстрамодерн шаҳарларда яшовчилар билан сұхбатлашганимда, ўлканинг ижтимоий ва қундалик ҳаётини бир чет эллик сифатида кузатганимда шундай бир холосага келдим: чумолидай меҳнаткаш ва ҳар кандай шахсий ёки умумиллий мақсадларга факат тинимсиз, аниқ мақсадга йўналтирилган меҳнат натижасида эришиши мумкинлигига чуқур ишонган бу халқни севмаслик мумкин эмас. Ана шу ишонч ва меҳнатсеварлик билан корейслар давримизнинг энг хайратланарли мўъжизасини – «Корея иқтисодий мўъжизасини» яратдилар.

Кореяни «тонгги шаффоффиклар мамлакати» деб номланишида можозий маъно бор: қиргокларини икки мовий дентиз ювиб турган, куни шивалаб ёккан майнин ёмгир ва илиқ тропик эпкинларсиз ўтмайдиган бу ўлка ўзининг жаннатмакон водий, ўрмон ва тоглари билан ушбу ташбехга жуда муносибдир. Кореянинг шаҳар ва қишлоқларида доимо саришта, ювилтандай топ-тоза ва ороста гўшаларни кўрганимда юқоридаги можознинг нақадар тўғри танланганлигига имон келтирдим. Ха, Корея ҳақиқатан ҳам нахорий оросталик, тозалик ва гўзаллик мамлакати. Зеро, тонгни, тонг тароватини, тонг инсонларга улашувчи ризқ ва эзгуликни ҳис этишда мислсиз буюк романтик шеърият меросхўри бўлган биз, ўзбекларга етадигани бўлмаса керак. Ана шу гўзаллик ва тароват мени қўлимга қалам олишга ундангани рост...

Ватанимизнинг мустақиллигини энг биринчилардан бўлиб тан олган, Ўзбекистоннинг буюк истиқболига Сиз ва биз каби ишонтан Корея ва корейслар ўлкамиз иқтисодига кўп миллиардли инвестициялар ётқиздилар. Куни кеча кетмон ушлашнигина удалаган ўзбек йигитлари бугун Кореядан хунар ўрганиб келиб, жаҳон бичимларига мос келувчи автомобиллар ясамоқдалар, кореялик дўстларимиз порлоқ келажагимизни яратища халқимиз билан камарбастадирлар. Бу яхшилик ва саҳоватпешаликка баҳоли кўдрат шукронга билдириш учун бу китобни ёзишга жазм этдим, десам бўлар...

Китобда тарихдаги корейс давлатлари – Шилла, Корё, Чўсон билан Туркистоннинг (керакли ўринларда ўлкамизнинг ушбу тарихий номини кўпладим – *Муалл*), яқин ўтмишдаги Корея билан бугунги Ўзбекистоннинг такрор ва такрор қиёсланишидан, ўзбеклар ва корейсларнинг бот-бот чоғиширилишидан хурматли китобхоннинг ҳечам ажабланмаслигини истар эдим. Бу тарихий аналогиялар ва ўхшаш хусусиятларни китобни мутолаа қилиш давомида ўзингиз ҳам ҳис этасиз, деган умиддаман.

\*\*\*

Корея ҳақида ёзиш учун қўлига қалам олган ҳар бир тадқикотчи олдида ҳеч ҳам четлаб ўтиб бўлмайдиган мавзулар бор: булар Кореянинг бўлинниши, ҳозирги пайтда икки корейс давлатининг мавжудлиги ҳамда корейс бирлиги масалалоридир. Қўлингиздаги китобда Кореянинг ўтмиши ва маданияти ҳақида сўз юритилган ўринларда бутун Корея назарда тутилади. 1950-53 йиллардаги Корея урушидан кейинги 90-йиллар охиригача бўлган тарихни ёритишида эса факат Жанубий Корея билан чегараланилган. Муаллифнинг Шимолий Корея воелиги билан таниш эмаслиги бу хусусда фикр юритишни қийинлаштиради. Шу сабабли Шимолий Кореядаги аҳвол хусусида фақат мавзу талоб килган ўринлардагина қисқача ёзилди. Табиийки, биз юқоридаги мавзуларнинг барчасини ҳам четлаб ўтмадик. Баъзи ўринларда Шимолий ва Жанубий Корея ўртасидаги муносабатлар, корейс бирлиги муаммоси хусусида фикрлар ва маълумотлар баён қилинган.

Китобда Кореядаги географик номлар, кишиларнинг исм ва фамилияларини ёзишда мен, шу пайтгача бўлиб келганидек, уларнинг русча шаклларини айнан олмадим, балки бу сўзларнинг корейсча талафузига асосланиб ҳамда уларни ўзбекчага мослаштириб ёздим. Шу сабабли ҳурматли ўкувчи бу борада ушбу китоб ва бошқа манбалар орасида баъзан ҳар хилликка дуч келса, ажабланмаслигини сўрайман. Мустақиллик йўлидан дадил бораётган эканмиз, тилимизни ҳам бошқа тилларнинг ўринсиз тасиридан асраримиз керак, деб ўйлайман. Сўнг сўз ўлароқ, асли қасби филолог бўлган каминани ўлкашуносликка оид шу китобни ёзишга руҳлантирган, уни нашрга тайёрлаш чоғида ўзларининг маслаҳатлари билан кўмаклашган профессорлар Чэ Ҳан У (Chea Han Woo) ва Ким Ҳё Чонгга (Kim Hyo Young), шунингдек, мамлакатимизнинг Сеулдаги элчихонаси ҳамда корейс Осиё Маданият ва Тараккиёт Институтининг Тошкент ваколатхонаси ходимларига ўзимнинг самимий миннатдорчилигимни билдираман.

Ўзбекистонда қатор йиллардан бери яшаб, ўзбек-корейс маданий ҳамкорлиги тараққиётiga арзирли хисса кўшган, мазкур асарнинг қоғозга туширилиши ва дунё юзини кўришида ўз ёрдамини аямаган ҳамда қатор бобларни ёзишда бевосита иштирок этган дўстим КИМ Ин Тэнинг каминага ҳаммуаллифлик қилиш ҳаққига ҳақли сазовор эканлигини ҳам таъкидлаб ўтаман.

*Муаллиф,  
Пусан-Самарқанд. 2000 йил, март.*

## **1-боб. «ОЛТОЙ НАЗАРИЯСИ» ЁКИ ЎЗБЕК ВА КОРЕЙСЛАРНИНГ ЭТНИК ЯҚИНЛИГИ ҲАҚИДА**

### *1. Дунёга очилиш*

Ўзбекистоннинг истиклолга эришиши ва мустақиллик йилларида Президентимиз ва ҳукуматимиз томонидан олиб борилаётган оқилюна ички ва ташки сиёsat, ўзбек жамиятида кетаётган жадал замонавий саноатлашиш жараёнлари туфайли биз узоқ ва яқин хориж ўлкаларидан ўзимизнинг азалий қардошларимизни топдик ва улар билан ҳақиқий дўстона муносабатлар ўрнатдик. Булардан бири Корея Республикасидир.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Евросиё материгининг қоқ ўртасидан жой олган, Ватанимиз Марказий Осиё минтақасининг ҳам энг марказидадир. Жанубий Корея эса Осиё қитъасининг шарқий чеккасида, Корея яриморолининг кунчикарида жойлашган. Мамлакатларимиз орасидаги масофа 6 минг километрдан зиёд, бу масофани замонавий ҳаво кемаларида олти ярим соатда, поездда эса хозирда амалдаги йўл – Қозогистон, Россиянинг узоқ шарқ вилоятлари ва Хитой орқали, маршрутли қатнов бўлганда, 10-12 кунда босиб ўтиш мумкин.

Милоддан кейинги узоқ ва яқин тарихимизда Корея билан алоқалар ҳақида бирор аниқ маълумот учрамайди. Ушбу сатрлар муаллифи вokiф бўлган маълумотларга кўра, корейслар деган этник гурӯҳ билан ўзбеклар 1937 йилдан сўнг, яъни Сталин режими собиқ СССРнинг Узоқ Шарқдаги вилоятларидан (жумладан, Хабаровск вилояти ва Приморье ўлкаларидан) 250 мингдан зиёд корейсларни Ўтра Осиё ва Қозогистонга мажбурий кўчиргандан кейин юзма-юз келдилар. Ўшанда бу аҳолининг 50-60 минг нафари Ўзбекистонга, республиканинг Тошкент, Самарқанд, Хоразм вилоятларига ва Фарғона водийсига

жойлаштирилган эди. Эндилиқда бу корейсларнинг 250 мингга яқин авлодлари – мустакил Ўзбекистоннинг тенг хукуқли фукаролари сифатида жумхурятимизда истиқомат килмоқдалар. Ундан илгариги даврларда эса, корейслар ҳақидаги тасаввур, аксар дунёда бўлгани каби, бизда ҳам жуда оз эди.

«Дунёнинг Корея билан танишуви,- деб ёзади америкалик тадқиқотчи Энди Наум (Andrew Nahm),- 1950 йилда Корея урушининг оловланиши билан бошланди. Бундан кейинги даврда ушбу иқтисодий қолоқ ўлканинг қисқа мuddатда дунёнинг саноатлашган давлатлари қаторига чиқиши Корея маданияти ва тарихий-ижтимоий меросига бўлган қизиқиши ҳам кучайтирди». Ҳақиқатан ҳам шундай. Икинчи жаҳон урушидан кейинги йилларда жаҳонда шакланган икки геополитик кутб – Америка Кўшма Штатлари ҳомийлигидаги озод дунё ва собиқ Совет Иттифоки кўли остидаги «социалистик лагерь» орасидаги дастлабки ўзига хос «куч синашиш»нинг бошлангичи бўлған ушбу уруш туфайли дунёнинг диккати беш-олти йил узлуксиз Корея яримороли ва ундаги жараёнларга қаратилди. Бу китобни ёзишга ҳозирлик кўриш учун юртимиз кутубхоналаридаги 50-йиллар газеталарини ўқиганимда совет мағкурачилари нуқтаи назаридан туриб ёзилган кўплаб мақолаларга дуч келдим. Уларда озодлик уруши олиб борган Жанубий Корея ватанпарварларига «Америка малайлари», «дунё капитализмининг ўйинчоги» каби мағкуравий ёрликлар ёпиширилса, советпараст шимолликлар Корея яриморолида «халқ ҳокимиятини ўрнатиш учун курашаётган қаҳрамонлар» тарзида таърифланади.

Совет матбуотида яна 1983 йилда рус ҳарбийлари тарафидан корейс фуқаро самолётининг уриб туширилиши, 1988 йилда Сеулда ўтказилган Олимпиада ўйинлари ва Корея эришган йирик иқтисодий муваффақиятлар муносабати билан яна бу мамлакат ҳусусида мақолалар пайдо бўлганини қайд қилиш керак. Кишиларимиз, албатта, бу янгиликлардан баҳраманд бўлишган.

## 2. «Чин» ва «чинлик» номи остида

Қадимда ота-боболаримиз Туркистоннинг шарқини, Тиёншон (Тангритог)дан нариги тарафни Чин (Хитой) деб тасаввур қиласидилар, табиийки, Осиёнинг бу қисмида яшовчи барча бодомковоқ ҳалқларни чинлик (чинли) деб аташ ва англаш анъанаси мавжуд эди. Бу ҳол аждодларимиздаги жўрофий билимларнинг камлиги ёки туркистонликларнинг дунёкараши торлиги билан изоҳланиши мумкин эмас. Бизнинг буюк ота-боболаримизнинг илму фанда эришган муваффақиятлори дунёда тан олинган. Бу ўринда эса ташки кўриниши, маданияти, дини ва анъаналари фарқли бўлган нотаниш ҳалқларни «тиликаштириб таърифлаш»дек миллатлароро (байнамилал) ҳодиса билан юзма-юз келиб турибмиз. Жумладан, Европада ўрта асрларда бутун мусулмонларни «турклар» ёки «араблар» деб атошарди, чунки европали ўрта тоифадаги одам турк ва араблардан бошқа мусулмонларни билмасди, ҳудди ўндан оқ ирқ вакилларига Шарқда одатда «инглиз» ёки «рус» деб қарашарди, чунки даставвал осиёликлар ана шу оқ ирқка мансуб икки миллат билан кўп тарафлама алоқага киришдилар. Оталаримизнинг бодомковоқ осиёликларнинг барчасини «чинли» (хитойлик) деб номлагани сабабини ҳам ана шу ўрта асрлардаги анъана билан изоҳлаш мумкин. Чунки, эски замонларда Туркистоннинг шарқдаги энг кўп ва ҳар тарафлама алоқага киришган мамлакати Чин (Хитой) эди. Бу ҳол ҳатто адабиётда ҳам ўз аксини топган. Масалан, Алишер Навоий лирик ижодида ҳам, достонларида ҳам тез-тез Чин мавзусига мурожаат қиласи. Унинг ёрни кўрганда чин наққоши чизган деворий расм каби қотиб қолган ошиқнинг ҳолатини ифодаловчи ғазалини эслагайлик. Ёки «Ҳамса»га мурожаат қилайлик: «Фарҳод ва Ширин» достонида Фарҳоднинг отаси Ҳоқон давлати ҳудудининг бир қисми Мочин (Шарқий Туркистон) бўлса, қолган қисми Чин (Хитой) эди. «Садди Искандарий» достонида эса Искандар бошчилигидаги ҳалқнинг яъжуж-маъжуҷларга қарши узундан-узоқ ва баланд девор курганлиги баён этилади. Яъжуж-Маъжуҷ

сюжети араб адабиёти унсури бўлишига қарамай, Навоий қаламга олган Искандар девори бундан 2500 йил илтари туркий халқарнинг қадимги аждодларидан ҳимояланиш учун курилган Хитой девори (Садди Чин)га улут шоир томонидан қилинган бир ишора эди.

Демак, корейсларнинг ҳам «чинли»лар тоифасига киргизилганлиги тасодифий эмас, бу ҳолат, ҳозирги сиёсий иборалар билан айтганда, ўрта асрлардаги сиёсий маданиятнинг таъсири остида юз берган. Аммо расман кайд этилмаган бўлса-да, узок - тарихий давр мобайнисда халқаримизнинг ўзаро алоқаларга киришгани ҳам ҳакиқатдан узок эмас. Масалан, Буюк Ипак Йўли гуллаб-яшнаган ўрта асрларда (айтайлик, 15-16 юзийларда) самарқандлик ёки тошкентлик кўрқмас ва устомон савдогарлардан бири Хитойдан ошиб Кореяга етиб боргандир, нафис корейс ипак матолари ва нозик корейс чиннilarини юргита олиб келиб, бозорларда мақтаб-мақтаб сотгандир. Афсуски, халқаримиз вакилларининг бевосита алоқасидан дарак берувчи маълумотларни тарих биз учун араб қўймаган<sup>1</sup>.

Аммо, нима бўлганда ҳам, бугунги кунда ўзбеклар (ва бошқа туркий халқлар)нинг корейслар билан этник жиҳатдан қардош халқлар эканлиги фанда исботланган. Бу хусусда қисқача тўхталаийлик.

XIX асрнинг биринчи ярмида қиёсий-тарихий тилшуносликнинг ривожланиши туфайли илгарилари ўхшашлиги ёки умумий илдизларга эгалиги сезилган тилларни тил оиласида гурухлаш имкони вужудга келди. Илгор фан ва технологияга эга бўлган, хийла бойиган европаликлар ўша даврда ўзларининг

1 Пусан Чет эл тадқиқотлари университети Ўрта Осиё тадқиқотлари бўлими профессори У Дук Чен (Woo Duck Chen) Самарқандлаги Афросиёб деворий расмларида тасвиrlangan маҳаллий хўкмдор тарафидан қобул қилинаётган элчиларнинг бириси корейс элчиси эканини айтган эди, корейс музаллифлари бу хусусда ёзишган экан. Агар бу мулоҳаза ҳаконий бўлса, 6-7 асрларда Корея ва Туркистондаги қадимги давлатлар орасида дипломатик алоқалар мавжудлиги ўртага чиқади. Бизнинг фанимида бу хусусдаги маълумотлар негадир учрамайди. Шу сабабли бу мавзуни батағсил изоҳлаб ўтирадик – *Музалиф*.

тиллари ва қадимги аждодларининг келиб чиқиши билан қизиқдилар. Тарихга «компаративистлар» номи билан кирган қиёсий-тарихий тилшунослик вакиллари (жумладан, немис олимпаридан В.Хумболдт (V.Humboldt), Ф.Бопп (F.Boppe) ва бошк.) бу ижтимоий буюртмани жуда ўринлатиб бажардилар. Мазкур китъя ҳамда европаликларга алоқадорлиги бир қарашда афсонадек туолган хинд (санскрит) ва форс тилларининг Европа тиллари билан қариндошлигининг исботлаб берилиши ва саноб ўтилган тилларнинг барчаси қадимги Ҳинд-Европа бобо тилидан ўсиб чиқканлиги фактининг кенг оммалашиши туфайли тилшунослик фани таркибида маҳсус соҳавий фанлар – лингвистик типология ва лингвистик генеалогия фанлари вужудга келди. Табиийки, дунёдаги бошқа тилларни ҳам тасниф килиш, «коилаларга бўлиш» авж олди. XIX асрнинг охирларида Сибирь ва Узок Шимолдан Болқонларгача ҷузиган ҳудудлардаги туркий халқарнинг тили «Туркий тиллар оиласи» деб тасниф этилди. Туркий тиллар ўртасидаги ўхшашликларнинг яққол кўриниб туриши туфайли бу фикрга эътиroz туғилмади. Ўтган асрнинг 20-йилларида эса рус олими Е.Д.Поливанов туркий тиллор билан корейс ва япон тилларининг қариндош эканлиги гоясини кўтариб чиқди ва бунга кўра бу тил оиласининг «Олтой тиллар оиласи» деб номланishi зарурлигини ҳам уқтириди. «Туркий, япон ва корейс тилларидаги параллеллар (мосликлар) деб номланган туркум мақолаларида музалиф ўз гоясини бу тиллардаги фонетик, грамматик ва лексик мосликларни таҳлил қилиб бериш билан исботланган эди. Фанда ҳар бир янгилик шубҳа билан қарши олинниши маълум «Олтой назарияси»ни ҳам шундай тақдир кутиб турганди. Поливанов ва унинг издошларининг гоялари олдинига жиддий қабул қилинмади, лекин Европанинг обрўли олимлари – Рамстедт, Бётлинк, Поппе ва кейинчалик собиқ СССРдаги Москва ва Петербург туркология мактаблари йирик вакиллари бу гояни кўллаб-куvvватлаши туфайли «Олтой тиллар оиласи» ва бу тил оиласининг мавжудлигини асослайдиган «Олтой назарияси» тилшунослик фанидан ҳам муҳим ўрин олди. Ҳатто,

бутун дунёдаги олтойшуносликка оид тадқиқотларни мувофиқлашириб турувчи халқаро ташкилот – PIAC (Permanent International Altaistic Conference – Миллатлараро доимий олтойшунослик конференцияси - МДОК) тузилди. Бу ташкилот ҳар йили ўзининг йиллик мажлисларини ўтказиб туради. МДОКнинг собиқ Иттифокда ўтказилган ягона симпозиуми Ўзбекистон Фанлар Академияси химояти остида 1986 йилда Тошкентда ташкил этилган эди.

### 3. Олтой тиллар оиласи

Энди бевосита «Олтой назарияси» ёки ўзбеклар ва корейсларнинг кариндошлиги масаласига ўтайлик.

Буғунги кунда жаҳонда 2000 дан ортиқ жонли тиллар бор ва уларни ўзаро яқинлиги, ўхшашлиги ва грамматик қурилишидаги мосликларига қараб тилшунос-олимлар тил оиласидир. Улардан бири Олтой тиллар оиласидир. Мазкур тил оиласининг бешта тармоги бор: туркӣ тиллар гурӯҳи, мӯғул тиллари гурӯҳи, тунгус-манҷур тиллари гурӯҳи, корейс тили ва япон тили (*1-чизмага қаран*). Бу тиллар орасидаги туркӣ, мӯғул ва тунгус-манҷур тил гурухларининг қариндошлиги факти ҳеч қандай эътиroz түгдирмайди: мазкур тилларнинг луғат тарқиби ва сўзларнинг тузилишидаги, жумла қурилишидаги ўхшашиклар, бу тилларда сўзлашувчи халқларнинг тарихий-генетик алоқаларининг ўтмишда қайд этилганлиги ва улар яшовчи ўлкаларнинг қўшни минтақалар эканлиги туфайли бу гоя энг синчков кузатувчиларда ҳам шубҳа уйғотмайди.



Туркӣ тиллар ва корейс-япон тиллари ёки туркӣ тиллар ва тунгус-манҷур тиллари орасидаги яқинлик у қадар яқол ифода этмагани учун Олтой назариясининг мухолифлари ҳамда корейс-япон тилларининг нафақат юқорида сўз юритилган тиллар билан, балки Евросиё материги билан алоқаси йўқлиги ҳақидаги "аксиюлтой назарияси" (бу назарияга кўра корейс ва япон тиллари Полинезия тиллари оиласи билан яқиниш) тарафдорлари ҳам етарли.

Чизмадан кўриниб турибдики, тилларимиз Олтой тиллари оиласининг иккى фарзанди ҳисобланади, яъни бир отадан тарқаган амакилар каби. Аммо, яна тақрорлайманки, тилларимизда бир қарашда ўхшашик кўзга ташланмайди; бу ёлғончи таассуротдир, чунки, масалан ҳинд тили билан немис тили оросида ҳам ташки ўхшашик бир қарашда йўқ каби

туюлади, лекин ўтган асрдаёк бу икки тил орасидаги умумий сўзлар аниқланган эди ва, умуман, фонда биринчи таассурот камдан-кам ҳолларда тўғри хulosага олиб келади. Аслида туркий тиллар, жумладан, ўзбек тили ва корейс тили орасидаги ўхшашлик ва мосликлар кўпдир. Қиёсий-тарихий тилшуносликдаги энг маъкул ва ишончли усул – сўзларнинг тузилиши (шакли) ва мазмунидаги мосликларга тўхтатайлик.

Рус олтойшуни оси Л.Г.Герценбергнинг (Санкт-Петербург) гувоҳлик беришича, Олтой тиллар оиласига кирувчи тиллар ўртасидаги муштарак сўзлар миқдори 2000 га яқинdir. Бошқа бир тадқиқотчи С.А.Старостин эса ўзининг «Олтой тилларининг генеологик муштараклиги» деб номланган қизиқарли илмий ишида фаразий Олтой бобо тили, қадимги туркий тил, қадимги мўгул, қадимги япон ва ўрта асрлардаги эски корейс тилларидаги лексик айниятлар (ўхшаш шакл ва мазмунга эга сўзлар) хусусида ишонарли маълумотлар ва далиллар келтиради. 2-чизмада биз улардан баъзиларини ҳозирги ўзбекча, туркча, корейсча ва япончадаги шакллари билан келтирамиз (кейинги бетта қаранг, лотинча транскрипция).

Олтой назариясининг чинлигига ва туркий тиллар ҳамда корейс-япон тиллари орасидаги генетик яқинлик мавжудлиги ҳакида дастлабки таассуротлар олиш учун ушбу маълумотлар кифоя қилар, деб ўйлайман<sup>1</sup>.

Бундан ташқари ушбу тиллардаги товушлар таркиб ва миқдор жихатидан жуда якин. Жумладан, кўпчилик туркий тилларда, масалан, турк, ўзбек (айниқса, тилимизнинг қипчок ва ўғуз шеваларида), козок, уйгур тилларида үнлиларнинг сони корейс ва япон тилларидаги каби 8-9 та. Бу муштарак үнлилар қўйидагилар (лотинча транскрипция): а, е, о, ё, ў, у, і, ї.

<sup>1</sup> Кези келганда шуни айтиб ўтайки, корейс турколог-олими проф. Чэ Хан У (Chea Han Woo) менга 450 дан зиёд корейсча-туркийча лексик параллеллар рўйхатини ҳозирлаганини айтиб ўтган эди. Афуски, бу рўйхатни келтириш имкони бўлмади.

Корейс ва япон тилларидаги ундош товушлар эски туркий тилдаги (8-9 асрлар) каби 16 донадир. Туркистон, Хурросон, Волгабўйи ва Кичик Осиёдаги туркий тилларга форс ва араб тилларидан кирган в, х, ф товушлари бу тилларда йўқ. Ушбу сатрлар муаллифи камина Кореяда яшаган давримда корейсча жумла курилиши ва корейсларнинг гапириш тарзи (манераси)га эътибор берган эдим ва бир қанча ўхшашликларни кузатган эдим. Масалан, корейсчада ҳам жумла асосан содда гап шаклида – асл ўзбекча жумла тузиш ҳам шундай (фақат содда гап щаклида – ҳалқона ибораси: «кесиб-кесиб гапириш»). Гап бўлакларининг тартиби ҳам айнан: олдин эга, ўрталиқда иккинчи даражали бўлаклар ва охирида кесим. Эгаси туширилган шахси маълум гаплар кўп кўлланади. Бу ҳам ушбу тиллардаги ўйғунликдан бир далолат эмасми?

## 2-чизма

Сўзниң маъноси	Ўзбекча	Туркча	Корейсча	Японча
Сарик	sariq	sari	sari	sirua
кўкрак	ko'krak (шеваларда: ko'kay)	gogus	ko'kajang	kaka-ra
Қобик	qobiq	kabuk	kaphir	kara
Ким {сўрок олмоши}	kim	kim	ka {сўрок юкламаси}	ка {сўрок юкламаси}
кел	kel (шеваларда ke, ka)	gel	ka	ka
Қулоқ	quloq	kulak	kuri	ki-k
Қурт	qurit	kurt	kurk	-

<sup>1</sup> Кореядаги ўзбек ишчилари билан шу мавзуда сўзлашганинда айни ўхшаш томонлар туфайли улар, айтайлик, бандадашиб ёки виетнамлик ишчиларга нисбатан тезроқ корейсчани ўрганиб олётганликларини айтдилар (3-4 ойда). Баъзи ўлкалардан келган ишчилар, масалан, покистонликлар корейсчани ҳатто ўргана олмасдан ватанларига кайтиб кетишаркан.

Албатта, тилларимиздаги фарқлар ҳам етарли, айнан шу фарқлар туфайли уларнинг қариндошлиги узоқ вақт тан олинмади. Бу фарқларнинг ўзига хос тарихий ва лингвистик сабаблари бор. Жумладан, С.А.Старостиннинг фикрича, фаразий Олтой бобо тилининг турк-мўғул, тунгус-манчжур ва корейс-япон тиллари тармоғига ажralиши бундан 5-6 минг йиллар илгари юз берган, демак тилларимиз ўртасидаги фарқлар юзага келиши ҳам ўша даврдан бошланади. Хронологик жиҳатдан бу катта муддат эмас, аммо тилларнинг тараккиёти нуқтаи назаридан бу жуда узоқ даврdir. Биз, ўзбеклар, ҳозир ўтган асрнинг ўнинчи йилларида она тилимизда ёзилган жадидларнинг газета ва журналларини ўқиб, тушунишда қийналамиз. 5-6 минг йил эса... Дарвоқе, венгер тилшуноси Лигетининг (Ligety) бу хусусида қизиқ назарияси бор: қардош тиллар ўртасидаги фарқ, агар табиий ёки ижтимоий катаклизмлар (масалан, инқилоб ёки истило; зилзила ёки тӯфон) бўлмаса, ҳар минг йил ичда 30 фоизга етади. Шундан ўзингиз хулоса қиласверинг. Олтой тиллари тармоқларга ажралганидан сўнгти минг йилликларда Туркистанда ҳам, Корея яриморолида ҳам табиий ва айниқса, ижтимоий катаклизмлар етарли миқдорда бўлди, бу хусусда китобнинг келгуси бобларида ўрни билан ҳикоя қиласмиш.

## 2-боб.

# КОРЕЯ ТАРИХИННИНГ БОШЛАНГИЧИ

## 1. Мамлакатнинг номланиши

Корея дунёning энг қадимий ўлкаларидан биридир. Мамлакатнинг европача "Корея" (Korea) номи яриморолда 936 йилдан 1392 йилгача ҳукм сурган Корё қироллиги номидан олинган. Ўлканинг яна бир эски номи Чўсондир, бу сўз юқорида эслатганимиз каби "тонги шаффофликлар ўлкаси" маъносини беради. Чўсон – 1392 йилдан 1912 йилгача давлат тепасида бўлган Йи сулоласи ҳукмронлиги даврида мамлакатнинг бу сулола томонидан муомалага киритилган расмий номи эди. (Йи хонадонининг топонимик, яни жойларга ном бериш қобилиятининг юксак даражада эканлигини ҳурматли ўқувчи тақдир этар, деган умиддамиш). Бу гўзал ном япон истилоси билан тарихга кечди. Мамлакатнинг ҳозирги корейсча номи Тэхан Мингук (қисқа шакли – Хангук) – Корея Республикаси 1948 йил 18 августда бу давлатнинг тузилганилиги эълон этилиши билан расмий муомалага кирди ва Корея яримороли жанубидаги озод ва тараққий қилган диёрнинг лугавий символи сифатида омалдадир.

Дарвоқе, икки оғиз ўзбекчадаги "корейс" сўзи ҳакида. Бу шакл русчадаги "кореец" сўзининг бузилган кўринишидир. Агар ўзбек тилида мамлакатга оидлик тушунчаси (-лик) қўшимчаси билан ясалишини хисобга олсан, унда ҳозирги корейс сўзини "кореялик" ёки "корелик" шаклида ёзиш ва ўқишга тўтири келади, аммо китобда анъанавий шаклдан ("корейс") фойдаланилди.

## 2. Географик ўзига хосликлар

Евроосиё материгидан Япон тизма оролларига қараб чўзилган Корея яриморолининг узунлиги 1000 километрга якин, эни эса энг тор ерда 216 км., энг кент ерда 240 километрdir. Яриморол 33 ва 43-параллеллар ва 124 ва 131-меридианлар орасида жойлашгандир. 221,6 минг квадрат километр майдонга эга яриморол Ўзбекистоннинг Бухоро ва Навоий вилоятлари майдонидан бироз катта ва Англиядан бироз кичик.

Корея яримороли материк тарафдан (шимолдан) Хитойнинг Манчжурия қисмидаги Яли ва Түмен дарёлари билан чегараланди. Бошқа томонлардан у ўзига хос “сув тўсиғи” – шарқ тарафдан Япон денгизи (корейслар “Шарқий денгиз” дейишади), гарбдан Сарик денгиз (корейслар Фарбий денгиз дейишади) ва жанубда Корея бўғози билан ўралган. Жанубий Корея денгизда ва куруклида уч давлат – Корея Халқ Демократик Республикаси (Шимолий Корея), Хитой халқ республикаси ва Япония билан чегаралошдир.

Корея яриморолида яшовчи корейсларнинг умумий нуфуси 70 млнга яқиндир. Бу нуфуснинг 45 млнни Жанубий Кореяда, 25 млнни КХДРда истикомат қиласди.

Корея яриморолидаги ўтмишдаги ва хозирги корейс давлатлари ўз юртларининг ана шундай жўпрофий ҳолати учун узоқ ва яқин тарих давомида хилма-хил маданий ва сиёсий таъсиirlарга дуч келдилар, турли буюк давлатлар учун рақобат майдонига айландилар ва бу ҳолат ўлканинг янги тарихи – айниқса, 19 ва 20-асрдаги тарихида чукур из қолдири.

### 3. Тупрок

Корея бир тогли-тошли ўлладир. Корея яримороли жудоштининг бўбони тоғи тошлардан иборатдир. Тоғлар унчалик баланд эмас, улар куюк ўрмон билан қопланган. Тоғлардан сон-саноқсиз дарёлар ва сойлар бошланади, бу сойлар бўйидаги кичик водийлар ҳам ўрмон ёки экин даласидир. Ҳамма ёқ яшиллик. Шоирнинг “кўм-кўк, кўм-кўк, кўм-кўк...” деган таърифи айнан Корея далалари ва тоғлари учун аталгандек туюлади. Шунинг учун ҳам корейсларнинг ўз ўлкалари учун кўлловчи “Гумсу гангсан”, яъни “ипак мато устидаги нақшлар каби дарё ва тоғлар” ташбехи жуда ўринли айтилганини ҳам ҳис қиласиз.

Корея яриморолидаги энг йирик Чжангбек тизма тоғлари Манчжуриядан бошланиб, хозирги Шимолий Кореяning катта қисмини эгаллаган. Бу тоғ тизмасининг энг юкори чўққиси Пекту тоғидадир (Оқбош чўққиси, 2750 м). Пекту тоғи яриморолни чегаралаб турувчи Яли ва Түмен дарёлари бошланадиган ерdir.

Чжонгбек тизма тоғларининг жанубида, яриморол шимолий қисмининг анчагина қоплаган тўртта тоғлар тизмаси ўрин олган. Бу тўрт тоғ тизмаларини бирлаштирган Кема ва Пучжонг платолари Кореяning қарийб бутун ҳудудини ташкил этади.

Яриморолинг умурткасини ташкилэтувчи Тебек тизма тоғлари Пучжонг платосининг жанубидан бошланиб, шарқий соҳилга паралель ҳолда бутун яриморол бўйлаб ястанган. Бу тизма тоғ таркибида Кимсанг (энг баланд ери – Олмос чўққиси, 1686 м), Сўрак (1708 м) ва Тебек (1555 м) тоги каби хушманзара тоғлар ўрин олган. Бу тизмалардан гарб томонга караб яна бир канча тоғлар занжир каби уланган. Буларнинг энг йириги энг баланд нуқтаси Чжири (1096 м) чўққиси бўлган Чжобек тизмалариридир.

Корея яриморолининг Шимолий-Шарқий минтакасидаги денгиз киргоклари бир текисдир. Фарбий ва жанубий қиргоклар эса саноқсиз кўрфазлар ва бурунларга (чиқиқларга) эга ва эгри-буғридир. Яриморолинг тир атрофида 3400та катта-кичик ороллар мавжуд, уларнинг аксарияти гарбий ва жанубий қиргоклар атрофидадир. Кореяning энг катта ороли Чжежудо унинг жануби шарқида (материқдан 160 км узоқлиқда) жойлашган. Бу оролда сўнгган вулқондан пайдо бўлган Ҳалла тоги мавжуд (энг юксак ери 1952 м). Жанубий гарб тарафда эса майдони жихатидан кейинги ўринларда турувчи Чжин ва Ван, гарбий қиргокларнинг ўрта қисмida эса Чжантхва ва Ёнгчонг ороллари жойлашгандир.

Корея яриморолидаги энг йирик дарёлар қуйидагилардир: шимолдаги Яли, Чжонгчон ва Дебонг дарёлари, яриморолинг ўрта қисмидаги Имжин ва Ҳан дарёлари ва жануби гарбдаги Кум дарёлари Сарик денгизга қўйилади, жанубдаги Накдонг ва Сомжин дарёлари Япон денгизига ва Корея бўғозига қўйиладилар.

Корея тупрокларининг тоғ ва ўрмондан холи 22 фоизидагина дехқончилик қилиш мумкин. Бундай ерлар дарё бўйларидаги катта-кичик воҳалар сифатида шимолда Чжонгчон ва Дебонг дарёлари; яриморолинг ўрта қисмida Имжин, Ҳан ва Кум дарёлари; жанубда Накдонг ва Сомжин дарёлари соҳилларидан жой олган.

#### 4. Икlim

Кореяning иклими юмшоқ ва серёгиндири. Бошқа тропик ўлкалардан фарқли равишда йилнинг түрт фасли бу диёрда мавжуд ва улар бирин – кетин алмашадилар. Кўклам март ойининг бошларида жанубдан эсган илиқ шамол билан бошланиб, июнь ойининг ўрталаригача давом этади. Кўкламда ёмғирли ва ҳаво очиқ бўлган кунлар нисбати тенг, аммо июнь ўрталаридаги бошланувчи ёз фасли ҳақида бундай дейиш қийин. Кореяning ёзи иссик, ёмғирли ва ҳавонинг намлиги жуда юкори бўлиши билан характерланади ва у сентябрнинг ўрталаригача чўзилади. Ёзда иссик жанубда 40 даражага, шимолда 30 даражага чиқиши мумкин.

Куз мавсуми сентябрь ойининг ўрталарида бошланиб, ноябрь охирларигача давом этади. Кузда ҳаво анча салқин бўлади ва ёғингарчилик ҳам камаяди. Қиши фасли эса декабрь ойи ўрталарида бошланиб, февралнинг охиригача чўзилади. Қиши айтарли совук эмас: масалан, пойтахт Сеулда январь ойининг ўртacha ҳарорати  $-3$  даражага, пойтахтдан кейинги иккинчи ва энг жанубда жойлашган катта шаҳар – Пусандэ эса  $+1$  даражадир. Корея яриморолининг шимолида кор анчамунча ёғса-да, жанубда у умуман ёғмайди.

Корея яримороли уч тарафидан денгизлар билан ўралгани ва Тинч ҳамда Хинд океанидаги илиқ оқимларнинг таъсир доираси остида бўлгани учун у ернинг иклими жуда юмшоқдир. Бу иклим субтропик ва тропик мевалар (лимон, апельсин, хурмо...) ва ҳатто паҳта етиштиришга ҳам имкон беришини кўриш мумкин, Кореяning жануби-гарбida паҳта ҳам экиласди.

Корея яриморолининг шимолида йиллик ёгин миқдори ўртacha  $600$  мм, жанубда эса  $1500$  мм атрофида. Агар Ўзбекистондаги ўртacha йиллик ёгин миқдори  $250$  мм атрофида эканлигини хисобга олсан, Корея ва Ватанимиз иклими орасидаги фарқни яхши англаб олиш мумкин.

#### 5. Энг қадимги давр

Корейс халқининг аждодлари тарих тонготаридан бошлаб Узок Шарқ ва Жанубий-Шаркий Осиёнинг кенгликларида – Корея яримороли, Пархэй соҳили бўйларида ва Манъҷурияда яшаб келган ва бу минтақанинг ижтимоий ҳамда маданий тараккиётида муҳим роль ўйнаган.

Хозирги Корея ҳудудида қадимги тош даври маданияти бундан таҳминан  $600$  минг йил илтари шакллана бошлаган. Конгчжу вилоятидаги Сокужанг кишлоғи, Үнка вилоятидаги Кулпо кишлоғи, Ёнчон вилоятидаги Чонггунг кишлоғида олиб борилган археологик тадқиқотлар шуни кўрсатадики, палеолит даври кишилари горларда яшагонлар, тошлардан, ҳайвонларнинг суяклари ва шохларидан турли меҳнат қуроллари ясаганлар, овчилик, балиқчилик, термачилик билан шуғулланганлар.

Янги тош (неолит) даври маданияти бундан карийб  $8$  минг йил илтари вужудга кела бошлаган. Бу давр маданиятига оид топилмалар денгиз соҳиллари ва йирик дарёлар бўйларида кўплаб топилган. Неолит даври одамлари силликланган тош қуроллари ва тиҳсимон гулли сопол идишлардан фойдалана бошлаган эдилар. Мазкур даврнинг бошида одамлар ососан балиқ ва гўшт билан озикландилар, кейинчалик эса энг примитив дехқончилик турлари билан шуғуллана бошладилар. Улар уруғ-уруғ бўлиб яшашарди ва бу уруғлар уруғ-қабилачилик тузумининг асоси бўлиб хизмат қилган.

Эрамизгача бўлган даврнинг  $10$ -асрига келиб Манъҷуриядаги Ляо дарёси бўйларида бронза даври маданияти шаклланиши бошланди. Кейинчалик у хозирги Корея ҳудудларига кенг ёйилди. Бу давр маданиятининг энг яққол наомунаси топилмалар орасида кенг учрайдиган «клипа» деган пичоқдир.

Бронза даври кишилари Кореяда тепаликлар строфида яшаб, содда дехқончилик билан шуғулланганлар, ўша даврда шоли (гуруч) етиштириш ҳам бошланган. Бу давр одамлари тошлардан мозор килиш ва уч дона текис тошдан «гойндол» деб аталувчи мозортош (ёдгорлик) ҳамда тош тобутлар («сокванъмё») ясашни ўрганиб олган эдилар. Бу даврга келиб қабила оқсоқолларининг ҳокимияти кучаяди. Шундай қилиб, патриархал жамиятдаги уруғ-қабила бирлашмалари вужудга келди.

## 6. Қадимги Чўсон

Аввало ҳурматли китобхондан «Чўсон» атамасини Кореяниң қадимги тарихи учун қўллаганимиз учун ажабланмаслигини сўраймиз. Ҳакиқатан ҳам корейс этносиниг ўз тарихида қурган энг биринчи давлати – Чўсондир. Тарихда давлатларнинг ёки этносларнинг номлар қайта – қайта, тақор ишлатилиши мумкин. Бизда, бу ҳолни масалан, Хоразм мисолида кўриш мумкин. Юртимиз сарҳадларида вужудга келган энг қадимги давлатлардан бирининг номи Хоразм эди, яна 1919 – 1924 йилларда ҳукм сурған давлатнинг номи ҳам Хоразм (Халқ Республикаси) эди. Корея худудидаги илк давлатнинг номи бўлган гўзал маъноли бу сўзни (яъни, «Чўсон » ни) Йи хонадони 1392 йилда яна расмий муомалага киргизган эди.

Илк корейс давлати Чўсон бронза даври маданияти базасида шаклланган, бу тарихий воқеа эрамиздан олдинги 2333 йилда рўй берган эди. Қадимги корейс ийлномаларидан «Самгуқ - юс»да ёзилишича, бу давлатнинг биринчи ҳукмдори Тангун Ван Гом самовий подшо – Хван Ун Гван ҳамда инсон қиёфасига ўтган айик–аёл никохидан туғилган эди. Дарвоқе, илк миллий давлатларнинг келиб чиқиши ҳусусидаги бу хилдаги афсонлар туркий халқларда ҳам учрайди: масалан, Буюк Турк Ҳоқонлигини курган туркийлар ўз давлатларининг қурувчиси – Шанюй Модэни инсон ва бўрининг фарзанди деб тасаввур қиласидилар. Бу, менимма, ождодларимизнинг қадимги тотемистик эътиқодлари билан бөглик бўлса керак.

Чўсон давлатини тарихчилар ягона ҳукмдорга эга бўлган қабилалар иттифоқи эди, деб ҳисоблайдилар. Бу давлат дастлаб Ёнен минтақаси атрофидагина таъсир доирасига эга эди, кейинчалик у Узок Шарқнинг энг кучли давлатларидан бирига айланди. Эрамизгача бўлган 4- асрда мазкур ўлка қадимги Хитойдаги Ен давлати билан чегарадош йирик мамлакат эди.

Эрамиздан олдинги 4-асрдан бошлаб Корея худудидо темирдан ясалган меҳнат қуроллари тарқала бошланган. Ўша вақтда Хитой «урушқоқ подшоликлар даври» ни бошдан кечираётганди, яъни Хитойда гражданлар уруши бораётган эди.

Бу замонларнинг урушлари 1, 2, 5 йил ичидаги тугамас эди, юз йиллаб ва ундан ортиқ даврда давом этарди. Бундан ташқари, ҳар кандай фуқаролар уруши мантиқдан холидир, унинг қачон бошланиши ва тугашини таҳмин қилиб бўлмайди. Хитойдаги бу бесаранжомлик Шандунг яриморолида ва ўлканинг шимолий-шарқида яшаган корейсларни қадимги Чўсоннинг худудларига кўчиб келишига мажбур қилган. Бу кўчкинчилар темир қуроллардан фойдаланиши билардилар. Уларнинг раҳбари Виман 2-аср бошларида Чўсон подшосининг ишончига кириб олади, кейинчалик уни таҳтдан ағдариб, мамлакатдан қувиб юборади. Ўзи «ван» унвони билан таҳтга чиқади. Ван, ҳар ҳолда «подшо», «ҳукмдор» маъноларида кўлланилган. Виман курган давлат Чўсон атрофидаги худудларни ҳам бўйсундиради ва қудратини янада оширади. Аммо кўп ўтмай, эрамиздан олдинги 109 йилда ўлка урушлардан кейин ўзига келган Хитойдаги Ханъ салтанатининг босқинига учрайди. Қадимги Чўсонликлар хитойлик босқинчиларга бир йил қаттиқ қаршилик қўрсатадилар, аммо кучлар тенг эмас эди. Бундан 21 аср иллари ҳам Хитой дунёнинг энг нуфуси кўп давлати эди ва ниҳоят, Чўсоннинг энг муҳим қальаларидан Вангом қальаси ҳам таслим бўлгач, қадимги Чўсон давлати тарихнинг мулкига айланди. Корея мустамлакачилик каби энг қабиҳ ижтимоий ҳолат билан ўшанда биринчи марта тўқнаш келган эди.

## 7. Чўсондан бошқа эски корейс давлатлари

Қадимги Чўсоннинг ҳалокатидан сўнг унинг ҳар томонга тарқаб кетган ва хўжаликда темир ишлатишни биладиган фуқаролари темир даври маданиятини бутун минтақага ёйдилар. Темирдан ясалган қуролларни дехқончиликда қўллаш ишлаб чиқариш кучларининг тез ривожланишига ва қўшинлар жанговарлигининг ошишига олиб келди. Шу аснода темир маданияти базасида бир қанча қадимги давлатлар вужудга келди. Пуё, Когурё ва Самхан давлатлари шулар жумласидандир.

Шимолда, Манъжуриядаги Сонхва (Сунгари) дарёси воҳасида Пуё ва Амноккан дарёсининг ўрта оқимида Когурё давлатлари вужудга келди. Япон денгизи қирғокларидаги Ҳамхинъ

текислигига Окте, ундан жануброкда эса Доннё деган майда давлатчалар ҳам шаклланди, Окте ва Доннё Когурё давлатининг ҳукмронлиги остида эди. Шимолдаги давлатлар орасида нисбатан ўз мустакиллигини узок ушлаб турган давлат Пуё эди, аммо у ҳам кейинчалик Когурёнинг таркибига кирди.

Шуниси қизиқки, когурёликларда ҳам эски туркийларда бўлгани каби Кўк (осмон) тангрисига сифиниш анъанаси мавжуд эди, Кўк тангрисини «Ёнго» деб аташарди. Ой тақвимининг ўн иккинчи ойида Осмон тангрисига сифиниш маросимлари ўтказилар эди. Қадимги Когурёда йилнинг ўнинчи ойида улкан зиёфатлар ташкил килиниб, ота-боболар руҳига қурбонликлар килинар эди. (Худди шундай анъаналар қадимги туркийларда ҳам бор эди). Когурё давлатининг фуқаролари уста жангчи бўлиб, улар ўз фидокорлиги ва чидами билан ахралиб турар эдилар.

Корея яриморолининг бошка бир қисмида, жанубда, Ҳантан дарёси бўйларида бир қанча майда давлатлар ичидаги бирмунча йирик Махан, Жинхан ва Пёнхан давлатлари ҳам ҳукм сурардилар. Бу давлатларда шоликорлик юкори даражада ривожланган эди. Мазкур дехкончилик соҳасининг ўша даврдаги юксак тараққиётини бу давлатлар ҳудудида қурилган сув омборлари, хусусан, Кимҷедаги Пёkkўлчжа ва Миряндаги Сусанчже ҳовузлари тимсолида кўриш мумкин. Бу сув омборларнинг бундан 2000 йил илгари қурилганини ҳам эътибордан қочирмайлик. Ҳар йили ой календарининг бешинчи ва ўнинчи ойларида бу ҳонликларда Кўк тангрисига қурбонлик килиш кунлари (байрамлари) ўтказилар ва бунда одамлар кайфу сафо қиласдилар.

Демак, тарихнинг энг қадимги даврларида – неолит ва бронза даврларида кореис қабилалари алоҳида этнос сифатида ўюша бошлади ва ўзига хос этник хусусиятларига эга бўла бошлади. Бронза даврида корейсларнинг тарихдаги биринчи давлати шаклланди. Темир даврига келиб эса ўлкада кўплаб майда подшоликлар вужудга келди. Темир давридаги иқтисодий ва ижтимоий юксалиш эса мамлакатнинг кейинги тараққиётига йўл очди.

### 3-боб. УЧ ҚИРОЛЛИК (САМГУК) ДАВРИ

Милоддан олдинги 57 йилдан то эрамизнинг 936 йилигача давом этган кариб минг йиллик давр Корея тарихида муҳим ўрин тулади. Бу даврда Корея ҳудудларида ҳукм сурган уч қироллик (ҳонлик)да илк ўрта асрлар кореис маданиятнинг энг шоҳ асарлари яратилди. Аммо ҳудди шу давр драматик воқеаларга ҳам бойдир, чунки ҳар қандай бўлинган ҳалқнинг ажралмас воқелиги бўлган ўзаро ихтиофлар, нифоклар бу даврдаги кореис тарихида ўзининг ноxуш изларини ҳам колдиргандир.

Ҳозирги Манчжурия ва Корея яримороли ҳудудларидағи қадимги кичик – кичик давлатлар милоддан олдинги даврнинг охирига келиб, аста-секин уч қиролликка бирлашдилар. Манчжурия ҳудудлари ҳамда Корея яримороли шимолида Когурё давлати кучая борди. Ҳантан дарёси ҳавзасида ва Кёнҷжу текислигига Бэкче ва Шилла давлатлари ҳам жадал ривожлана бошладилар. Когурё, Бэкче ва Шилла – бу давлатлар тарихга «Уч қироллик» номи билан киргандир.

Қадимги «Самгук - саги», яъни «Уч қироллик тарихи» китоби муаллифининг нақл қилишича, Когурё давлатининг қурувчиси подшо Чжумонг (Тонмёнсон), Бекчэ давлатининг асосчиси подшо Ончжондир. Шилла қироллигининг тузувчиси эса подшо Пак Хёккоседир.

#### 1. Когурё ва Бэкченинг ривожланиши

Уч қироллик орасида энг илгари шакллангани Когурё давлати эди. Қадимги Чўсоннинг ҳалокатидан сўнгра Когурё бир муддат яна Хитой бўскини остида қолди. Аммо бу давлат босқинчилар билан бўлган курашларда ўсиб ва мустажкамланиб борди.

Эрамизнинг 1-асри иккинчи ярмидан бошлаб, қирол Тхэчжоннинг ҳукмронлик йилларидан эътиборан Когурё қироллигининг кудрати оша борди, 4 – аср бошида, қирол Мичхон даврида эса мамлакатга Нангнанг ерлари (Корея

шимолидаги ерлар – музалл.) кўшиб олинди ва ўлка собиқ Чўсоннинг деярли барча худудларини ўз назорати остига олди.

Бошқа бир томонда, яриморолнинг марказий қисмларида Чўсон емирилгандан сўнг бу ерларга келиб ўрнашган шимоллик қабилалар Ҳанган дарёси ҳавзасида ўз давлат тузилмаларини шакллантира бошладилар. Бу қабилалар эски Пуё ва Когурё давлатларининг собиқ фукаролари эдилар ва айнан улар Бэкче давлатининг асосчилари бўлдилар. Ўз тарихининг бошлангичида Махан деган кичик бир давлат шаклида мавжуд бўлган Бэкче вакти соати келиб қудратли қиролликка айланди.

3-аср ўрталарида, қирол Кои даврида Бэкче давлати ўз таъсир доирасини Ҳанган дарёсининг бутун воҳаларига ёйди ва бу билан унинг қудрати янада ошди. 4-аср ўрталарида яна бир ташкилотчи қирол Кинчхон даврида Бэкче ўз куч-қудратининг чўқкисига кўтарилди. Кинчхон жанубдаги Махан ерларини зabit этди. Хонам вилюти (хозирги Чолладо) ни ўз давлатига кўшиб олди ҳамда Когурё қироллиги билан бўлган доимий талашларда голиб чиқиб, шимолдаги Ҳванхэ ерларини бошқариш ҳукуқини қўлга киритди. Ҳудди ана шу даврда ютуқлардан руҳланган Бэкче ҳукмон доиралари Япония ва Хитой ерларини зabit этиш учун харакат килиб кўрдилар. Жумладан, Бекче қўшинлари Хитойнинг Шандунг ва Фарбий Ляо вилюятларига бостириб кирадилар.

4-аср ўрталарида келиб Когурё давлати Ен ва Бекче давлатларининг ҳужумларидан жiddий зарар кўрди. 4-асрнинг иккинчи ярмида Когурё қироллиги буддизм давлат дини сифатида қабул қилинди, «Тэҳак» номи билан мактаблар таъсис қилинди, қирол фармонларига кўра давлат ташкилотларининг иши қатъий тартибга солинди. Қироллар Квантетто ва Чансу даврида Когурё қироллиги ўз мулкларини кенгайтирди ва ўз курдатининг чўқкисига эришиб, Шимолий-Шарқий Осиёнинг таъсирли сиёсий кучига айланди. Квантетто ҳукмонлиги даврида Когурё Ляоҳ шарқидаги Манъҷурия худудларини босиб олди. Ҳанган дарёси шимолидаги ерларга эгалик ҳукуқини қўлга

киритиши ва у ерларни Шиллага бостириб киришга уринаётган кучлардан тозалаш учун мазкур ҳудудларга ҳам юришлар ташкил этилди. 5-асрда, қирол Чжансу ҳукмонлиги даврида Когурё давлати ўз пойтахтини Кукнэсон шаҳридан Пхенъянга кўчирди.

Бекче давлати эса 5-асрда мамлакат жанубига Когурё қўшинлари бостириб кириши натижасида Ҳанган дарёси ҳавзаларидан жудо бўлди ва ўз пойтахтини Унчжин (Конгчжуға) кўчирди. 6-асрда қирол Сон даврида Бекче ўзининг олдинги қурдатидан жудо бўлди ва пойтахтини қайтадан Сабисон (Пуёға) кўчирди. Инкиrozning олдини олиш учун бу қирол бошқарувнинг «мунмул» деган тизимини жорий қиласди ва баъзи ижобий силжишларга сазовор ҳам бўлади. Сон ташки сиёсатни ҳам жонлантиришга үриниб кўради. У Жанубий Хитойдаги сулолалар билан фаол маданий алоқаларга киришади, Японияга буддизмнинг ёйилишига кўмаклашади. Бу даврда ўз кучларини учинчи томон – Когурёга қарши бирлаштирган Бекче ва Шилла қиролларини бу давлатга ҳужум қилишади ва Бекче илгарилари ўзига қарашли бўлган Ҳанган дарёсининг қуйи оқимидаги ерларни қайтариб олади. Аммо кўп ўтмай бу ерлар яна Шилла ихтиёрига ўтади.

## 2. Шилланинг ривожланиши

Дастлаб Кёнгчжу ҳудудларида шаклланган Сарогук деган қадимги давлат Шилла давлатининг шаклланишга асос бўлди. Эрамизнинг 1 асрдан бошлаб, қирол Нэмул ҳукмонлиги даврида қўшни ҳудудларни кўшиб олиш ва тарақкий қилиш эвазига Шилла кучли давлатга айланди ва 4-аср охирига келиб унинг Корея яриморолидаги сиёсий таъсири кучайди. Қирол Нэмулдан бошлаб Шилланинг тожу таҳти сулолавий мулкка айланди, яъни ҳукмон Ким хонадонида отадан ўғилга мерос бўлиб ўтадиган бўлди. Қиролнинг ҳурматини жойига қўйиш учун унга мурожаат қилиш ҳам муомалага киритилди: жуда чукур ҳурмат маъноларини ифодаловчи «исагум» ва «марипкан» (улуғларнинг улуғи, подшоларнинг подшоси) сўзлари қирол исми

ва унвонига қўшиб айтиладиган бўлди. Мазкур даврда Шилла Когурё давлати кироли Кавнгхэтто кўмаги билан японларнинг хужумини қайтарди ва табиийки, бунга бадал ўлароқ, маълум бир муддат бу қудратли қўшнисининг сиёсий тасири остига тушиб қолди, аммо кўп ўтмай, Бækче кироллиги билан тузилган иттифоқдан фойдаланиб, яна эски мақомига қайти.

Яриморолнинг бошқа бир қисмида, Нактонган дарёсининг куйи оқимида олти Кая кичик давлатининг конфедерацияси ҳам вужудга кела бошлади. Бу иттифоқнинг марказий фигуранлари Киман Кая, Кимхон Кая ва Тэа Кая давлатлари эдилар. Бу Кая Иттифоқининг қудрати айрим замонларда жуда кучайиб, Шиллага ҳавф солар даражага етар ва ҳатто улар Японияга таҳдид қилар эдилар. Аммо вақти замони келиб, Шилла уларнинг барчасини бирин – кетин ўзига бўйсундирди; тарихда унитар давлатлар ҳамиша конфедератив давлатлар устидан голиб чиқканлар, чунки урушлар (айниқса, муваффакиятсиз борганда) даврида иттифоқ аъзолари орасида ихтилофлар чиқкан ва бу уларнинг тақдирини ҳам ҳал қилган.

Яриморолдаги уч қироллик ичидаги бирмунча секин ривожланган Шилланинг куч–қудрати 6–асрга келиб янада ошиди. Қирол Чжичин бу давлатнинг номини Шилла деб ўзгартириди (унинг қадимда Сарогук деб аталганлиги эсланг) ва киролнинг унвонини «марипкан»дан «ван»га ўзгартириди, ван сўзининг маъноси айнан «қирол» англамидадир. Қирол Попхинг хукмронлиги даврида Шиллада буддизм давлат дини сифатида расмийлашди ва бу хусусда бир қанча қонун ва фармонлар қабул қилинди. Қирол Чжинхинг даврида эса Шилла Хангай дарёси ҳавзасини босиб олди ва Хамкин текисликларига бостириб кирди.

### 3. Уч қиролликнинг бирлаштирилиши

6–аср охирида Шилла Хангандарёси ҳавзасини босиб олганида унинг рақиблари – Бækче ва Когурё ўз кучларини бирлаштириш ва Шиллага ҳужум қилиш ҳақида аҳдлашиб

олдилар. Яккаланниб қолган Шилла ёрдам сўраб Хитойга мурожаат қилди. Бу даврда Хитой навбатдаги ички урушлардан сўнгра ўзига келиб, Суй сулоласи тарафидан бирлаштирилган ва кучли ҳолда эди. Шилланинг ёрдам чақиравида бўлиши Суй ҳукмронларига яна бир жиҳатдан кўл келдики, бу ҳодисадан илгари ҳам бу давлат Когурё билан уруш ҳолатида эди. Хитойликлар тез–тез Когурё ҳудудларига боскин қилар ва ҳар гал ҳалқ ва қўшиннинг мардонавор қаршилиги туфайли ҳужум даф этиларди. Бу гал эса Хитойнинг Корея тупроғида иттифоқчиси бор эди. Шунинг учун ёрдам сўраб қилинган мурожаат мамнуният билан қабул қилинди ва тез орада Суй сулоласи императори Ян Же кўмондонлигидаги 1.300.000 кишилик (ракамга эътибор қилинг – қўшинга тадбиқ қилинганда бугун ҳам жуда катта миқдор- *Муалл*.) Хитой қўшини Когурё ҳудудларига бостириб кирди. Когурё қироли Илчи Мун Док бу аснода жуда ғаройиб ҳарбий–сиёсий ҳийла ишлатди: у ўзини мағлубиятга учраган қилиб кўрсатди, 300.000 кишилик хитойликлар қўшинини алдаб тузокка тушириди ва Салсу (Чхончхон) дарёси бўйларида уларни тор – мор қилди. Эрамизнинг 612 йилида эришилган бу ажойиб ғалаба корейс тарихидаги унтутилмас воқеалардандир.

Шу ўринда бир лирик чекиниши қилиб, она юртимиз Туркистон тарихидаги юкорида баён қилинган воқеаларга ўшаш ҳолатларни ҳам эслаб кўрайлик. Юкорида тасвириланган воқеалардан роса ўн икки аср кейин Туркистонда ҳам уч хонлик ҳукмрон эди ва мазкур давлатлар Россиянинг босқинига дуч келдилар. Тарих гўё такрорлангандек: Қўкон хони ва Бухоро хони, Бухоро хони ва Хива хони ўртасидаги майдо–чўйда масалалардаги келишмовчилик туфайли ҳар учала хонлик бирин–кетин маъв этилди. Бирор хонлик бошқасининг мудофааси учун бир қимирлаб ҳам қўймаганди, ўшандада. Рус армияси Қўкон хонлиги устига юрганида Бухоро хони Қўкон хонлигининг Ўратепа туманини босиб олишни ўзига эп кўрганди, ҳатто. Бу қиёслашдан чиқадиган холоса шу: ҳар қандай ҳалқ учун миллий бирлик

ҳамиша ҳайт-мамот масаласи бўлиб келган, ўртадаги ихтилофларни бартараф килишни эпламаган, бирлашолмаган халқлар бунинг аламини кўп тортадилар. Бугунги Ўрта Осиё давлатлари олдида ҳам шу масала кўндалант бўлиб турибди..

Суй сулоласидан сўнгра Хитойда хокимият тепасига келган Тан сулоласи бирмунча вақт Когурё билан яхши муносабатларда бўлди, аммо император Тайцзун ҳукмронлиги йилларида (645 йил) жуда катта қўшин билан яна Когурёга бостириб кирди. Когурё қороли Ен Кэсомун қўшин ҳамда халқни босқинчиларга қарши бирлаштириди, 60 кунлик шиддатли жанглардан сўнгра босқинчилар мамлакатдан қувиб чиқарилди. Ўлка учун гоят қийин пайтларда бирлашиш ва ғалабага эришиш корейс халқининг характеристерли миллий ўзига хосликларидан бирига айланниб бормоқда эди.

Шилланинг Хитой билан иттифоқи Тан империяси ҳукмронлиги йилларида ҳам давом этди. Когурё ва Бækche давлатларига қарши тузилган бу иттифоқдан куч олган Шилла давлати ҳукмдорлари Бækчега ҳужум қиласидилар. Қирол Кебакнинг қўшинлари матонат билан жант қиссаларда, Ким Ю Син қўмондонлигидаги кўпсонли Шилла қўшинларидан мағлубиятга учрайдилар ва 660 йилда Бækche мустақил давлат мақомидан маҳрум бўлади, унинг худудлари Шилланинг таркибий қисмига айланади.

Шилла-Тан иттифоқи Когурё давлатига ҳам хавф сола бошлайди. Қирол Ен Кэсомуннинг вафотидан сўнг Когурёнинг ҳукмрон доиралари ичida бўлиниш келиб чиқади. Бу вазиятдан фойдаланган Шилла ва Хитой қўшинлари Когурё худудларига бостириб кирадилар, когурёликлар бир йил давомида мардонавор курашадилар, аммо Пхенъян таслим бўлиши билан Когурёнинг тарихи ҳам охирига етди, Шилла унинг ерлари устидан ҳам ўз назоратини ўрнатди.

Умумий душманнинг маҳв этилишидан сўнгра ҳамиша ғолиблар ўртасида ихтилофлар чиқади, Шилла ва Тан империяси орасида забт этилган худудлар масаласида чиқкан

келишмовчилик Шилланинг мустақиллиги масаласига келиб тақалганида, яни Тан давлати Шиллани ҳам истило қилмоқчи бўлганида Шилла Бækче ва Когурёнинг қолтан – кутган кучларини бирлаштириб, Тан империясига карши ўн йил тинимсиз кураш олиб борди. Мечосонг қальяси ёнида Хитойнинг куруклиқдаги қўшинларини, Кимган дарёсининг денгизга қуйилиш ерида ҳарбий-денгиз флотини тор-мор қилган Шилла, бу ғалабалар эвазига Кореяning танҳо ҳукмронига айланди. Шундай қилиб, 676 йилда Шилла уч қиролликни бирлаштиришни уddyалади ва Корея тарихида янги даврни бошлаб берди. Қайд этиш керакки, Кореяning Шилла қўли остида бирлашуви унинг барча худудларига ёйилмаган эди. Жумладан, Шилланинг чегаралари Тэдонган дарёси ховзаси жануби ва Вонсан кўлтиги билан чекланарди. Бундан катъий назар, мамлакатнинг бирлаштирилиши корейс давлатчилигининг тараққиёти, миллий маданият ва миллий менталитетнинг унификацияси жиҳатидан бекиёс аҳамиятга эгадир.

#### *4. Самгук даврида корейс жамияти*

Уч қиролликнинг ҳар бирисидаги жамиятларда табақалар ўртасидаги ҳуқуқий, мулкий ва бошқа ижтимоий фарқлар жуда катта эди. Бу табақалар қуидагилар эди: аслзодалар ва қирол саройи аъёнлари, оддий халқ ва янада куйи табақалар. Аслзода ва қирол саройи аъёнлари давлат ва иқтисодиётни бошқариш ҳамда маданият ва санъат билан шуғулланардилар. Бу табақа анчагина имтиёзларга соҳиб эдилар. Оддий халқ, бу табақанинг аксарияти деҳқонлар эди, қишлоқ ҳўжалигининг турли соҳалари билан шуғулланар, давлат хазинасини солиқлар билан тўлдиран эдилар ва қиролликнинг бошқа мажбуриятларини ўтар эдилар. Энг куйи табақага қуллар ва крепостнойлар кирад эдилар.

Ҳукмрон табақага асосан қирол ва қироличанинг оғайни-кариношлари кирад эдлар. Қадимги Когурёда қироллик тахти Керубалик Ко хонадонига, Бækчеда Пүё хонадонига оид эди. Шиллада эса бу «тангрининг инояти» вақти – замони билан

Пак, Сок ва Ким хонадонлари вакиллари ўртасида алмашар эди. Аммо кирол Нэмүлнинг хукмронлик йилларидан бошлаб қироллик ваколати бошқа хонадон вакилларига берилмади.

Шиллада одамларнинг ижтиоий мақомини белгиловчи «колпум» номи қатъй бир тизим мавжуд эди. Бу тизимга кўра кирол аъёнлари «сонгол» («муқаддас оқсусяклар») ва «чжингол» («ҳақиқий оқсусяклар»)ларга ва сўнгра булардан кейинги 6, 5, 4-категорияларга бўлинган эди. Олтинчи категорияга киритилган аслзодаларнинг аксарияти, асосан, фан ва дин (илоҳиёт) билан шуғулланардилар, яни бугунги кун тили билан айтганда – зиёлилар тоифаси ҳисобланардилар. Бундан ташқари, Шиллада «хвабек» деган бошқа бир тизим ҳам амалда эди. Бу тизимга кўра аслзодалор доиралари вакиллари энг муҳим давлат муаммоларини муҳокама қилиш учун тўпланиб мажлис қилишар ва бу мажлислар қарорлари фақат бир овоздан қабул қилингандагина қонуний ҳисобланарди. Шиллада ёшларнинг «хваранг» деган ташкилоти ҳам мавжуд эди, бу тузилма болалар ва ўсмирларнинг ақлий ва жисмоний тайёргарлиги масалалари билан шуғулланарди.

Когурёда амалдорларнинг «тэдэр» деб аталган 10 тоифали мансабномаси, Бэкчеда эса «жапенга» деб аталувчи 16 тоифали мансаблар рўйхати бор эди. Кўринадики, қадимги Корея яриморолидаги ҳар учала давлат мавжуд тузум ва жамиятнинг талабларидан келиб чиқиб ўз ижтимоий тузилмаларини шакллантирганлар ва уларни такомиллаштирганлар.

Уч қироллик даврида аҳолининг аксари қисми деҳқончилик билан шуғулланган. Бэкче ва Шиллада шолининг кўп экилиши туфайли ирригацион тизимларнинг кенг тармоғи вужудга келтирилганди. Когурёда эса, у қадар сувни талаб этмайдиган донли экинлар ва сули экиларди, бу ўлканинг фуқаролари балиқчилик ва чорвачилик, савдо-сотик ва хунармандчилик билан ҳам шуғулланардилар.

Уч қироллик даврида судхўрлик жуда авж олганди, фоизлар вожидан қарзларга ботган оддий одамлар қулга айланардилар. Одамларни бундай аҳволга тушиб қолишдан асраш учун

Когурёда давлатнинг «жиндебол» деб аталган захира омборларидан мухтожларга дон-дун баҳорда қарзга берилар ва кузда ундириб олинарди.

## 5. Буддизм ва конфуцийлик динининг тарқалиши

### а) Буддизм

Уч қироллик тараққиётнинг маълум бир босқичида ҳалқни маънавий жиҳатдан жипслаштириш учун янги дин ва дунёкарошга эҳтиёж туғилди. Ана шу эҳтиёж туфайли эрамизнинг 4–асрига келиб Уч қиролликка Хитойдан буддизм дини кириб кела бошлади. Маълумки, буддизм бунгача минг йилча муқаддам Ҳиндистонда вужудга келган ва Хитойда ҳам анча кенг ёйилган эди. Когурё қироллигига буддизм Сосурима хукмронлиги йилларида ёйила бошлаган. 372 йилда Хитойнинг қўшни Цзен Цзин вилоятидан келтан буддист монах Когурёда будда монастри фаолиятини бошлаб берган эди. Бэкчеда буддавийлик динини ёйиш иши билан илк марта хинд монахи Маранантха шуғулланган. Шиллада эса бу вазифани жанубий Хитойдан келган ва кейинчалик қувғинга учраган Мукхожа исмли монах бажарган. Мазкур қироллиқда, айтиш керакки, буддизм анча кеч, 527 йилдагина расмий дин мақомини олган, бунда ислоҳотчи қирол Попхингэ ва монах Ичадоннинг хизматлари бор.

Уч қироллиқда буддизм қироллар оиласи ва аслзодалар табақасининг ҳомийлиги ҳамда кўмаги туфайли кенг тарқалган. Буддизм корейс қиролларидан давлат дини мақомига эришгач, бу диннинг кенг ҳалқ оммаси орасидаги тарафдорлари миқдори кескин ортган.

### б) Конфуцийлик дини ва қироллар тарихининг яратилиши

Уч қироллиқда ёзув сифатида ўтмишда хитой иероглифлари кенг кўлланган. Бунинг таъсирида корейс жамиятидаги ўқимишли кишилар орасида хитойча адабиётлар ва конфуцийлик динининг ёйилиши ҳам кузатилган. Иероглифларни ўқиш ҳамда англаш учун шиллалик олим Сол Чон томонидан тартиб берилган ва «иду» деб аталган фонетик белгилардан фойдаланилган.

Когурё бошкенти Пхенъянда конфуций дини асосларини ўргатувчи «тхехас» деган мактаб ташкил этилган. Бундан ташкари кўпгина вилоятларда «кенгданг» деб аталган мактаблар ҳам очилган бўлиб, бу таълим масканларида ўсмирлар хитой иероглифларга ва ҳарбий санъат асосларига ўқитилар эди. Бэкче давлатида эса 5 нафар конфуцийчи олим талабаларни конфуцийлик дини матнларини ўқиш ва англашни ўргатар эди.

Хитойда эски Миср, Юнонистон ва Римда бўлгани каби қадим замонлардан бошлаб йилномалар доимо юритилган ва суолаларнинг тарихи мунтазам ёзib борилган эди, бугунги инсоният илк даврдаги тарихидан хабардор эканлиги учун ана шу ўлкаларнинг қадимги тарихчилари – монахлар, йилномачиларидан миннатдор бўлиши керак. Конфуцийлик ва иероглиф ёзуви билан бирга уч қиролликка тарихнавислик ҳам кириб келган, айни конфуцийлик кенг ёйилган бир пайтда уч давлатнинг қироллари ўз мамлакатларининг тарихини ёритиш тараддудига тушиб қолдилар Қирол Ёняннинг бошкаруви даврида тарихчи И Мун Жин юз томдан зиёд ҳужжатлар билан танишиб чиқиб, 5 томлик тарих китоби тайёрлаб берган. Бэкче давлатида қирол Кинчхон даврида Ко Хин деган олим томонидан давлатнинг маъмурий тузилиши баён этиб берилган. Шиллада эса қирол Чинхин даврида Кэ Чил Бу деган олим бу давлатнинг тарихини ёзган. Аммо, афсуски, уч қиролликлар даврида яратилган мазкур тарих китобларининг бирортаси ҳам бизнинг кунларимизгача этиб келмаган.

## 6. Уч қироллик даврида санъат ва маданият

Уч қироллик даврида юкори табака орасида нафис санъат турларининг ривожланиши билан бирга оддий ҳалқ орасида анъанавий ҳунармандчилик ҳам ўсиб борди. Бунга ўша даврнинг санъати намуналарига қадимги мозорлар ва буддавийлик дини хайкаллари яққол мисол бўла олади. Когурё қироллигига оид санъат асарлари ва деворий расмлар маҳобати ва сертуйулиги, Бэкче давлатига оид асарлар асир этувчи гўзаллиги ва

нафислиги, Шиллага оид асарлар эса ҳар тарафлама ўйгунилиги ажралиб туради.

Когурё давлатининг энг қадимги ва машҳур мозорлари: Чжангунчон ёдгорлиги – Кўмондонлар қўргони, Муёнчон - ракқослар ва овчилар қўргони, Санёнчон – Бир жуфт мозортош қўргони ва Кангсо тэмё – Буюк қўргонлардир. Чжангунчон мозорлигини қирол Квангетхонинг сўнгги манзили ҳам дейдилар. Мозорлик етти сатҳдан иборат тош минорадан иборат. Муёнчон мозорлигига овчилар ва ракқосларнинг, Санёнчонда эса рицарларнинг олишуви деворларга муҳрланган.

Бэкчедаги қадимги қўйиндиilar (мозорлар) меъморий улутворлик ва фреска (деворий расм) ларнинг гўзаллиги билан диккатга сазовордир. Қирол Муённинг мозори устига қурилган кўплаб қабр иншоотлари ва тошларга марҳумнинг ҳаёт йўли билан алоқадор ёзувлар санъаткорона усулда битилган. Шилланинг қадимий қўргонларидан олтин тожлар ва нафис заргарлик буюмлари топилган. Чонманчон қўргонида Шилла даврига хос бўлган ва учар от расми туширилган деворий расмлар бор. Уч қироллик давридан қолтан обидалар ва санъат намуналари юксак меъморий, бадиий маҳорат яратилганилиги туфайли ҳозирга қадар олимлар ва саёҳатчиларни ҳайратта солиб келмоқда.

Уч қиролликда маданият гуллаб-яшнаган даврларда бу маданият Японияга ҳам ўз таъсирини ўтказди ва мазкур ўлқада «Асиқа» маданиятининг вужудга келишига кўмаклашди.

## **4-боб. БИРЛАШГАН ШИЛЛА ҚИРОЛЛИГИ**

### ***1. Сиёсий тизим***

Корея яримороли ва унинг астрофларидағи уч қиролликни бирлаштиришни үддалаган Шилла ҳукмдорлари ижтимой барқарорликни сақлаш учун сиёсий-бошқарув тизимини ислоҳ қилишга бошладилар. Мамлакатни бирлаштириш охирига етгач, қирол Мүёл ва унинг қариндошларининг ҳокимиияти кучая борди ва, аксинча, аслзодаларнинг жамиятдаги мавқеи күчсизланди. Ана шу даврдан бошлаб сижунг деб асталган амалдорнинг ваколатлари аслзода табақаси вакилларнинг ҳокимииятидан кучли эди. Амалда Баш вазир вазифасини бажарган сижунг қирол фармонларини тайёрлаш, эълон қилиш ҳамда уларни ҳаётта жорий қилиш билан шугулланади. Ижтимоий тараккёт илгарилаган сари турли расмий ҳукумат ташкилотлари ҳамда конфуцийлик таълими берувчи «кукак» мактаблари ташкил этила борди.

Махаллий бошқарув тизими ҳам ислоҳ қилинди. Қирол Синмун даврида мамлакатда тўққизта вилоят {«дю»} ва бешта «кичик пойтахтлар» {«согёнг»} ташкил этилди. Ҳар бир вилоят туманларга {«гун»} ва туманлар музофотларга {«хён»} бўлindi. 5 кичик пойтахтларнинг ташкил этишда чукур маъно бор эди. Ватанпарвар қирол факат пойтахт эмас, балки вилоятлар ҳам кучли маданий, иқтисодий марказлар бўлишини истарди. Шилладаги маданиятнинг ривожида айни шу карорнинг аҳамияти катта бўлганини қайд этиб ўтиш керак.

Шиллада кўшин {армия}ни ислоҳ қилишга ҳам жиддий этибор берилди. Тўгридан-тўри қиролнинг ўзига бўйсунадиган 9 нафар кўшинлар корпуси ташкил этилди ва 9 вилоядта мудофаа қалъалари {«жонг»} ҳам курилди.

### ***2. Иқтисодиёт***

Шилланинг иқтисодий ҳаётida аслзодалар табақаси ҳукмрон эди. Улар кўплаб дехқончилик қилинадиган ерларнинг,

ороллар ва тоглардаги хисобсиз яйловларнинг эгаси эдилар. Аслзодаларнинг кўп сонли хизматкорлари бўлар, уларнинг бойлиги кенг тарқалган судхўрлик туфайли кундан-кунга ошиб борарди. Бойликка кўмилган аслзодалар табақаси истрофарчиликка зўр берилган ҳашаматли ҳаётга интилар, бунинг билан, табиийки, ўзларининг анъанавий аслзодалик ва жанговарлик руҳини йўқота борарди.

Бошқа тарафдан дехқонлар ва кишлoқларда яшовчи бошқа куйи табақа вакиллари давлатта ва ўз ҳўжайнларига тўланадиган ўлпонларнинг кўплигидан оғир турмуш шароитларида яшар эдилар. Давлат ташкилотлари улар етиширадиган ҳосилдан ўзлари оладиган улушларнинг камайиб кетмаслиги ёки дехқонларнинг тирромлик қилишига йўл қўймаслик учун ҳамда ишлаб чиқариш кучлари ва имкониятлари устидан қаттиқ назорат ўрнатиш мақсадида ҳар уч йилда ер ўлчови, аҳоли рўйхати, кишиларнинг мол-ҳоли ва ўрмонларни хисобга олиш каби тадбирларни амалга оширади эдилар.

### ***3. Динлар ва маданият***

Бирлашган Шилла давлатида Будда дини алоҳида мавқега эга бўла бошлади. Мамлакатда бу диннинг тарқалиши унинг ичидаги турли оқимларнинг вужудга келиши билан бирга юз берди. Жумладан, «кё» оқимининг 8 тармоғи, «сэн» оқимининг 9 тармоғи вужудга келди. Буддизм дини кенг ҳалқ оммаси орасида кенг тарғибот қилинди. Кё оқимининг 5 тармоғи Уч қиролликнинг бирлашиши йилларида Будда дини гояларини ўрганиш ҳамда шарҳлаш марказлари сифатида шаклланди. Буддизмнинг Шиллада ижтимоий фикр ва маданиятнинг ривожланишида катта роль ўйнаган «хваомжонг», «жонгтоҷонг» ва «сэн-жонг» оқимлари ҳам мавжуд эди. Будда дини аслзодалар табақасининг ҳомийлигига ёйилди ва ривожланди.

Шилла тарихида муҳим роль ўйнаган динлардан бири конфуцийлик динидир. Қирол Синмун ҳукмронлиги даврида бу дин Кореяда шиддат билан ёйила бошлади. Қиролнинг

тошаббуси билан «гүкхак» деб аталган таълим тизими вужудга келтирилди. Бу тизимнинг вазифаси юкори табака вакиллариго конфуцийлик дини асослари ва Хитой адабиётини ўргатиш эди. Тан сулоласи ҳукмронлиги остидаги қадимги Хитой билан кўп тарафлама алоқалар туфайли Шиллада конфуцийлик дини билан бирга Хитой маданиятининг таъсири ҳам кучайди.

Бирлашган Шилла қироллигидаги ксилографик усулда китоб босиш ҳам ривожланган эди. Ксилография усулида китоб босиш ўтмишда бизда мавжуд бўлган литография усулига ўшаб кетади, яни матн аввал таҳтага ўйиб ёзилади ва унга бўёқ суркаб, қозогза босилади. «Дарани» деб аталган ва Пулгуксдаги мозорликдан топилган Будда динига оид қадимги диний китоб (8-асрда босилган) дунёнинг энг қадимги ксилографик китоби ҳисобланади.

Бирлашган Шилланинг энг ноёб маданий ёдгорликларидан бири «Хянг» - ҳалқ қўшиқлари адабиётидир. Қадимги Шиллада Хитой адабиёти аслзодалар табакаси ўртасида машҳур бўлган бўлса, хянг оддий ҳалқнинг энг севган адабий мулки эди. Ҳалқ қўшиқларининг муаллифлари асосан будда монахлари эдилар. Бизгача етиб келган энг машҳур қўшиқларнинг муаллифлари монахлар Вол Мён Са ва Чун Дам Садир. Жумладан, Мён Са «Тосолга» («Тосолдаги афсонавий жаннат»), «Жэмангмега» («Мархума синглим хотираси») каби, Дам Са «Анминга» («Ҳалқка тинчлик керак»), «Чанки парантга» (Кипаран-ту мадхияси) каби қўшиқларнинг муаллифлариридир. Қиролича Чинсон ҳукмронлиги йилларида монах Ҷигу Хва Сан хянгларни тўплаб китоб ҳолига келтиргани ҳақида маълумотлар бор. Аммо бу китоб бизнинг кунларимизгача етиб келмаган.

Бирлашган Шилланинг санъати буддавийлик руҳида ва бу диннинг анъаналарига мос тарзда шаклланган эди. Ўша даврда ибодатхоналарда ажойиб ҳайкаллар ҳамда тош мозорлар, куббалар бўлар ва улар юксак санъаткорона маҳорат билан иншо этилар эди. 8-аср ўрталарида Ким Тэ Сенга деган меъморнинг лойиҳасига кўра курилган машҳур Пулгуксдаги ва

Соккиромдаги ибодатхоналар Шилла даври будда санъатининг ажойиб намуналариридир. Ҳазэмс ибодатхонасидаги Соккатар ва Таботар куббалари уч сатҳли (қаватли) бўлиб улар жуда нафис безатилган, куббанинг тўрт ёнидаги тўрт шер ҳайкал обидаларга алоҳида салобат бағишлади.

Накъошлиқ санъатининг гўзал намуналари сифатида қирол Мўёлнинг қабри устидаги тош ҳайкаллар ва ёзувли ҳарсангни кўрсатиш мумкин. Бу обиданинг яна бир диққатта сазовор томони бор: мархум (хон, қирол, қаҳрамон) ёттан мозорнинг устига тошга ёзилган битиклар қолдириш анъанаси эски туркий ҳалқларда ҳам бор эди. Бизгача етиб келган энг қадимги ёзма обидалар – Ўрхун-Энасой битиклари ҳам туркий ҳалқларнинг буюк аждодлари – Билга (доно) хокон, Кул тегин (шахзода) ва Билга Тўнюкук (вазир) каби тарихий шахсларнинг мозортошлари сифатида ўрнатилган (эренизнинг 8-асри). Уларнинг мозорлари устида ҳам балбаллар – тош ҳайкаллар бор эди. Ҳудди шу даврда мозортош ва ҳайкал тикиш анъанаси корейс қардошларимизда ҳам бор эканлиги бу одатнинг энг қадимги, муштарак анъаналаримиздан эканлигини кўрсатади.

#### 4. Шилланинг ҳалокати

Шилла корейс бирлигини таъминлаган бир миллий давлат сифатида ўз тарихининг дастлабки юз йилида гуркираб ривожланди ва гуллаб-яшнади. 8-асрнинг иккинчи ярмидан эътиборан Шилла кучсизлана бошлади ва ўз тарихининг инқирозли босқичига қадам қўйди. Бундан кейинги 150 йил ичida Шиллада 20 қирол алмашди ва вазият кун сайин оғирлашиб борди. Қирол хонадони ва «чжингол» аслзодалар табакаси ўртасидаги қарама-қаршиликлар давлатни емирав эди. Бунга мос равишда жойларда маҳаллий зодагонларнинг ҳокимияти кучайиб, марказий ҳукуматнинг таъсири озайиб бораради. 9-аср охирида, қиролича Чинсон ҳукмронлиги даврида Шиллада дехконлар қўзғолони бошланди ва бу хол Шилланинг ҳалокатини тезлаштириди.

## **5-боб. ҚАДИМГИ КОРЁ ДАВЛАТИ**

### **1. Мамлакатнинг Корё қўли остида бирлаштирилиши**

9-аср охирида Шиллада бошбошдоқлик хукм сурган даврда, бу давлатнинг ҳудудида яна қайтадан Самгук давлатлари – Бэкче, Когурё ва Буюк Шилланинг меросхўри – Шилла давлатлари шаклланди. Энди бу давлатлар орасида асосчиси Куне бўлган Когурё алоҳида аҳамият ва қудратга эга эди. 918 йилда Кунени ҳокимиятдан четлаштириб, унинг ўрнига таҳта ўтирган Ванкок (у тарихга кирол Тхэчжо номи билан кирган) мустакил Корё давлатининг тузилганини эълон қилди. Тхэчжо мамлакат пойтахти қилиб ўзининг тугилган шаҳри Сонгак (Кэсон)ни белгилади. У ўзи тузган давлат Когурёнинг меросхўри эканини таъкидлаш учун давлатига Когурёга уйқаш – Корё номини берди. Тхэчжо буюк давлатларнинг асосчиларига хос бўлган барча ҳусусиятларга эга уста сиёсатчи эди. У хукмронлигининг дастлабки йилларида ҳалқнинг манфаатларини кўзловчи ислоҳотлар ўтказди, аслзодалар табақаси билан алоқаларини мустаҳкамлади. Тез орада у ўзининг мавқеини ҳамда Корёнинг сиёсий обрўсини мустаҳкамлашга эришди. Янги корейс давлатининг ўсиб бораётган куч-кудрати ва обрўси яримороддаги бошқа давлатлар томонидан тан олинса бошлади. Шилланинг сўнгги кироли Кёнсун 935 йилда ўз ҳалқи ҳошиш-иродасини ифода этиб, давлатининг Корё хукмронлиги остига ўтганини (Корё билан бирлашганини) эълон қилди. Буюк Шилланинг тарихи шундай тарзда ўз ниҳоясига етди. Орадан бир йил ўтиб, 936 йилда Корё Бэкчени маҳв этиди ва бу билан Корея яриморолигида Шилладан кейинги 40 йиллик хаос охирига етди, ўлка Корё хукмронлиги остида қайта бирлаштирилди. Бу – тарихда Кореянинг иккинчи марта бирлаштирилиши эди.

### **2. Корёнинг сиёсий тизими ва жамиятдаги табақалар**

Корё тарихининг илк давларида жойлардаги аслзодалар табақасининг ҳокимиятга тасири кучли бўлиб, марказий

хукуматнинг ваколатлари чекланган эди. Корёнинг уддабурон киролларидан бири Кванҷон ўз ҳокимиятини кучайтириш учун зодагонларнинг ҳуқуқларини чекловчи фармонлар қабул қилди. Масалан, у қиролнинг она қариндошларига сиёсий фаолият шуғулланиш ҳуқуқини берувчи қонунни («вечок»ни) бекор қилди, бунинг билан у қирол шахси атрофидагиларнинг, сиёсат билан шуғулана оладиганларнинг миқдорини кескин кисқартириди. У, шунингдек, бойларга эркин кишиларни кулга ойлантириш, қулликдаги кишиларни озод қилиш ҳуқуқини берган қонунларни («ноби»ни) бекор қилди. Бу қиролнинг ташаббусига кўра давлат курилмаларида ишлайдиган мансабдор шахсларни танлов ва имтиҳонлар асосида ишга қабул қиладиган ва уларга даражалар (тоифалар) бериш ҳакидаги қонун («гваго») қабул қилинди. Ўтра асрлар шароитида амалга оширилган бундай ақли ислоҳотлар қандай меваларни берганини тасаввур қилиш кийин эмас: Кванҷон ислоҳотлари туфайли Корёда кучли давлат ҳокимияти ва соглом ижтимоий муҳит яратилди ва бу мамлакатнинг кейинчалик гуллаб-яшнашига хизмат қилди.

Яна бир бошқа кирол – Сончжон даврида эса марказий ҳокимиятни янада кучайтириш учун вазирликларга ўхшаш давлат тузилмалари – «мунмұл жедо»лар таъсис этилди. Бу тузилмалар сиёсий, иқтисодий ва маданий масалалар билан шуғулланар эдилар. Сончжон конфуцийликни давлат дини деб эълон қилди. Сончжоннинг давлат қурилишидаги ислоҳотлари булар билан чекланиб қолмади, узоқни кўрувчи бу давлат арбоби мамлакатнинг марказий бошқарув ташкилотларини қуидаги соҳаларга кўра ташкил этиди: «нэса мунхасон» (кейинчалик бу ном жунсо мунхасон деб ўзгартирилган) – давлатнинг сиёсати асосларини ишлаб чиқсан. «Сансосон жунчувон» деб номланган бошқа орган эса ижроия тузилмаси бўлиб, у 6 бўлимдан иборат эди: «И» - мансабдорларни назорат қилувчи ташкилот; «Пёнпён» - ҳарбий масалалар билан шуғулланадиган муассаса; «Хо» - аҳоли сони ошишини назорат қилувчи орган; «Ҳён» - жиноий ишлар маҳкамаси; «Е» - мъяррака ва маросимлар билан шуғулланувчи орган; «Кон» - хазина ишлари ва хунармандчилик

ишлари билан шугулланувчи идора. Сал диккат қилинса, Сончжоннинг режасига кўра вужудга келтирилган корейс давлатчилиги шакли ҳозирги конституцион монархия шаклидаги бошқарувга (масалан, Англия ёки Япониядаги) ўхшаб кетиши кўзга ташланди. Ҳокимият тепасида - кирол, «жунсо мунхасон» - парламент, «сансосон жунчувон» - вазирлар маҳкамаси шаклида қабул қилиниши мумкин. Сончжон ўз мамлакатини 12 вилоятга («мок») бўлди, бу вилоятларни кирол томонидан тайинланадиган волийлар (ҳокимлар) бошқарар эдилар.

Мамлакатнинг қуролли кучлари 2 марказий армия («гун»), 6 турли қўшин бирлашмалари («ви») ва вилоятларининг аскарий тузилмалари шаклида ташкил этилган эди. Ўлка қуролли кучларини Олий бош қўмондон («санжангун») бошқарар эди.

Корё жамиятида инсоннинг шажараси, авлод-ажходи алоҳида роль ўйнар эди. Аслзода сулолалар ва оиласларнинг вакиллари юксак ҳукumat курсилари ва унумдор ерларнинг катта-катта майдонларини қўлга киритишар эдилар. Корё жамиятида аҳоли асосан 4 табақага ажратилган эди: энг олий табақага қирол оиласи ва энг машхур сулолалар; ўрта табақага ҳукumatнинг биринчи ва иккинчи даражали мансабдорлари; паст табақага оддий одамлар (савдогарлар, ҳунармандлар) ва дехқонлар; энг қўйи табақага эса крепостной (богли) дехқонлар ва қуллар кирадилар. Биринчи ва иккинчи табақалар - ҳукмрон, кейингилари эса эзилтан табақаларни ташкил этардилар.

12-аср бошларидан эътиборан жамиятда аслзодалар табақасининг таъсири озая бошлади. Мамлакат қуролли кучлари вакиллари аста- секин уларнинг бекиёс ваколатларини чеклай бошладилар. 1126 йилда мудофаа вазири Ли Жа Сём бошчилигидаги аскарлар ҳарбий тўнтариш қилишга уриндилар. Бундан кейин ҳам ҳарбийлар ва аслзодалар табақаси ўртасидаги зимдан рақобат давом этди ва жамиятда бекарорлик келтириб чиқарган шарт- шароитлардан бири бўлди.

### 3. Шимолдаги қўшниларга қарши кураш

Корё давлатининг ҳаёти ва ташки сиёсатида Корё

яrimороли шимолидаги ҳалклар – киданлар (корахитойлар), ёжинлар ва мўғуллар билан доимий равиша олиб борилган курашлар алоҳида ўрин тулади. Корё ўзининг куч - қудратининг чўққисига чиққанида унинг Шимолдаги қўшнилари ҳам этник юксалишларни бошдан кечираётганди. (Мисол учун бизга яхши таниш бўлган Мўғул империясининг вужудга келиши ва юксалишини эсга олайлик. 13-асрнинг биринчи ярмида мўғулларда ва Буюк Доштдаги (Дашти Кипчоқдаги) туркий ҳалкларда этник юксалиш юз бериши туфайли уларнинг Farbga юриши Евроосиёнинг сиёсий кучлари мувозанати ва сиёсий харитасини тубдан ўзгартириб юборган эди). Шу туфайли Корё дастлаб киданлар, сўнgra ёжинлар ва энг охирида биз юкорида эслатиб ўтган Мўғул императорлиги билан узок вақт кураш олиб боришига тўғри келди. Қадимги Корё қироллари ва қўмондонлари сиёsat ҳамда ҳарбий маҳорат бобида ўз рақиблоридан хечам қолишмагани ва, энг муҳими, корейс ҳалқининг ҳуриятипарварлиги ва қаҳрамонона кураши туфайли Корё ҳар сафар ўз мустақиллигини сақлаб қола олди. Ўз душманларига қақшаткич зарбалар берди.

Корё ҳуриятига ҳавф соглан шимоллик биринчи рақиб киданлардир. Улар корейс ерларига уч марта бостириб кирдилар. Икки дафъа ўзаро келишувга асосланган сұлжаларга борилди. Учинчи марта қирол Хёнчжон ҳукмронлиги йилларида бостириб келган киданлар оғир мағлубиятга учрадилар. Кан Кам Чан бошчилигидаги корейс қўшинларининг «Квижу зафари» номи билан тарихга кирган бу ғалабаси 1019 йилда қўлга киритилган бўлиб, Квижу деган жой яқинида киданлар армиясининг бутунлай тор-тор этилиши билан характерланади.

12-асрда ёжинлар Корея яrimороли шимолидаги ерларда ўз ҳукмронлигини кучайтиридилар ва Корёнинг шимолий ҳудудларига ҳавф сола бошладилар. Лашкарбоши Юн Кван сараланган корейс қўшинлари билан ёжинлар устига бостириб бориб, уларни тор-мор қиласди. Ёжинларнинг кейинчалик кучайган Ким давлати бороз муддат Корё устидан ўз назоратини ҳам ўрнатади.

Корё ёжинлар билан курашиб ётганида Осиёнинг марказидаги даштларда жаҳоннинг янги фотихлари - Мўғулларнинг жанговар давлати кучайиб борди. 1217 йилда Хитойни маҳв этган мўғуллар дастграб Корёга ўлпон тўлашни тақлиф этиш билангина чекландилар. 1231 йилда, кирол Кочжон хукмронлиги даврида улар Корёга кенг қамровли хужум уюштиридилар. Мўғулларга қарши кураш қарийб 40 йил давом этди. Мўғуллар Корё устидан ўзларининг том маънодаги хукмронлигини ўрната олмадилар. Бир муддат «ссансон-чонкванбу» деб аталган идора ёрдамида Корёни идора килишга интилдилар, аммо Хитойдаги Минъ сулоласининг тикланиши туфайли улар Хитой ва ундан шаркроқдаги ерларда ўз таъсирини йўқота бошладилар. 14-аср ўрталарида кирол Конмин мўғулларнинг идора тизимини бекор қилди ва эски давлат тизимини тўла тиклади. Тарихчи-олим Л.Н. Гумилёв қадимги корейсларнинг мўғулларга қарши курашининг жаҳоншумул аҳамияти - мислсиз куч-кудратига қарамай, Мўгул императорлигининг бу ўлкани тўла забт эта олмаганида ҳамда корейсларнинг мўғуллар билан озодлик урушига киришиб, пиравард натижада ўз хурлигини саклаб қолган саноқли халқлардан бири эканлигida, деб кўрсатади.

#### 4. Корёда дин, фан ва маданият

Кирол Ксанҷон даврида давлат амалдорларини ишга қабул қилиш учун мумалага киритилган «гваго» имгиҳонлар тизими Корёда конфуцийлик дини ва Хитой адабиётининг тарқалишида мухим ўрин эталлоди. Синовлардан ўтишни хоҳлаганлар давлат бошқарувига оид билимлар билан бир каторда конфуцийлик ва хитой маданиятини ҳам билиши керак бўлган, шекили. (Бу бир қараашда хозир бир қанча Шарқ мамлакатлари, жумладан, Кореянинг ўзида мавжуд бўлган қадр танлаш тизимига ўхшаб кетади. Факат талаб қилинадиган малакалар ўзгарган, холос. Бизнинг кунларимизда бошқарувга оид билимлар ёнида инглизчани ва компьютерда ишлашни билиш талаблари ўрин олган). Кирол Сонҷон томонидан кўллаб-куватланган конфуцийлик дини учун алоҳида ўқув юртлари ҳам ташкил этилган, жумладан пойтахтда «Гујакам» деган олий ўқув

юрти, вилоятларда «хяњак» номи билан юритилган ўрта мактаблар очилган. Корё давлати ташкил топган илк даврларда ўлкада машҳур конфуцийчи-олим Цой Чун (корейсча талаффузи - Чой Чжун) яшаган эди (984-1068 йиллар), замондошлари уни «хэтон конжа», яни корейс Конфуцийси деб аташар эдилар. Чой Чжуннинг фоилияти ҳам мазкур диннинг кенг ёйилишида катта аҳамият касб этди. Чой Чжун 9 нафар конфуцийлик ўқув юртлари очган, уларнинг довруги айрим пайтлар давлат ташкил қилган «гујакам» ва «хяњака»ларнинг шуҳратини хирадаштираётган эди.

Корё давлатида ўлканинг анъанавий дини - буддавийлик ҳам яшаб, тараққий этиб келмоқда эди. Давлат ва ословодаларнинг маълум бир қисми буддавийлик динининг ҳомийлари эдилар. Бу даврда ўлкада кўплаб будда ибодатхоналари қурилди. Машҳур Будда монахларига «ванса» (кирол руҳонийси), «гукса» (давлат руҳонийси) унвонлари берилди, давлат хизматчilarини танлайдиган «гваго» имтиҳонлари дастурига Будда динига оид мавзулар ҳам киритилди.

Корёда Буддавийликнинг ривожи ва кенг тарқалиши туфайли мазкур диннинг муқаддас китоби - Катта Будда суралари («Тэжангён»)ни яна чоп этиш зарурати туғилди. «Тэжангён»нинг илтари тартиб берилган нусхаси мўгуллар босқини даврида ёниб кеттан эди. Бизнинг кунларимизгача ўша даврдан машҳур Будда монахи Ичон тартиб берган Кичик суралар («Сокжангён») ҳам этиб келмаган. Катта Будда сураларининг ксилографик нашри Канхвадо оролида амалта ошириш учун жами 80 мингта таҳта пластинкалар қўлланган. Умуман, Корёда «Тэжангён» уч марта нашр этилган. Бунга, таъкидлаш лозимки, эски Корёда матбаачиликнинг ўз даври учун юксак даражада тараққий этгани ёрдам берган. Бу мамлакатда 13 асрда хотто металл ҳарфлардан ҳам фойдаланилган - европада Иоганн Гутенберг китоб босиш дасттохини кашф этишидан роса 200 йил олдин! 1234 йилда Корёда чоп этилган «Санжо гогим емун» («Эски ва янги одатлар ҳамда ўзини тутиш одоби») китоби металл ҳарфлар ёрдамида босилган эди.

Шилла давлати даврида бўлганидек, Корёда ҳам Будда маданияти гуллаб- яшнаган эди. Тош қубалар, Будданинг улугвор хайкаллари, ибодатхоналар қўнгироқлари, Будда ҳаётини

тасвирловчи деворий расмлар – ўша даврнинг катта бадиий кийматга эга асарларидир. Тош куббалар ичда 7 сатҳли Хёнхас, саккиз бурчакли ва 9 сатҳли Волжонс ва 10 сатҳли Кёнхос куббалари ўз меъморий ечимлари билан дикқатта сазовордир.

Будда ҳайкаллари орасида Пусок ибодатхонасида ўрнатилган «Ўтирган ҳолдаги Амитабу» деб аталувчи ҳайкал дикқатта сазовордир. Аммо, адолат юзасидан айтиш керакки, бадиий-меъморий хусусиятлари жиҳатидан Корё даври Будда ҳайкаллари Шилла давридаги ҳайкалларга нисбатан бирмунча оркада.

Корё даврининг ибодатхоналар кўнғироқлари орасида Ёнжус, Чонхинс ва Тхансанс кўнғироқлари энг чиройли ҳисобланади.

Корёдаги аслводалар табақаси яраттан санъат намуналари ичда нимишил чинни идишлар алоҳида ўрин тутади. Корё даври нимишил чиннисидан ясалган идишлар ва санъат обидалари нақшларининг нағислиги, рангларнинг соғлиғи, чиннига туширилган фигуralарнинг мутаносиблиги билан ажралиб туради. Нимишил чиннидан санъат асарлари яратиш 12-асрда жуда ривожланган эди.

Корё даврида бу ўлкага қадимги Хитой орқали Ислом дунёсининг фандати эришган ютуқлари ҳам кириб кела бошлатан. Масалан, «Корея тарихи (чет эллардаги корейслар учун)» (Сеул, 1996, русча) китоби муаллифларининг таъкидлашича, астрономия ва математика фанининг Корёдаги тараққиysi айни шу таъсир билан изоҳланади. Ислом дунёсида фаннинг, айниқса, аник фанларнинг ривожига бизнинг ота-боболаримиз – Туркистондан чиқкан буюк олимлар катта ҳисса кўшишган, демак, олис таҳрихда ҳам корейслар ва ўзбеклар ўзаро билвосита маданий-илмий алоқаларга киришганлар.

Корё давлатининг илк даврида Шилла давридан қолган «хянг»лар ҳалқнинг севимли қўшиклари эди, кейинчалик «согён пёлтоқ», «чонсан пёлтоқ», «касири» деб аталган қўшиқ жанрлари кенг тарқалди. Корё адабиётида қироллар ва уларнинг ҳукмдорлик йиллари ҳакида ҳикоя қилювчи «пхегван» деган янги ҳикоя жанри пайдо бўлди ва ривожланди.

## 6-боб. ЧЎСОН ДАВЛАТИ

### 1. Ибтидо

Корё давлатининг ижтимоий ҳаётининг сўнгти даврида (14-аср охирида) мазкур давлатдаги ҳарбий доиралар ва аслзодалар табақаси ўртасидаги қарама-каршиликлар мамлакатни бошбошдоқлик ва миллий инкиroz ёқасига келтириб қўйган эди. Мамлакатнинг соглом кучлари янги давлатни вужудга келтириш йўлларини излай бошладилар. Ўлкада таъсир доираси кучли бўлган ҳарбийлар қўмондонлар гурухи кўшинлар ёрдамида аслзодалар табақасини ҳокимиятдан четлаштириб, давлатни ўз кўлларига олдилар. Ҳалқнинг мададини олиш ва иқтисодий силжишларни кучайтириш учун улар зудлик билан ер ислоҳоти ўтказдилар. Шундан сўнг янгидан шаклланган аслзодалар табақасининг Тен То Жо, Тё Жун каби вакиллари Ли Сон Гёни қироллик таҳтига ўтказдилар ва янги давлат тузилтанини эълон қилдилар. Корея тарихида муҳим роль ўйнаган бу воқеа 1392 йилда рўй берган эди. Янги давлатта «Чўсон» деб ном бердилар. Бу ном мазкур янги давлатнинг энг қадимги Чўсон давлатига тарихий ворислигига ишора бор эди. Давлат бошидагилар пойттахти Ханян (ҳозирги Сеулга кўчирдилар.

Чўсоннинг ички ва ташки сиёсатида асосий роль ўйнаган факторлар – конфуцийлик, қишлоқ хўжалигини ривожлантириш ва Минъ сулоласи ҳукмрон бўлган Хитойга ёқадиган тарзда ташки йўл тутиш эди, бу шарт-шароитлар ўлканинг тарихий тараққиёти ва ўша давр корейс жамиятининг ўзига хос хусусиятларининг шаклланишида узок давр ўз таъсирини саклади.

### 2. Сиёсий тизим ва жамият

Чўсон давлати ташкил топган илк даврларда бошқарув давлатга хизмати сингтан вазирлар қўлида эди. Улар давлатни куришда ва янги қиролликнинг ташкил топишида кўрсатган хизматлари учун ҳукуматдан жой олган эдилар. Аммо, кўп ўтмай, давлат бошқарувидаги мазкур демократизмга чек кўйилди. Чўсон монархияга айланга бошлади. Айниқса, қирол Тхэчжон даврида

унинг ташаббуси билан давлат ташкилотлари ва мансобдорлари тизими вужудга келтирилди, жойлардаги феодалларнинг кўрлари (дружиналари)ни тарқатилди, бутун ҳокимият кирол қўлида тўпланишига эришилди. Бундан ташқари мазкур кирол диний ибодатхоналар ихтиёридаги ерлар миқдорини қисқартириди, бу эса эркин дехқонлар синфининг, билвосита – давлат хазинасига солик тўлайдиганлар табакасининг миқдорини кескин ошириди.

Чўсондаги олий бошқарув идораси қирол хузуридаги «Ижонбу» – Давлат Кенгаши эди. Давлат Кенгаши уч вазирдан иборат эди: кенгаш раиси, биринчи (ўнг кўл) вазир, иккинчи (сўл кўл) вазир. Улар қиролнинг иродасига кўра давлатнинг ички ва ташки сиёсатининг асосий тамойилларини ишлаб чиқардилар ва ҳётга тадбик этардилар. Ижонбуга ижроия ҳокимиятининг 6 муассасаси бўйсунар эди: амалдорлар (кадрлар), молия, тантаналар, ҳарбий, суд ишлари, курилиш ва хунармандчилик ишлари муассасалари. Бундан ташқари кирол хузуридаги ахлоқ-маънавият ишлари идораси ва Фанлар академияси ҳам мавжуд эди. Мамлакат 8 вилоятга бўлинган ва уларни қирол тайинлайдиган волийлар бошқарар эдилар. Вилоятлар «бу», «мок», «гун», «хён» деб аталган бошқа кичик маъмурӣ тузилмаларга бўлинган эдилар. Чўсонда умумий ҳарбий мажбурият ҳам жорий этилган бўлиб, 16 ёшга етган барча дехқон эркак фарзандлари ҳарбий хизматга бориши ёки мұқобил хизмат эвазига керакли маблагни тўлаши лозим эди.

Ҳарбий ишлар идораси 5 нафар қароргоҳдан бошқарилар ва уларнинг измида 5 та армия (ғвардия) мавжуд эди. Ўлканнинг чегара ҳудудларида куруклиқдаги кўшинлар ва ҳарбий-денгиз кучлари жойлаштирилган бўлиб, улар марказдан назорат килиб туриларди.

Чўсон давлатида янбанлар (айнан таржимаси: «оқсаяклар») хукмон синф мақомига ва жуда кўп имтиёзларга эга эдилар. Янбанлар доимо давлат хизматида бўлиб, мансаб пиллапояларидан «тваго» деб аталган давлат имтиҳонларини топшириб юкорилар эдилар. Янбанлар жамиятнинг энг ўқимишли (масъумотли) кишилари ҳам эдилар. Улар моддий ишлаб чиқариш билан шугулланмас эдилар, аклий меҳнат уларнинг чекига тушган вазифа эди.

### 3. Мамлакатнинг иқтисодиёти

Қишлоқ ҳўжалигини мамлакат иқтисодиётининг асоси деб билган Чўсон ҳукмдорлари дехқончиликни ривожлантириш ва дехқонларнинг турмуш фаровонлигини оширишга ҳаракат килардилар. Ҳукумат бўш ётган ерларни ўзлаштириш, сугориш ва заҳ қочириш тизимларини ривожлантириш, дехқончилик куролларини такомиллаштириш, ипак қурти боқиш ва шойи матолар ишлаб чиқаришга қўмаклашадиган тадбирларни амалга оширап эди. Шу туфайли Чўсон тарихининг ilk даврларида дехқончиликнинг гуркираб ривожланиши: экин майдонларининг кенгайиши, қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари ҳажмининг кескин ошиши кузатилади. Табиийки, бу билан бирга давлат хазинасига тушадиган солиқлар миқдори ошган, корейс дехқонларининг турмуш фаровонлиги ҳам юксалган.

Чўсонда дехқончилик қишлоқ ҳўжалигига доир маҳсус қабул қилинган ва «ѓважон» деб аталувчи қонунлар мажмуаси ёрдамида бошқарилган. Бу ҳужжатга кўра, давлат амалдорлари ўз мансабларига мос равишда ер участкаси олганлар, бундан ташқари қирол саройи съёнларининг ерлари ва дехқонларнинг хусусий ерлари ҳақидаги қоидалар ҳам бу қонунда зикр этилган эди.

Чўсон даврида корейс дехқонлари давлатга ер солиги тўлар, бундан ташқари улардан ўлпон йигиб олинар ва вакти-вакти билан бегар ишларига (ишлаб бериш мажбурияти) жалб этиларди.

Чўсон тарихининг ilk даврларида қишлоқ ҳўжалиги тараққиётига катта эътибор берилгани учун савдо-сотиқ ва хунармандчилик бирмунча кечикиб ривожлана бошлади. Дастреб ўлканнинг ички савдоси Сеул ва вилоятлар орасида шаклланди. Сеулда 6 та «Савдо уйи» (юкинчжон) очилди, улар мамлакат савдосини назорат килардилар ва қирол саройига истемол учун неки керак бўлса, барчасини етказиб беришарди. Вилоятлар ва туманларда ҳам савдо аста-секин жонлана бошлади. 16-асрда жойларда ҳар беш кунда ёймабозорлар (ярмаркалар) ўтказиладиган бўлди, бу ярмаркаларда моллар ерга ёйиб ташланган ҳолда, чодирларда ёки савдогарларнинг елкасига (юрнатилган пештахталарда сотилар эди.

Чўсондати хунармандчиллик давлатнинг назорати остида ривожланар эди, бу ҳол мазкур табака вакилларининг асосан давлат буюртмаларига кўра иш бажарганилиги билан изохланади. Хунармандлар маҳаллий бошқарув идораларининг назоратида ишлар, жанг қуроллари, метал ҳарфлар, девон (канцелярия) буюмлари, чинни идишлар ясашарди. Чўсонда хунармандчилликнинг юксак тараккиёти давлатнинг ҳомийлиги ва назорати остида юз берди. Шунингдек, мамлакатда хусусий хунармандчиллик ҳам мавжуд эди: хунармандчилликнинг бу тури дехқон ҳўжалигига керакли асбоб-ускуналар ва ашёларни тайёрлаш билан чекланар ва шу сабабли бозор учун деярли мол чиқармас эди.

Чўсоннинг транспорт тизими бизда Амир Темур ва темурийлар давридаги каби ташкил этилган эди, яни Туркистондо ўрта асрларда транспорт алоқаси учун учун карвонсаройлар, сардобалар ва «ём»лар (алоқа пункти) мавжуд бўлганидек, бу мамлакатда ҳам «ёки» деб аталган карвонсаройлар, «вон» деб аталган тунаш уйлари мавжуд эди, Ёкилар ҳар 30 чакиримда, вонлар эса йўли қийин ерларда курилар эди.

#### *4. Динлар, таълим, маданият ва санъат*

Чўсон аввалбошданоқ конфуцийчи давлат сифатида ташкил топган эди. Мазкур давлатнинг тамал фалсафаси конфуцийча – кучли қирол ҳокимиятига асосланган эди. Ҳукмрон табака вакиллари – янбанлар конфуцийлик таълимотини чукур ўрганишар ва ўз фаолиятларини шунга кўра куришар эди. «Гваго» имтиҳонларида ҳам конфуций таълимотидан хабардорлик катта ахамиятга эга эди.

Давлат маъмурлари конфуцийлик динини ҳар томонлама қўллаб-куватлашар ва унинг тарқалашига кўмаклашар эдилар. 16-асрда ҳукмрон доираларнинг ташаббуси билан конфуцийчи-олимлар «Соннихак» гояларини ишлаб чиқдилар, бу фалсафий гоялар бундан кейинги даврда Чўсон давлатининг мафкуравий куроли бўлиб хизмат қилди. «Соннихак»да ҳақиқатпарварлик, виждонлилик, фуқароларнинг қиролга содиклиги, хотиннинг эрга содиклиги, юксак маънавиятлилик гоялари акс этган эди.

Ҳокимият тепасидаги конфуцийчи гурӯхлар ўлканинг қадимий дини – Буддавийлика бир ёклама муносабатда бўлиб, уни ҳалқ хаётидан сурib чиқаришга интилар эдилар. Аммо, Буддавийлик дини оддий одамлар орасида, аёллар ўргасида ва ўлканинг чекка ҳудудларида ўз таъсирини саклаб қололди.

XVI аср Чўсоннинг ҳар тарафлама юксалган давридир. Бу даврда Чўсон ҳукмдорлари маориф ва маданиятнинг ривожига катта эътибор бердилар. Жумладан, қироллар Сэ Чжонг ва Сон Чжон илм-фанинг ҳақиқий ҳомийлари бўлдилар. Уларнинг ҳукмдорлик йилларида Чўсон фанинг шоҳ асарлари яратилди. Жумладан, қирол Сэ Чжонг «Жипхёнчжон» деб аталган илмий жамият тузди ва унинг сафларига иқтидорли ёш олимларни жалб этди. Бу жамият аъзолари факат илмий ишлар билан шуғулланар, уларнинг турмуши ва илмий фаолиятини моддий жихатдан таъминлаш қирол хазинаси зиммасида эди. Қирол Сон Чжон эса «Жипхёнчжон» анъаналарини давом эттириди ва ривожлантириди. У «Хонмунвон» (Фанлар Академияси) ташкил этди ва олимларни ҳар жихатдан қўллаб-куватлади. Ўша даврларда Кореяда, айниска, тарих, география, агрономия, тиббиёт ва корейс тиљшуносиги фанлари тараккиётида катта силжишларга эришилди. Бу академия ташкил этилган давр Самарқандда Улуғбек академияси тузилган пайтга тўғри келади (15-сарнинг биринчи ярми). Туркистон ва Чўсон маданиятнинг олтин асри ҳам ўзаро үйғун саналардадир.

Чўсон даврида қўлга киритилган буюк маданий муваффакиятлардан бири «Хангил» корейс миллий ёзувининг яратилганидир. Қадимги корейслар Самгук давридан бери хитой иероглиф ёзувидан фойдаланиб келардилар, бу ёзув ҳар доим ҳам корейс тилининг ўзига хосликларига жавоб беравермас эди. Миллий ёзувнинг мавжуд эмаслиги саводхонликни чекланган микдордаги кишиларнинг имтиёзи ҳолига келтириб қўйган эди. Қирол Сэ Чжонг олимлар жамоаси билан биргаликда ўқилиши ҳам, ёзилиши ҳам осон бўлган, мухими, корейс тили табиатига мос келувчи ёзув яратишга уринди ва бунга эришди ҳам. 1446 йилда тарихдан «хангил» номи билан жой олган янги корейс

ёзуви мұомалата киритилди. Қирол миллий ёзувни көнг ёйиш учун бу ёзувда күплаб китобларни чоп этиш (ксилография үсулида) фармонини берди. Янги ёзувда чоп этилган дастлабки китоблар ««Ёнби очон га»» («Осмонга үчган аждар ҳакида қўшиқ») ва «Ворин чонган жигок» («Мингларча дарёда акс этган ой») китоблари эди. Хангил ёзуви жуда содда ва аник (хитой ёки япон ёзувига кўра), унда корейс тилининг барча товушлари ва фонологик хусусиятлари жуда яхши акс этирилади. Бу ёзув кейинги асрларда эски корейс маданиятининг ривожланишига жуда катта ёрдам берди. Таъкидлаш керакки, Чўсон давлатида Шилла даврида эришилган китоб босиши (матбаачилик) санъати янада юксалди. Масалан, Корё давлати ўтмиши ва умумкорейс тарихига оид қатор китоблар чоп этилди. Улар қаторида «Корёса» («Корё тарихи»), «Тонгук тхонгам» («Корея тарихининг умумий шархи») китоблари ҳам бор. Чўсон даврида қироллар ҳаёти ва фаолиятини акс этирувчи йилномалар (хроникалар – «Силлок»)ни тузиш ва чоп этиш анъанаси шаклланди. Масалан, ўша даврда яратилган ҳамда Чўсондаги сулолалар ва қироллар ҳақида хикоя килювчи «Чўсон ванчжа силлоқ» («Чўсон қироллари йилномаси») китоби бу қадимий мамлакат тарихини ўрганишда қимматли манбадир. Чўсонда география, агрономия, тиббиёт, техника фанларига оид китоблар ҳам кўплаб чоп этилганди.

Чўсон даврида корейс фани эришган энг йирик муваффакиятлардан бири ёмғирни ўлчайдиган қурилманинг кашф этилишидир (1442 йил). Қирол Сэ Чжонг даврида амалга оширилган бу кашфиёт Европадагидан роса 200 йил илгари майдонга келган эди.

Чўсонда сув соати ва қум соати кашф этилган эди. Чўсонликлар ўточар куролларни (тўпни) билишар, ўрта бичимдаги ҳарбий кемаларни қуришни уddaлашар эди. Умуман, Чўсон ўрта асрлар Шарқининг етарли даражада ривожлагган давлати бўлиб, бу даврнинг сўнгги боскичида (ўрта асрлар охирида) бошка Осиё давлатлари каби аста-секин ривожланишда орқада қола бошлади ва бу ҳол бутун Шарқининг тақдиррида чукур акс этгани каби корейс тарихида ҳам ўз изини қолдириди.

## 5. Имжин уруши

16-аср сўнгидаги Чўсон навбатдаги инқирозлардан бирини бошидан кечира бошлади. Мамлакатдаги сиёсий баркарорсизликдан фойдаланган Япон ҳукумати икки ўлка алоқалари тарихида биринчи марта Кореяни босиб олишга уриниб кўрди: 1592 йилда 200 минг кишилик япон қўшинлари тўсатдан Чўсонга ҳужум қилди ва Имжин уруши бошланди. Faflatda қолган корейс қўшинлари кетма-кет мағлубиятга учрадилар ва шимолга чекина бошладилар, ҳатто мамлакат пойтахти Сеул ҳам бой берилди. Фақат денгизда Ли Сун Син раҳбарлигидаги Чўсон флоти японларга қаттиқ зарба бера олди. Чўсонликларга душман эришган галабалар тушкунлик келтирмади, балки бутун ҳалқда милллий гурур ва шарафнинг уйгониши ҳамда миллатнинг оёққа туриб, ўз душманларига қарши урушга киришига олиб келди. Мамлакатнинг барча ерларида Ибёнг – Адолат армияси тузилиб, босқинчиларга зарба бериш бошланди. Чўсоннинг азалий иттифоқчиси –Хитой Минъ салтанати қўшинлари ҳам ёрдамга етиб келди ва япон қўшинлари ваҳима ичидаги чекина бошладилар. Сўнгра бошланган яраш музокаралари З йил сурди ва бу вақтда нафас ростлаб олган японлар 1597 йилда яна Чўсонга ҳужум қилдилар. Аммо бу гал ҳам Ибёнг ва Минъ-Чўсон қўшма армиясининг қаршилиги туфайли бу ҳужум японларга муваффакият келтирмади. Миллий бирлик ва ҳалқнинг матонати туфайли Чўсон Имжин урушида галаба қозонди, аммо 7 йиллик бу уруш Чўсоннинг иқтисодиётига ва маданиятига катта салбий таъсир қилди. 100 мингдан зиёд корейслар Японияга ҳайдаб кетилган эди.

## 6. Чўсоннинг 16-асрдан кейинги тараққиёти

Жаҳон тарихида типик ўрта асрлар давлатлари гуллаб-яшнаган юзийлликларда ҳукм сурган ва бу даврлардаги давлатлардан фарқли ўларок узоқ вақт – 5 асрдан кўпроқ яшаган Чўсон икки марта юксалиш ва икки марта инқироз даврини бошдан кечиргандир. Чўсон давлати ҳаётининг биринчи қисми Имжин уруши билан ниҳояланади. Иккинчи қисм бундан

кейин – то ўлканинг 1912 йил ниҳояланган сиёсий тарихига қадар давом этади. Мамлакатнинг 16-асрдан кейинги тарихининг қайси ўзанда кечишида конфуцийчилик оқими, Хитой ва Farb (Европа) ўлкаларининг бевосита таъсири кўрилади. 16-асрда кирол ҳокимияти таянган эски конфуцийчилар (қисон сарю) ва янги конфуцийчилар (синдин сарю) ўртасида кураш авж олди. Бу мағкуравий ва тез-тез қуролли кураш тусини олган қарама-қаршилик Имжин урушидан кейин ҳам тұхтамади ва ҳатто, кучайди. Сиёсий гурухларо узок давом этган қарама-қаршилик («пундан» сиёсати) жамиятда хилма-хил салбий ҳолатлар: пораҳүрлик, адолатсизликнинг урчишига ва, табиийки, Чўсон тараққиётининг сусайишига олиб келди. Аммо, кироллар Ёнчжо ва Чончжо даврида ўлкани ҳалокат соҳига судраётган «пундан» сиёсатидан миллий яраш сиёсатига («тханпен» сиёсатига) ўтиш юз берди. Яраш аҳдномаларига бевосита қирол саройида ўтказилувчи музокаралар давомида эришилар эди. Пировард натижада мухолиф томонлар орасида ҳукумат курсилари тент бўлинди, конфуцийлик мактабларида ярашнинг сиёсий аҳамияти изохланиб ва тушунириб берилиди.

Қирол Ёнчжо 300 дан ортиқ конфуцийлик мактабини бекиттириди, чунки бу мактаблар пундан сиёсатининг ўчоклари бўлганди. Унинг салафи Чончжо қирол ҳокимиятини мустаҳкамловчи ва парокандаликка барҳам берувчи бундай тадбирларни ўтказишда давом этди.

Чўсонда бу кироллар ҳукмонлиги даврида ўтказилган солик ислоҳоти, ер кадастри (ерни тупроқ таркиби, унумдорлиги ва ишлов берилиш даражасига қараб баҳолаш) ва одилона ички сиёсат туфайли 18-асрга келиб Чўсон яна ўзининг эски қудратига қайtdi. Мамлакатнинг иқтисодий қуввати ошли, савдо ривожланди, хунармандчилик ва төғ-кон саноати тараққий этди; фанларнинг кенг тизими ривожлана бошлади, янги адабиёт ва санъат шаклланди, фан ва техника ривожланди. 18-аср корейс Уйғониш даври бўлиб тарихга киради. Аммо мазкур асрда кўлга кирилтган ютуқлар кейинчалик ривожлантирилмади, ёпирилиб кириб келаётган Farb турмуш тарзи ва техникиси таъсиридан

чўчиган консерватор кайфиятдаги кейинги Чўсон ҳукмдорлари ўлкани, мақсадлари учун қурай географик ҳолатидан (уч тарафи денгиз ва факат бир тарафдан иттифоқдош Хитой билан чегараланганлигидан) фойдаланиб «ёник жамият»га айлантирилар. Аммо замонанинг зайдидан бу тарзда қочиб қутилиб бўларми? Чўсон ҳукмдорларининг модернизация сиёсати ўрнига «ёник эшиклар» сиёсатини танлоши ўлканинг сиёсий ҳалокатини аниқ қилиб қўйди, холос. Тўғри, Чўсон жамиятининг тараққийпарвар кучлари Farb ва Япон таҳликаси қаршисида ислоҳотлар ўтказиб, кучли замонавий давлат қуриш ягона тўғри йўл эканини англаб етган ва ҳукмрон доираларни шу мақсадларга чорлашарди. Аммо, уларнинг саъи ҳаракатлари жиддий натижага бермади, ҳокимиятни қўлда тутган одамларнинг ва бошқа тескаричи кучларнинг акс таъсири бу ҳаракатларни самарасиз ҳолга келтириб қўйди. Тарихнинг жилвасини қарангки, ҳудди ўша даврларда (19-аср) жадал ислоҳотлар ўтказиш Туркистон ўлкаси ҳалқлари олдида ҳам долзарб вазифа бўлиб турганди. Бизда ҳам ўлқадаги уч ўзбек хонликлари айнан Чўсондаги каби изоляция (чеккаланиш) сиёсатини танлашди. Ислоҳотлар ўрнига ихтилофлар, илму-фан ўрнига эскирган тушунчалар ҳукмрон бўлган Туркистон ўзининг илмий-техник устунлигидан усталик билан фойдаланган Россия империяси тарафидан тарихан жуда қисқа мuddат – 25 йил ичидаги тамоман бўйсундирилди. Жуда кимматга тушган хато, тўғри эмасми? Чўсонни ҳам шу каби истиқбол қутиб турарди.

## 7. Чўсоннинг ҳалокати ва Япон экспансияси

17-асрдан кейин европаликларнинг Осиё қитъасига қизиқиши ортди ва улар аввал Ҳиндистонда, Ҳиндихитойда ва Сибирда мустаҳкамланиб олгач, аста-секин Узок Шарқда ва Жанубий-Шаркий Осиёда ҳам мустамлакачилик ва босқинчилик сиёсатини амалга ошира бошладилар. Материкда (қуруклиқда) иштаҳаси чегара билмаган Россия империяси мустамлакачилари Амур дарёси бўйларига қадар келиб, бу ерда Хитой билан манфаатлари тўқнашгач, ҳозирги Приморье ўлкаси худудларида ўзларига кўним

топдилар. Денгизда эса Англия, Франция, Голландия кемалари янги бозорлар ва мустамлакалар қидириб изгишарди. 19-асрга қадар Буюк Британия Хитойни қисман ўз таъсирига олди, бу ўлкада «афюн урушлари» уюштириди. Хитойда католик миссионерлари ўз фаолиятларини олиб боришарди.

1627 илли илк марта Голландия кемаси Чүсон кирғокларига келди. 1654 йилда Чжежудо оролига инглиз дарғаси Хамель бошлигидаги кема (30 та матроси билан) ташриф буюрди. Аммо бу ташрифлар Чүсоннинг ижтимоий турмушига бирор-бир таъсир ўтказа олмади.

Чүсонга Farb цивилизациясининг ўтказган дастлабки таъсири диний таъсир эди. Хитой билан доимо яхши муносабатларда бўлган Чүсонга бу ўлка орқали христиан дини ҳам ёйила бошлади. Дастлаб Чүсоннинг илмили кишиларидан бўлган Ли Бэк, Квон Ил Син, Ли Сун Хун христианлик билан таништач, бу динни қабул қилишади. Улар христианлар жамоаси тузиб, 1784 йилда Сеулда черков очадилар. Аммо бошданоқ католик маҳзаби ҳукмрон доираларнинг ашаддий қаршилигига дуч келади. Жумладан, ўша даврларда Чүсон таҳтида ўтирган қироллар Чончко ва унинг салафи Сунчко даврида бутун мамлакатда католиклар сикувга олинади ва католиклар погромлари уюштирилди.

Farb дунёси Чүсон ҳукмдорларидан мамлакатнинг ички бозорини ташки дунё учун очишни талаб кила бошлайдилар. Инглизлар 1816 ва 1832 йилларда икки марта Чүсонга кемалар жўнатиб, мамлакатни ўз савдогарлари учун очишни талаб этдилар, 1846 йилда Жануби-Шарқий Осиёдаги мустамлакачиликда уларнинг рақобатчиси бўлган Франция ҳам худди шундай талаб билан флот жўнатди. 1852 йилда Америка кемалари, ундан икки йил сўнгра Россия кемалари Чүсон қирғокларига келди. Уларнинг ҳам нияти маълум эди. Инглиз ва француз миссионерлари ўз фаолиятларини кучайтирудилар. Аммо бу ҳаракатларнинг барчаси Чүсон ҳукмрон доираларининг «ёпик эшиклар» (чеккаланиш) сиёсати билан бартараф этилар эди. Айни ўша даврларда Чүсонда қироллар Сунчко, Хончжон ва Чхолчжон ҳукмронлиги ийларида мамлакатни бошқаришининг «сэдо» деб аталган усули ўрнатилди. Бу замонда ҳокимият амалда қироличаларнинг

қариндошлари кўлида эди, мамлакатни 60 йил Ангдонлик Кимлар ва Пхенянлик Тёлар клани бошқарди ва улар ўз гурухи манфаатларинигина қўзлаган таловчилик сиёсати олиб бордилар. Натижада Чўсонда ижтимоий аҳвол янада ёмонлашди.

Farb ўз таъсирини ёйишга кучли интилган 19-аср ўрталарида Чўсон жамиятида бу интилишга ва ўлканинг келажагини белгилашга нисбатан турлича муносабатда бўлган икки гурух бор эди. Биринчи гурух – «юсенг»лар (конфуцийчиликнинг бир оқими номидан олинган) Чўсоннинг анъанавий маданиятини Farb маданиятидан устун кўйиб, Farbнинг ютукларини олишни рад этар, корейс цивилизациясининг ютукларини тинмасдан қўришни ва Корея ўз йўли билан тараққиётга давом этишини исташарди. Иккинчи гурух (уларни шартли равища «арбараастлар» дейиш мумкин) эса ислоҳотлар тарафдорлари бўлиб, улар Farb цивилизацияси ёришган ютуклардан фойдаланган холда Чўсонда замонавий ва ривожланган жамият барпо этишга интилишар эди. Бу икки оқим тарафдорлари ўртасидаги қарама-қаршилик 19-асрнинг сўнги чорагида жуда кескинлашди ва 1882 йилда ҳарбий исён ҳам бўлиб ўтди. 1884 йилда (Габсин йилида) эса давлат тўнтариши юз берди ва ислоҳотчи кучлар давлат бошқарувини кўлга киритиб, қирол Кочжонни ислоҳотлар йўлини тутишга маъбур этдилар. Аммо улар ислоҳотларни бошлар-бошламас тескаричини кучлар (юсенглар) ҳужумга ўтиб, уларни ҳокимиётдан четлаштирудилар. Шундай килиб, Чўсонда ислоҳотлар ўтказиш учун қилинган ҳаракат муваффақиятсиз тугади. Юсенгларни Хитой тарафи, ислоҳотчиларни эса Япония тарафи кўллаб-кувватларди.

Шу ўринда Чўсоннинг яқин кўшниси – Япониядаги ислоҳотлар ва уларнинг муваффақияти ҳақида ҳам тўхталиб ўтиш зарур. Японлар ҳам илк ўрта асрларда «ёпик эшиклар» сиёсатини юргизган, ўлкага Farb маданияти ва фан-техникасининг кириб келишини ман қилган эдилар. 1603 йилдан бошаб Японияга Farбликларнинг келиши ҳам тўхтатиб қўйилган эди. Аммо, 19-асрнинг ўрталарида эътиборан, айниқса 1867 йилдан бошлаб (бу йили Японияда Farb руҳидаги ислоҳотлар ўтказиш дастури қабул қилинган эди) японлар Farb илму-фани, техникасининг ютуқларини, Farb иқтисодий моделларини шиддат билан

ўзлаштира бошладилар, тараккиётнинг «япон моделини» вужудга келтирдилар. 20-аср бошида ёк Япония ўрта даражада ривожланган Европа давлатлари қаторида эди ва шу туфайли у 1905 йилги Рус-Япон урушида ғолиб чиқди, ва афсуски, бу ўлка сўнгра Осиёнинг ягона илғор давлати мақомини босқинчилик мақсадларида ҳам қўллай бошлади. Япониядаги ислоҳотларнинг муваффақияти сири нимада? Кўпгина тадқиқотчиларнинг фикрича, бунинг сири - японлар ислоҳотларнинг энг бошида қабул килган шиорда, яъни «Гарб фан-техникаси, цивилизацияси ютукларига - ха, дини ва маданиятига - йўқ» жумласидадир. Бошқача айтганда, японлар илғор дунё эришган ютукларни ўз миллати ва жамияти анъаналари билан уйғунлаштира олдилар, асрий миллый қадриятларини саклаб қолган ҳолда, юксак тараккиётга эришдилар. Ҳудди ўша даврда Гарбдан шаблон тарзида нусха кўчириб тараққиётга эришмоқчи бўлган бошқа бир Осиё давлати - Усмонли (турк) салтанатида ислоҳотчилар - танзимотчилар, машрутитчилар ва «ёш турклар»нинг ҳатти-ҳаракатлари ҳудди Чўсондаги каби муваффакиятсизликка учради, Европага тақлидан қуроли кучлар, маориф ва давлат тизимида ўтказилган енгилелли ислоҳотлар умид килинган натижани бермади ва Биринчи жаҳон урушидаги маглубиятдан сўнг бу салтанат тарқаб кетди. Турк ҳалқининг Камол Отатурк бошчилигидаги қаҳрамонона кураши туфайли миллый ҳалокатнинг олди олинди ва салтанат ҳаробалари ўрнида ҳозирги Туркия Республикаси курилди. Демак, ислоҳотлар ўтказиш гоят нозик ишдир, бундаги ҳар қандай пухта ўйланмасдан килинган иш, миллий реалиялар хисобга олинмай ташланган ҳар қандай қадам оғир оқибатларга олиб келиши мумкин.

20-аср бошланганида Чўсон юқорида тасвирланган ахволда эди. Ўрта асрларга хос қулоқ сиёсий-ижтимоий тузум ва ўша давргача давом этиб келган «ёлиқ эшиклар» сиёсати бу мамлакатнинг тараккиётига тўсқинлик қиласиди. Айни пайтда эса тараккиётда катта ютукларга эришган Японияда шаклланган ёш, кучли ва очкўз буржуазия ўз таъсирини Япон оролларидан ташқарига ёйишни истарди. Бошқача айтганда, гуркираб ривожланётган япон иқтисоди учун хомашё базаси ва бозорлар

керак эди. Бундай бозор ва хомашё базаси сифатида японлар энг аввало Чўсон ва Хитойни тасаввур этардилар. Бошка бир томонда, материқда эса Россия империяси ҳукмрон доиралари мамлакат ичидаги ўсиб келаётган «асрнинг вабоси» - большевизмни даф килиш ва бир ўқ билан иккى қарғани уриб, Чўсонни ва Шимолий Хитойни ҳам ўз таъсирига олишни хаёл қиласидилар. Сўнгти рус подшосининг ўз ўлкасидаги ишчилар ҳаракатини бостириш учун Русияга «кичкина, лекин ғолибона уруш кераклиги» ҳақидаги тезисини эсга олайлик. Бу жумла Узок Шарқда Япония билан Корея учун уруш олиб боришни назарда тутар эди. Чўсон қироли Кочжон Япония таъсиридан кутулиш учун Русиядан мадад истарди. У ҳатто 1896 йилда японларнинг таъсиридан кутулиш учун ўз саройидан кочиб, 1 йил Рус элчихонасида яшади. Япония ҳукмрон доиралари Чўсон ҳукуматининг сиёсий иродасизлигидан фойдаланиб, аввал савдо-сотиқда, сўнгра концессияларда ва иқтисодиётнинг бошқа соҳаларида бирин-кетин бошқарув ипларини ўз қўлларига ола бошладилар, Чўсон билан тенг ҳукукли бўлмаган шартномалар туздилар, мамлакатнинг ички ишларига аралашадиган ва ташки сиёсатни ҳам назорат қиласидиган бўлдилар. Ватанпарвар кучлар эса жон-жаҳдлари билан вужудга келган ахволдан чиқиш йўлларини ахтардилар. Улар «Тоннип» («Мустақиллик») деб аталган ташкилот тузиб, кенг кўламли ислоҳотлар режасини ишлаб чиқдилар. Улар қирол ҳукуматини чет элликлар олдида паст кетгани ва мамлакатнинг миллый манфаатларини оёқости қиласидиган учун танқид қиласидилар. Тез орада қирол ва унинг атрофидагилар бу ташкилотни ўзлари учун хавфли санаб, унинг фаолиятини чекладилар, фаол «тоннипчилар»ни қамадилар. Аммо «Тоннип» гоялари бехуда кетмади. Рус элчихонасидан ўз саройига қайтган қирол кенг ҳалқ оммасининг истагига қулоқ осишга ва «Тэҳан Дегуқ» - Буюк Корея Империяси тузилганлигини, мамлакатнинг мустақил, суверен давлат эканлигини ва тез орада кенг кўламли ислоҳотлар бошланишини зълон килишга мажбур бўлди. Афсуски, булар жуда кеч қабул килинган қарорлар эди. Ислоҳотларсиз ҳалокатга учрашини охир-окибат англаб етган Чўсон ҳукмрон доиралари

бу карорларга камида ўн йилларча кечикиб келдилар.

1904 йилда Япония Русияга уруш эълон қилди. Кореяни биратўла забт этиш ҳар икки урушайтган томоннинг режаларига кирганидан безовта Тэхан Дегук ҳукмдорлари мамлакатнинг уруш гирдобига тушиб қолмаслиги учун бетарафлик сиёсатини эълон қилдилар. Аммо уруш ташаббускори - Япония Тэхан Дегукнинг бу позициясига заррача эътибор бермади ва бир қанча ёлғондакам шиорлар («Шимолдан бўладиган таҳдиддан кўриши», «Кўшма хавфсизлик чоралари») билан ўз хатти-ҳаракатларини никоблаган холда Кореяга икки дивизия ташлади, Сеулни забт этди, бу шаҳар ва унинг астрофларини «ҳарбий база» деб эълон қилди. 1904 йилда Корея ва Япония ўртасида имзоланган шартномага кўра, корейслар оммавий равишда жабха эҳтиёжлари учун сафарбар этиладиган бўлди. (Бу 1916 йилда Рус мъмурияти Туркистонда амалта оширган «мардикорликка олиш» кампаниясига нақадар ўхшаб кетади! – *Муалл*.) Бу билан чегараланмаган Япония шу иили Тэхан Дегук ҳукмдорларини яна битта шартнома тузишга мажбурладилар. «Япон-Корейс конвенцияси» деб номланган бу шартномага кўра Япония ташки сиёсат, молия, мудофаа, ички ишлар, таълим ва сарой ишлари соҳаидаги сиёсатни ўз назорати остига олди. Бундан кейинги иккинчи ва учинчи шартномалар янада оғир шартларга кўра тузилган бўлиб, мамлакатда ҳокимият амалда япон империалистларининг қўлига ўтанини англатарди. Сиёсий иродадан маҳрум қирол ва вазирлар япон тазиқидан кўришиб, Тэхан Дегукнинг суверенитетини оёқости қилувчи шартномаларга имзо кўявердилар, мамлакатни японлар измiga топшириб кўйдилар. Бу орада японлар Рус-Япон урушида ғалаба қилдилар ва Узок Шаркнинг танҳо ҳокими бўлиб олдилар. Русия устидан эришилган ғалабадан рухланган Япон ҳукумати континентал Осиёга ошкора бостириб кира бошлади, жумладан, Тэхан Дегукни аннексия қилишни кучайтирди. Маҳв бўлиш навбати никоят қиролга етиб келди. 1907 йилда японлар Кочжонни истеъфога чиқишига мажбурладилар, бироз вақт ўтгач корейс армиясини таркатдилар, полиция ва судлов органларини ўз кўлларига олдилар ва 1910 йилга келиб Корея Япониянинг мустамласига айланди. Бу Кореянинг янги тарихидаги энг қора соҳифалорнинг бошлангини эди.

## 7-боб.

# МУСТАМЛАКАЧИЛИК ВА ҮНГА ҚАРШИ КУРАШ ЙИЛЛАРИ (1910-1945)

19-асрнинг охири ва 20-аср бошидаги Корея ва Туркестон тарихидаги яна бир ўхшаш нуқта - орадаги қисқа замон фарқи билан ҳар икки ўлканинг Осиёдаги кекса ва ёш империалист давлатлар - Русия ва Япония томонидан истило қилинишидир. Бошқа бир уйғун тараф ҳар икки ўлка ҳалқининг энг мудхиш қўринишдаги мустамлака шаклорига дучор бўлганидир. Ўзгалар ерини босиб ва ўзлаштириб олишга устаси фаранг Русия империяси ҳамда бундай «тажрибалар»дан холи, аммо, ёш ва йиртқич япон империализмининг ҳар икки ўлқада амалта оширган таловчилик сиёсати мудхиш моҳияти билан ҳам айнидир. Буни ўрни билан қиёсан таҳлил қиласиз.

## 1. Бошқаришнинг ҳарбий-полиция режими

Тэхан Дегукни ўз мустамласига айлантирган Япон ҳукмрон доиралари бу ўлканинг моддий ва манавий бойликларини талон-тарож қилиш, корейс ҳалқини эксплуатация ҳамда ассимиляция қилиш учун мисли кўрилмаган ҳарбий, сиёсий ва ижтимоий тадбирларни амалга ошира бошладилар. Япон императори Кореяни бошқариш учун маҳсус фармон билан бу ўлқада генерал-губернаторлик тузилганини эълон қилди ва генерал-губернатор тайинлади. Япон генерал-губернатори ўзининг Туркистондаги рус маслакдоши каби чекланмаган ҳуқуқларга эга эди: унинг қўлида қонун чиқарувчи, ижрочи, суд ва ҳарбий ҳокимиятлар тўплланган эди, у факат япон императоригагина итоат этарди. Губернаторнинг ҳокимиятини қўриш ва маҳаллий аҳолини итоатда тутиб туриш учун Кореяга икки пиёдалар дивизияси, 40 минг миршаб ва жандармлар келтирилган, бу ишга 20 мингта яқин маҳаллий хуфялар (маҳфий агентлар) ҳам жалб этилган эди. Босқинчи репрессив режим ҳар қандай шубҳали туюлган хатти-ҳаракат учун корейсларни

қамар ва сургун қилар эди. Мамлакатда эркин матбугут, сиёсий партиялар, ижтимоий ўюшмаларнинг фаолияти тұхатилди, миллий йүлбошчиларнинг күпчилиги қамоқларга ташланды. Шу йүллар билан Япон оккупацион режимі Кореяда дунёнинг 20-аср бошидаги әңг мудхиш босқынчи-репрессив режимини үрнатди. Аммо, режимнинг зулми күчайған сари халқнинг үнга бўлган нафрати ҳам орта борди.

## **2. Мамлакат бойликларини талон-тарож қилиш**

Кунчикиш мамлакати вакиллари Кореяни бўйсундиргандан сўнг бу мамлакатнинг табиий бойликлари, қишлоқ ҳўжалиги, саноати ҳамда инсон ресурсларидан шафқатсиз суратда фойдалана бошлидилар. Энг аввало улар ўлканинг ер ости ва ер усти бойликларини әгаллашга киришдилар. 1910 йилдаёк губернаторлик қошида ер тузиш идораси ташкил этилган эди. Бу идора ерларни қайта ўлчаш ва ҳисобга олиш баҳонаси билан тадбир ўтказди. Губернатор фармони билан ерларни қайта рўйхатдан ўтказиш бўйича корейс ахолисига жуда қийин ва чалкаш тартиблар белгиланди, натижада ер ҳужжатларини ўз вактида ва тўғри расмийлаштирган дехқонларнинг ерлари автоматик равишда генерал-губернаторлик ҳисобига ўтаверди. Бу қабиҳона алҷов кампанияси туфайли мустамлакачи режим ҳайдаладиган ерларнинг 40 фоизини кўлга киритди. Бу ерлар «Шарқий мустамлака компанияси» деган япон ширкатига ва япон хусусий шахсларига арzon-гаровга сотилди. Бу алҷов туфайли ерларидан ажralган корейс дехқонлари ижарачи ёки батракка айланар эди, бу имкониятдан ҳам маҳрумлар эса тоглардаги тор дараларда дехқончилик қилишга ёки Манчжурия ва Японияга кўчиб кетишга мажбур эдилар.

Корейс ерларида етиштирилган қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари аксар қисми Японияга ташиб кетилар ва бу шусиз ҳам оғир шароитда яшайтган кишиларнинг ахволини тобора начорлаштиради. 1920 йилдан бошлаб ўн йил давомидан японлар «Гуруч етиштиришни ошириш режаси»ни амалга

oshiрдилар. Мамлакатда гуруч ва бошқа бошокли экинлар хосили бир неча баравар ошиди, аммо бу хосилнинг хузурини япон империалистлари кўрардилар. Жумладан, 1922-26 йиллар давомидан ҳар йили японияга 20 миллион бушель (200 минг тонна); 1932-1936 йилларда эса йилига 47,5 миллион бушель (475 минг тонна) гуруч ташиб кетилди. Гуруч корейсларнинг истеммол киладиган асосий озиқ - овқатидир, биз, ўзбеклар кунда қанча нон истеммол қилсан, корейслар ана шу микдордаги гуручни ейдилар. Гуруч - Жанубий-Шарқий Осиёдаги халқларнинг, жумладан, корейсларнинг нонидир. Япон мустамлакачилари корейсларнинг нонини ана шундай тарзда “түя қилардилар”. Юз минглаб тонна гуручни Японияга жўнатган корейс ахолиси ўзи оч-ноҳор яшарди. Бу ҳол якин ўтмишимиздаги “қизил империя” раҳнамолари ўзбекнинг остонасигача пахта экиб ва миллион-миллион тонна пахта хомашёсини четта сотиб, валютани чўнтағига ургани, ўзбек дехқони эса, кўрпа-ёстиққа солиш учун пахтага зор бўлгани манзарасига накадар ўхшаш эмасми?

Қишлоқ ҳўжалигини тўла измига олган япон мустамлака режими энди бошқа соҳаларга қўл узата бошлади. Аввалио корейсларнинг ишбилармонлик фаолияти билан шугулланишини чеклайдиган қонун қабул қилинди. Кейинчалик әгалари йўқ ўрмонларнинг барчаси генерал-губернаторнинг мулки деб эълон қилинди. Натижада ўлканинг 50% дан зиёд ўрмон ҳудудлари мустамлакачилар ихтиёрига ўтиб қолди. Япон маъмурияти балиқ овлаш соҳасида ҳам ўз назоратини үрнатди. Улар энг яхши балиқ овланадиган ҳудудларни ўзлаштирилар ва ўша йиллари балиқ овлаш ҳажмида дунёда иккинчи ўринга кўтарилилар.

Мустамлакачи режими ва япон саноатчилари Кореянинг ерости бойликларини талашга катта куч ташладилар. Улар олтин, кумуш, тошқўмир ва бошқа минераллар казиб олинадиган барча конларни ўзиники қилиб олдилар. Корейс ишбилармонлари барча конларнинг 0,3 фойизинигина назорат килардилар. Генерал-губернаторлик банклар, темирйўллар, лиманлар ва бандаргоҳларни ҳеч қандай тўловларсиз ўз измига

олди. Мустамлака маъмурияти корейсларнинг ишбилармонлик фаолиятларини ҳар томонлама чеклаган холда япон иш доираларига катта имкониятлар яратиб берарди. Масалан, 1911 йилда ўлқадаги япон ширкатлари сони 109 та эди, 1918 йилда эса бу миқдор 262 тага етди. Ҳудди шу йилларда корейс ишбилармонлари ихтиёридаги ширкатлар сони 26 тадан 39 тагагина ошди, холос.

### 3. Миллий зулм ва ассимиляция сиёсати

Мустамлака йилларида Тэхан Дегукда Япон маъмурияти юргизган маданият ва таълим соҳасидаги сиёсат, таргибот-ташвиқотлар ва ички сиёсатнинг бошқа қирралари ягона мақсадга – корейсларнинг миллий шуурини сўндириш, уларни ўз маданияти ва тилидан жудо этиш ҳамда шу йўллар билан бу миллатни астасекин ассимиляция қилиш эди. Бу мақсадга эришиш учун мустамлакачилар жуда кўп ва мисли кўрилмаган гайриинсоний тадбирларни амалга оширедилар. Жумладан, мустамлака даврининг бошидаёқ корейсча газеталар чиқиши тўхтатилди, ҳар қандай йигилиш ва митинглар тақиқланди. Диний маъракалар ҳам полиция назорати остида ўтадиган бўлди. Корейс миллий байроби ҳам конундан ташқари деб эълон қилинди.

1911 йилда мустамлакачи режим бундан бўён Кореядаги ҳалқ таълимининг асосий вазифаси ёшларни “Япон императорига садоқат ва мутавозеълик” руҳида тарбиялашдан иборат, деб эълон қилди. Кореяда ҳамма учун умумий 4 йиллик бошлангич мактаб, ўғил болалар учун 4 йиллик, қиз болалар учун 3 йиллик ўрта таълим мактаблари бўлишига изн берилди. Бу мактабларда ўқиш ҳам жуда оз миқдордаги корейс болаларига насиб этган; чунки, мактабларнинг сони жуда кам эди. Масалан, 1919 йилда 17 миллион кишилик нуфусга эга Тэхан Дегукда 84.306 нафар бола мактабга бораради. Бу эса мактаб ёшидаги болаларнинг атиги 3,6 фойизини ташкил этарди. 245 минг бола эса “садонг” деб аталган эски (асосан қишлоқларда) мактабларга қотнарди. Мустамлака режими корейсларга “керагидан ортиқча” маълумот

берилмаслиги лозим, деб хисобларди. Япон тили ўлқанинг расмий тили макомига эришгани учун барча мактабларда японча мажбурий ўқитиларди. 1938 йилга қадар мактабларда корейс тили ўқитилган бўлса, бу санадан эътиборан бу тилни ўқитиш қотъян ман этилди. Корея тарихи фани ҳам мактаблардаги дарслар рўйхатидан чиқариб ташланганди. Давлат мактаблари ўқитувчиларининг аксарияти японлар эдилар.

Мустамлака даврининг бошларида корейсларни чалгитиши, уларнинг миллий тарз ва иродасини чўқтириш учун “японлар ва корейсларнинг этник бирлиги ҳақида”ги назария ўйлаб топилди. Сўнгра япон тарихини ва тилини мажбурий ўқитиш, корейсча ўрнига японча гапиришга ундаш, “япон императорига садоқат билан хизмат қилиш”га даъват этиш ҳаракатлари кучайди. Энг охирида даъват этиш мажбур қилиш билан алмашди. Одамларга ўз исм ва фамилияларини японча шаклда ёзиш ва талаффуз этиш талаб қилиб кўйилди. Анъанавий корейс динлари қистовга олиниб, синтоизм (япон дини) тарғиб этила бошлади. Бу очикдан очик японлаштириш сиёсатига қарши чикувчиларнинг жойи турма эди.

Япон империалистлари иккинчи жаҳон урушига кирадеканлар, корейс ёшларини ҳам ўз армияси сафларига олиб, “тўп еми” қилишни режалаштиридилар. 1938 йилда япон олий ўкув юртларида таълим олаётган 6.500 корейс ёшлари Япон Императори Кўшинлари (империалистлар ўз армиясини шундай баландпарвоз ном билан атардилар) сафига чакирилди. 1943 йилда Жаҳон урушининг бориши Япониянинг зарарига қараб бурилгандан сўнг, дўлтлisisi тор келган мустамлакачилар 214.000 нафар корейс ёшларини урушга сафарбар этдилар.

Кореядаги япон ҳукмронлиги йилларида амалта оширилган энг мудхиш жиноятлардан бири ёш корейс қизларининг Иккинчи жаҳон йилларида япон қўшинлари урушаётган жабхаларга жўнатилиши ва улар у ерда япон аскарларининг...жинсий эҳтиёжларини қондириши воқеасидир. Айтишларича, япон аскарлари орасида ёш корейс қизи билан ёттан кишининг ўлимдан омон қолиши ва ҳеч бўлмагандага, у дунёдаги азоблардан кутилиши

ҳакида бир афсонаомуз қарашлар бўлган. "Мехрибон" император ўз аскарларининг истакларини қондириш учун хукуматта бу хусусда кўрсатма берган. Фармонга кўра фронтда "Роҳатлантириш Бирликлари" деб аталган маҳсус қисмлар тузилган ва улар жабханинг орқа чизигида жойлаштирилган бўлиб, жанглар орасидаги вақтларда япон аскарларига "хизмат кўрсатар" эдилар. 1941–1944 йилларда ана шу жирканч мақсадларда 200 минг бокира қиз фронтларга жўнатилган. "Сеул даракчиси" газетаси 1999 йилдаги бир қанча сонларида бу хусусдаги мақолалар қаторида бир собиқ "Роҳатлантириш Бирлиги" қатнашчиси бўлган аёлнинг эсадаликларини ҳам эълон қилди. Унинг хотираларини нафратдан титрамасдан ўкиш мумкин эмас. Ундан биргина детал келтирай: бу шўрлик аёл 1942 йилда японлар инглизлар билан урушаётган Бирма фронтидаги «Роҳатлантириш Бирликлари»га бориб тушганида ...13 ёшда бўлган!

II Жаҳон уруши бошланганида япон завод ва фабрикаларида малака талаоб этмайдиган «кора ишлар» учун 900 минг кореялик йигит-қиз Кунчиқар ўлкасига жўнатилган эди. 1943 йилда Японияда урушдан олдинги йилларда мардикорликка олинганлар билан қўшиб хисоблаганда 1,8 миллион корейслар эксплуатация этиларди.

Япон боскини йилларида Кореяни 4 миллиондан зиёд корейслар тарк этдилар. Корейслар АҚШ, Япония, Манчжурия, Россия (СССР)нинг Узок Шарқдаги вилоятлари, Жанубий Америка ва бошқа юртларга зулмдан бош олиб кетардилар. Бу мавзуда тўхталиб ўтиш лозим бўлган ўрин бор: Россия (СССР)нинг Узок Шарқдаги вилоятларига XIX осрда ва XX-асрнинг 20-30 йилларида кўчиб борган корейслар урушдан олдинги йилларда ҳеч қандай сабабларсиз Сталин режими тарафидан Ўрта Осиё ва Қозогистонга кўчирилди. Бу – коммунистик режимининг кейинроқ, Иккинчи жаҳон уруши йилларида кирим – татарлар, мескети турклари ва бошқа Кавказ ҳалқарини ватанларидан кўчириш олдидан ўтказган бир «кичик тажрибаси» бўлган эди. (Бу гайриинсоний «тажриба» илк даъфа Узок Шарқлик корейслар устида ўтказилганлигига ургу берадиримиз – *Муалл.*).

Япон мустамлака режими ошкора шовинистик ва талаш сиёсати ҳамда ўзининг гайриинсоний табииати билан Корея аннексиянинг энг бошиданоқ корейс ҳалқи орасида нафрат түдирди. Жанубий-Шаркий Осиёнинг энг қадимий ва маданиятилли миллатларидан бири – корейсларга ва бу минтақанинг энг эски маданият бешикларидан бири Тэхан Дегукка қарши қилинган бу жиноятлар ўзининг қарши реакциясини – миллий-озодлик ҳаракатини вужудга келтирди. Мустамлака режимиининг дастлабки йиллариданоқ Кореяда Япон мустамлакачилигига қарши курашнинг хилма – хил шакллари: куролли қаршилиқдан тортиб аксиляпон варақалар тарқатишга қадар – уларнинг барчаси, кундан-кунга ривожлана бошлади.

1910–йилларнинг охирида ёк мамлакатда мустакиллик учун кураш авж олди. Корея тарихига «1 Март ҳаракати» номи билан кирган намойишлар япон мустамлака режимига қарши ҳалқнинг биринчи марта очикдан-очик қарши чиқиши бўлиб, бу воқеа бундан кейинги миллий – озодлик ҳаракатларига жуда катта таъсир ўтказди. 1919 йилнинг январ ойи охирида Чўсоннинг японлар таҳтдан ағдарган сўнгги қироли Кочжонг вафот этганди. Унинг вафоти, табийики, юртдошларида ватанпарварлик туйгуларининг қўзғалишига олиб келди. З март куни Сеулда ўтказилиши мўлжалланган Кочжоннинг жаноза маросимига юз мингларча одамларнинг келиши кутилаётганди. 1918 йилда ташкил этилган, зиёлилар, талабалар ва дин вакилларидан иборат бўлган Корея ватанпарварларининг яширин ташкилоти бу маросимни ўз ватанларига озодлик талоб қилган намойишга айлантиришга муваффақ бўлдилар. 1919 йил 1 март куни намойишчилар Сеулнинг Тхапкол паркида Мустакиллик Декларациясини зълон қилдилар, ман қилинган корейс байрокларини кўтариб, кўчалардан ўтдилар. Уларнинг асосий шиорлари «Яшасин мустакиллик!», «Тэхан Дегукка озодлик!» эди. «Мустакиллик декларацияси»да эса ҳалқнинг озодликка бўлган орзу-умидлари аниқ акс этганди. 1 мартда бошланган намойишлар бутун Корея бўйлаб бир ой давом этди. Намойиш

ва митинглар 211 туманларда ва шаҳарларда бўлиб ўтди, жами 1500 намойишда 2 миллиондан кўпроқ кишилар қатнашдилар.

Корейс халқининг оммавий чиқишлидан қаттиқ чўчиган япон мустамлака режими халқнинг намойишлари тўлкинини пасайтириш ва одамларни кўркитиш учун жуда бераҳмона жазо чораларини кўллади. Ўша кунлари 7,5 мингдан зиёд киши японлар ўқидан ҳалок бўлди, 16 минг киши ярадор бўлди, 47 минг киши қамоқларга ташланди. Япон мустамлака режими оммавий қамашлар, қатагонлар ёрдамида 1 Март ҳаракатини бостира олди. Аммо бу воқеа корейсларнинг миллый ўйғонишида ва озодлик курашининг тарихида катта аҳамиятга эга бўлди. Ҳалқ ўз кучига ишонди ва биргалашиб курашганда ҳар қандай кучли душманни енгиш мумкинлигини хис қилди. Корейс халқининг озодлик кураши бутун Жанубий-Шарқий Осиёдаги мустамлака халқларининг ўйғонишига турткি бўлди. Жумладан, 1 Март ҳаракати тўғрисида эшитган хитой ҳалқи 5 Апрель ҳаракати деб бу мамлакат тарихига кирган озодлик ҳаракатига қўзгалди, Ҳиндистонда ҳам инглизларга қарши намойишлар бўлиб ўтди.

1 Март ҳаракатидан кўп ўтмай, унинг ғоялари таъсирида (1919 йил сентябрда) Шанхай шаҳрида Тэхан Дегукнинг кувгандаги Вактли ҳукумати тузилди. Бу ҳукумат корейс конституциясини ишлаб чиқди ва Кореяни демократик республика (Тэхан Мингук) деб эълон қилди. Гарчи бу ҳукумат ҳақиқий иқтидордан йирокда бўлса- да, у миллый давлатчилик йўқолтанидан сўнг 10 йил ўтгач, озодлик ва ҳурликтин рамзи сифатида корейсларнинг қалбига ишонч баҳш этар ва озодлик ҳаракатларини мувофиқлаштириб турарди.

Япон мустамлакачилик режимига қарши курашда корейс ҳалқи олиб борган куролли кураш алоҳида ўрин тутади, чунки бу кураш оммавий ҳалқ озодлик ҳаракатининг энг фаол шакли бўлиб, босқинчи режимга қақшатқич зарба берарди.

Японларга қарши куролли курашни «Тонхиг» ташкилотнинг «Ибёнг» деб аталган ҳарбий отрядлари бошлаб бердилар. Манҷкурия ва Приморьега бош олиб кетган Корея ватанпарварларидан тузиленган бу куролли турұхлар Шимолда япон қўшинларига тез-тез ҳужум

килардилар ва уларнинг ҳарбий кучларини ҳолдан тойдиродиган ўрмон жангларига киришга маъжбур этардилар.

Япон босқинчларига қарши қуролли курашнинг бошқа бир намунаси Хитой ҳудудларида шаклланган Тикланиш Армияси («Кванбоккун») фаолиятидир. Бу армия 1940 йилда Вактли ҳукумат томонидан Чунцинда тузиленган ва у ташкил этилганинг биринчи кунлариданоқ японларга қарши курашга киришган эди. Мазкур армия Ҳиндистон ва Бирма ҳудудларида инглиз қўшиллари билан қаттиқ жанглар олиб борди. Тикланиш Армияси Кореяни озод қилиш учун ҳужумга ўтишга тайёргарлик кўраётган вактда Япониянинг иттифоқчиларга (Америка ва собиқ СССРга) сўзсиз таслим бўлгани хабари келганди.

Корея озодлигининг қўлга киритилишида Ватандан ташқаридаги корейс юртсеварларининг кураши ҳам катта ўрин тутади. Манҷкурия, Япония, Хитой, АҚШ ва бошқа ўлжаларга тарқаб кетган кўп миллионли корейс диаспораси энг оғир дамларда Ватан билан ҳамнафас бўлдилар. Масалан, Вактли ҳукуматнинг тузилишида муҳожир корейсларнинг роли каттадир.

#### 4. Озодликнинг нотекис йўли

1943 йил ноябрда инглиз қўли остидаги Миср пойтахти Қоҳирада АҚШ Президенти Ф. Рузвельт, Англия Баш Вазири В. Черчилл ва Хитойнинг ўша пойтдаги йўлбошчиси Чанг Кайши иштирокида ўtkazilgan bir ҳалқaro учрашувда «Корея вақти соати етак мустақил давлат бўлажаги» ҳақидаги маҳсус Баёнот имзоланди. Бу воқеадан кўп ўтмай Техронда тўпланган Уч Буюк Давлат (АҚШ, СССР, Буюк Британия) бошликлари Конференциясида Сталин Совет ҳукумати номидан бу қарорни кабул килганини айтди. Кореядаги ва дунёдаги барча корейслар мазкур Баёнотни жуда катта севинч билан қаршиладилар. Баёнотдаги «вақти соати етиб» ибораси дикқатни жалб этмади, корейслар учун энг муҳими, Тэхан Дегук мустакиллигининг жаҳон ҳамжамияти томонидан тан олинганилиги эди. Аммо воқеаларнинг кечиши 1945 йилнинг августига келиб, тубдан ўзгариб кетди.

Уч Буюк Давлат бошлиқларининг Ялта ва Постдам конференцияси қарорларига кўра 1945 йил 8 августда собиқ ССРР Японияга қарши уруш эълон қилди ва Корея яриморолининг шимолий-шарқида йигилган Совет қўшинлари (15-Армия) жанубга қараб ҳужумга ўтилар. Бу вақтда Америка Кўшма Штатлари армияси Кореядан 960 км узоқда, Окинава оролларида япон қўшинлари билан урушаётган эди. Совет қўшинлари эса яриморолинг жанубига қараб жуда катта суръат билан силжиётгандилар ва улар тез орада бутун Кореяни ишғол қиласидиган каби туюларди. Японияга қарши урушнинг бу қадар тезлик билан боришини ва японларнинг бу қадар заиф қаршилик кўрсатишини кутмаган Америка сиёсатчилари ва ҳарбийлари Совет ҳукуматига мурожаат қилиб, ундан ўз қўшинларини 38-параллелда тўхтатишни сўради, бу мурожаатга иловга этилган режага кўра мамлакат Корея яриморолининг ўрта қисмida ўтган 38 параллелнинг икки тарафидаги икки «ҳарбий ҳаракатлар зонаси»га – яриморол шимолидаги Совет зонаси (майдони 125,2 минг квадрат километр) ва жанубдаги Америка зонасига (96,3 минг квадрат километр) бўлинар эди. Сталин бу режани қабул қилди ва ўз қўшинларига 38 параллелда тўхташни буюрди. Бу вақтда Америка қўшинлари ҳали корейс тупрокларига қадар этиб келмаган эди.

Америка ва Англия қўшинларининг Хиндиҳитой ва Океаниядаги ҳужумлари, август ойининг бошидаги Хиросима ва Нагасаки атом бомбардимони ва Советларнинг урушга киришидан сўнг ўз ҳалокати муқаррарлигини сезган Япон ҳукумати Постдам Конференциясида қабул қилинган ультиматумни қабул қиласидаги ва иттифоқчиларга сўзсиз таслим бўлажагини эълон қилди. Корея генерал-губернатори (япон) Абе Нобуюки (Abe Nobuyuki) бу таҳликали ва оғир замонда ўлқадаги тартиб ва осойишталикни саклаш мақсадида илгари турмаларга ташланган сўл руҳдаги корейс ватанпарварлари билан музокаралар бошлади. 15 августда турмадан чиқсан ватанпарвар лидерлардан Ун Хйонг Ё (Un Hyong Yoo) бошқарган Тайсис қўмитаси тузилди

ва бу қўмитанинг жойлардаги бўлимларини тузиш ишлари ҳам қизиб кетди. Мамлакатни икки ишғол зонасига ажратилгани ватанпарварларни хавотирга солар эди (воқеаларнинг кейинги ривожи бу хавотир ўринисиз эмаслигини кўрсатди). Улар Америка қўшинлари етиб келтунига қадар Корея Ҳукуматини тузишни истар эдилар. 6 сентябрь куни Сеулда тўпланган Миллий Мажлис Корея Ҳалқ Республикасининг тузилтанини эълон қилди. Ҳукумат бошлиги этиб ўша вақтда ҳали АҚШда бўлган Dr. Ли Синг Ман (Lee Sing Man), унинг ўринbosари этиб Хёнг Ё сайланди.

Жанубда муваккат Корея ҳукуматини тузиш ишлари қизғин кетаётган даврда Шимолда ҳам шунга ўхшаш фаолият шитоб билан авж олдиримоқда эди. 15 августгача 38 параллелгача қадар бўлган ҳудудларининг ишғолини тамомлаган Совет қўшинлари орасида 300тacha коммунист-корейслар бор эди. Шимолий Кореянинг бўлажак «буюк доҳийси» («Чучхэ»), Қизил Армия капитани Ким Ир Сонг (Kim Il Song) ҳам улар орасида эди. Совет оккупацион маъмурлари Ҳалқ Республикасини тан олдирил ва ўзлари тузган, Ким Ир Сонг раҳбарлигидаги Шимолий Корея Ҳалқ қўмитасини бу ҳукуматнинг шимол вилоятларидағи вакили сифатида иш юритиши таъкидладилар. Аммо бу Совет ва шимоллик коммунистларнинг вактинчалик муросасозлиги эди. Август ойида Корея Коммунистик партиясини тузиб, ошкора фаолиятга ўтган советпаст кучлар ва уларнинг Москвадаги ҳомийларининг нияти яриморолда «ишли - дехқон ҳукумати»ни тузиш эди. Бунга қадар Советлар Шаркий Европа, Болқонлар ва Болтиқбўйида ушбу хилдаги «ҳукуматлар»ни тузиб, анча тажриба ортиришган эди.

1945 йил 6 октябрда Америка Кўшма Штатлари 8-армиясининг Жон Ходги (John Hodge) кўмондонлигидаги 14-бригадаси 72 минг аскари билан Жанубий Кореяга етиб келди. Америкаликлар Сеулни ишғол қиласидилар, япон генерал-губернаторини амалидан тушириб, Кореядаги японияликларни ўлқасига қайтара бошладилар. Диққатга сазовор томони шундаки, Америка оккупацион маъмурлари Ҳалқ Республикаси ҳукуматини

тан олишдан бош тортдилар. ўзларининг ҳарбий маъмурлари қўли остида фаолият кўрсатадиган бир ҳукумат тузиб, бошкарувни унга топширишга тутиндилар. Бу кескин кадам корейис лидерларига жуда ёмон тасъир қилди, айни ҳол давом этса, корейслар халоскор каби қабул қилган Америка қўшини ва давлати ҳам душман киёфасида тасаввур этилиши мумкин эди. Шунинг учун бўлса керак, генерал Ҳодги октябрь ойида Корея Маслаҳат Кенгаши деган бир ташкилот тузди ва шу вақтга келиб Америкадан Кореяга етиб келишга ултурган Dr. Лини бу кенгаш раҳбарлигига кўйди. Ўша 45-йил октябрیدа ёк Шимолдаги коммунистлар оммага ўзларининг «кимлигини кўрсатган»лар шекилли, ҳалқ 38-параллелдаги чегарани кечиб, Жанубга қараб оқмоққа бошлади. Америка, Япония, Хитой ва бошқа ўлкалардаги корейслар ҳам Жануб идораси остидаги тупроқларга қайтиб келарди.

1945 йилнинг декабрь ойида Москвада тўпланган иттифоқчи давлатлар ташки ишлари вазирлари учрашувида Корея масаласи ҳам кўрилди ва бу хусусда кўйидаги қарорларга келинди: а) Кореядаги умуммиллий бир ҳукумат ташкил этилади; в) бу ҳукумат 5 йил давомида Иттифоқчилар назорати остида фаолият кўрсатади. Бу қарорлар Кореядаги сўлларни ҳам, ўнгларни ҳам газаблантириди. Ҳақиқатан ҳам бу қарор корейсларга нисбатан содир этилган аддолатсизлик эди. Минг йиллар давомида ўзини-ўзи бошқариб келган, ўн йилларча мустақиллик учун қурашлар олиб бориб, мингларча фарзандларини бу қурашда курбон берган миллат учун бу қарор менсимаслик каби туюларди. Бошқа тарафдан бўй қарор Иттифоқчиларнинг ўзлари қабул қилган Қохира баённомасига ҳам уйғун эмасди. Иш ташлашлар, намойишлар, американпарат ва советпарат кучлар ўртасидаги қарама - қаршилик кучайди. Корея янги бир гавғо арафасида турарди.

## 8-боб.

## КОРЕЯ УРУШИ

Корея яримороли ҳудудлари иттифоқчилар тарафидан ишғол этилган 1945 йилнинг август-октябрь ойларида антигитлерчи коалициядаги иттифоқчилар - Фарб (Америка, Англия) ва собиқ Советлар Иттифоқи ўртасида ҳали «совук уруш» бошланмаган эди. Шунинг учун улар яриморолни японлардан озод килишда у қадар кучли қарама-қаршиликка бормаган эдилар. Иттифоқчилар ўртасидаги совук урушнинг бошланиши деб 1946 йилнинг ноябрини сийтишади. Ўшанда Англияning собиқ бош вазири В. Черчилл Фултон шаҳрида (АҚШ) сўзлаган нутқида Фарбни Совет экспанзизмига қарши курашга чакирган эди. Ҳар қандай араз ва совуқчилик манфаатларнинг тўқнашувидан келиб чиқиши маълум; ҳалқаро сиёсатда бу қоида янада қатъйлашади. Шарқий Европа (ва айниқса, Польша муаммоси), Германиянинг урущдан кейинги тузуми, асиirlар муаммоси ва бошқа масалаларда иттифоқчилар орасида ихтилофлар Постдам конференциясига қадар мавжуд эди. Германия устидан қозонилган галабада ўз давлати асосий роль ўйнаганини ургулаган Сталин «айтганим айтган, деганим деган» қабилида иш тутар, миллатлар ва инсон ҳуқукларини олд планга кўйган Фарб эса ҳеч бир масалада ён бермасликка ҳаракат қиласди. Иттифоқчилар турли конференция, учрашув ва саммитларда хилма-хилумумий қарорларини қабул қилишмасин, ўртадаги ишонч руҳи йўқолтани учун ҳар бир томон гоҳ ошкора, гоҳ хуғя ўз манфаатини кўзлаб амалий ҳаракат қиласди. 1945 йилнинг охирида ва 1946 йилнинг бошида ана шундай мунозарали масалалар қаторига Корея муаммоси ҳам келиб қўшилди. Аммо, Европа ва Осиёдаги бирқанча мамлакатлардан фарқли ўлароқ, жаҳоннинг икки супер кучи, икки ижтимоий тузумнинг бевосита қураш майдонига айланган Кореядаги халқнинг порлоқ умидлари ўрнига ҳеч ким кутмаган даҳшатли воқеа - фукаролар уруши рўй берди, мамлакат ва миллат бўлинди. Жаҳондаги геополитик кучларнинг тўқнашви майдони бўлишдан келадиган энг буюк хотар ҳам шудир. Кейинчалик шу хилдаги мусибат Виетнам, Афғонистон ва Анголанинг ҳам бошига тушганини хотирлайлик.

## **1. Уруш олдидаги вазият**

Кореяда уруш олдидаги воқеалар ривожи 40 – йилларнинг иккинчи ярмида жаҳонда вужудга келган ижтимоий тизимлар ўртасидаги «совук уруш» муносабатларига мос равишда ривожланиб борди. 38-параллелнинг ҳар икки тарафида ҳам Совет ва Америка оккупацион маъмурлари ўз тузумлари манфаатларига мос келадиган ижтимоий тузилмаларни вужудга келтира бошладилар. Москва Шартномаси, сўнгра Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Буш Ассамблеясининг қарорлари ҳар икки-тараф томонидан ҳам амалда инкор этилгани ҳолда 38-параллелнинг шимолида «ишичи-дехқон давлати», жанубида эса «демократик ва ҳур ўлка» куриш ишлари авжига минди.

1948 йил 10 майда Америка қўшинлари ишғоли остидаги Жанубда (21,5 миллионли аҳоли) умумий сайловлар ўтказилди, 300 кишилик парламент сайланди. Бу парламент 1945 йил 15 августдаги Корея Республикасининг (Тэхан Мингук) тузилгани хусусидаги қарорга қонун тусини берди. Др. Ли Синг Манни Республика Президенти этиб сайлади. Янги жумхуриятнинг мустақиллигини Америка ва етакчи демократик давлатлар тан олдилар. БМТ Буш ассамблеяси Тэхан Мингукни Кореядаги ягона қонуний ҳокимият деб эълон қилди. Бунга жавобан Шимолдаги советпараст коммунистик бошқарув ҳам 25 августда «сайловлар» ўтказиб (8 миллионли нуфус), Корея Олий Халқ мажлисини туздилар. Бу Мажлис ўша йили 9 сентябрь куни Корея Халқ Демократик Республикаси тузилганини расман эълон қилди. Совет ҳукумати ва унинг йўлдошлари бу давлатни дарҳол тан олди. Совет модели асосида курилган бу «ишичи-дехқон давлати» корейсерида «социализм асослари» ни вужудга келтира бошлади. Бу давлат ва жамиятнинг «раҳбар ва етакчи кучи» - Шимолий Корея Ишли партияси эди. Ҳокимият тепасида бу партияниң Буш котиби Ким Ир Сонг турарди. Шундай қилиб, 1948 йилнинг август ва сентябрь ойида корейс халқи ҳар бири ўзининг ташаккулини мутлақо қонуний деб ҳисоблайдиган, бир – бирига гараз билан қарайдиган икки корейс давлатининг шаклланшига шохид бўлди. Куни кеча вактинчалик бир чегара каби туюлган 38 – параллель

энди ўтиб бўлмас «темир парда» га айланди. Осиёда ҳам бир «Берлин девори» шаклланмоқда эди.

## **2. Урушнинг бошланиши**

1948 йилда икки корейс давлати ташкил топгач, улар ўртасидаги қарама - қаршиликлар кундан-кунга кучайиб борди. Шимоллик коммунистлар Жануб ҳукуматини куролли кураш йўли билан ағдариш ниятларини ҳеч бир яширмас эдилар. 1948 йилнинг иккинчи ярми ва 1949 йилда Чжэжудо оролида, Жанубий Чолло ва Ёсу-Сончжон вилоятларида турли исёнлар бўлиб ўтди, бу исёнларда Шимолнинг кўли борлиги маълум эди. Жануб қуролли кучлари бу исёнларни бостириди. Шунда бу йўл билан галабага эришолмаслигини англаган Шимолликлар кескин харакатларга ўтдилар. 1948 йилда Ким Ир Сонг икки марта Совет Иттифоқита қилган яширин (норасмий) сафарларида бу мамлакат билан яширин ҳарбий ва иқтисодий шартномалар тузди. «Бу сафарларнинг бирида Ир Сонг Сталин билан Жанубни истило қилиш режасини мухокама қилган ва Сталиннинг фотвосини олган», - деб ёзади америкалик олим Энди Наум ўзининг «Корея тарихи ва маданияти» китобида. Бу фикрда жон бор, «Халклар отаси»нинг бу урушда кўли борлиги ҳақиқатта яқин, ўша олис 50-йилларда Сталиннинг бир ишораси билан дунёда қиёмат қўпиши мумкин эди. Яна бир бошқа «буюк йўлбошли» - эндинга тузилган коммунистик Хитой раҳбари Мао цзедун (Mao Tsedun) ҳам ўша йили Москвага қилган зиёратида Ир Сонгнинг «режа»сини Stalin билан мухокама қилган ва «доҳий»дан бу хусусда тегишли кўрсатмалар олганди. Устига устак, 1950 йил январ ойида АҚШ Давлат котиби Дин Ачисон (Dean Acheson) Жанубий Корея ўз мамлакатининг Узок Шарқдаги мудофаа манфаатларидан четда туради, деб баёнот берди. Бу баёнотдан сўнг жасоратланган Ир Сонг режими Кореяни ҳарбий йўл билан бирлаштиришга ва уруш очишига қарор бердилар. Ир Сонг яна Москвага бориб, Stalin билан кўришди ва урушнинг харажатлари ва куролланиш (тўпу тўлхона) масалаларини ҳал қилиб қайтди. Совет армиясининг кечагина тугаган гарбдаги

урушда катта тажриба ортирган зобитлари Шимол қүшинларига маслаҳатчи этиб тайинлана бошлади. Жанубга хужум плани ҳам совет офицерлари ёрдамида ишлаб чиқилди. Шимолга совет танклари, самолётлари ва бошқа курол - аслахалари катта микдорда етказиб беридци. 1950 йил 22 июнда тайёргарлик ишлари битирилди. 25 июнь, якшанба куни эса уруш бошланди.

### **3. Урушининг бориши**

1950 йил 25 июнь куни тонгда Шимол қүшинлари ўт очишни бошладилар ва советтанкларининг паноҳида, ёпирилган ҳолда 38-параллелдан ўтдилар. 56 000 аскардан иборат Шимол қүшинлари шиддатли хужум бошладилар ва Жануб армиясининг айтарли қаршилик кўрсатмагани туфайли жуда катта тезлик билан олга силжидилар ва икки кундан кейин Сеулни ишғол этдилар. Жанубий Корея хукумати мамлакатнинг жанубига кўчиб ўтишга мажбур бўлди.

Шимолнинг хужуми АҚШни жуда ташвишга соларди, устига устак, Америка маъмурлари ҳам Шимолнинг бу хужумига тайёр эмасдилар. АҚШ раҳбарлари Шимолнинг олға ҳаракатини тұхтатиш учун Кореяга ўз аскарий бирликларини жүната бошлади. Американинг энг илгари етиб келган ҳарбий кучлари июл ойининг ўрталаридә Тәчжонда корейс қирғоқларига тушиб, жангга киришдилар ва мағлубиятта учрадилар. Америка хукумати БМТга мурожаат қилиб, Шимолий Кореяниң Жанубга хужумини қоралашга ва бу ишғолнинг олдини олиш учун Бирлашган Миллатлар Ташкилотнинг қүшинларини тузишига чақириди. Бу даъват ва БМТ чақирувига 16 ўлка ижобий жавоб қайтарди. Тез фурсатларда америкалик генерал Мак Артур (Mac Arthur) кўмондонлигидаги БМТ қўшинлари ташкил этилди.

Кореяго пиёдо аскор жўнатгон ўлкалор куйидогилар эди: Австралия, Бельгия, Канада, Колумбия, Куба, Эфиопия, Франция, Греция (Юнонистон), Луксембург, Ҳолландия, Янги Зеландия, Филиппин, Туркия, Таиланд, Англия ва АҚШ.

Денгиз кувватлари юборган давлатлар. Австралия, Канада, Колумбия, Франция, Янги Зеландия, Таиланд, Англия ва АҚШ.

Тиббий бирликлари билан урушда иштирок этган ўлкалар.

Дания, Хиндистон, Италия, Норвегия, Швеция, Англия ва АҚШ.

Шундай қилиб, бироз кечикиб бўлса-да, АҚШ ва БМТ коммунистлар блокининг ҳарбий авантюрасига қарши курашни бошладилар. Инсонияттариҳида биринчи марта жаҳон ҳамжамияти адолатсизликка қарши бирдам бўлиб кураша бошлоди.

Жанубий Кореяга бостириб кираётганда Шимол лидерлари ва уларнинг совет маслаҳатчилари уч масалада ҳисоб - китобни янглиш қилишганди:

1. Улар БМТнинг уруш масаласига аралashiшини тасаввур этиш у ёқда турсин, ҳатто АҚШнинг ҳам бу ишга бефарқ қарашини кутишганди. Жаҳон ҳамжамияти ва АҚШ бунинг аксинча йўл тутдилар.

2. Улар Сеулни қўлга киритганимизданоқ Жануб хукумати таслим бўлади ва бу билан урушни ғолибона тугаллаймиз, деб ўйлашганди. Жануб хукумати Сеулни ташлаб чиқди, аммо таслим бўлмади.

3. Шимол коммунистлари ўзларнинг жанублик маслаҳошлари - Жанубий Корея Ишчи Партиясининг яширин фаошят кўрсатадиган 500 минг аъзоси ҳар ерда исёнлар ташкил этади ва Шимолликлар билан бирлашиб, Жануб хукуматини ағдаради, деб ўйлашганди. Бу ҳам бўлмади. Халқ коммунистларнинг ташвиқотига учмади.

Шундай қилиб, шимоллик коммунистлар Сеулни олсалар да, ғалабага эришмаганлари учун бироз гангиг қолишиди. Уч кунлик танаффусдан сўнг Ир Сонг ўз қўшинларига жанубга қараб хужумни давом эттиришни буюрди. Шимолий Корея армияси 20 июнда Дәчжонни ҳам қўлга киритди ва Жануб хукуматини янада жанубга чекинишга мажбур этди. Бу даврга келиб, Корея худудининг учдан икки қисми Шимол назорати остига ўтган эди. Ким Ир Сонг қўшинларига 15 августга қадар Пусан (Кореяниң энг жанубий нуқтасидаги шаҳар) ни олишга буйруқ берди. Пусаннинг ичидан оқиб ўтадиган Накдонг дарёсининг шарқий қирғогидаги кичик бир плацдармга Жануб ва Америка кучлари мустаҳкам ўрнашишга интилардилар. Бу даврга келиб, юқорида тилга олинган мамлакатлардан БМТ

қүшинлари ҳам бирин – кетин Кореяга етиб кела бошладилар.

1950 йилнинг 15 сентябрига келиб, БМТ қүшинлори бутлангач, генерал Мак Артур ҳужумга ўтиш ҳақида бўйруқ берди. Илонгдан дengiz десанти туширилди, Пусандаги бирликлор ҳам ҳужумга ўтдилар. КХДР қүшинлари шимолга чекинаётган Шимол армиясини таъкиб этиб 38 – параллелдан ҳам ўтдилар. Дўпписи тор келган Ким Ир Сонг Пекин ва Москвадаги ҳомийларига элни жўнатиб, мадад истади. Хитой раҳбарлари Ир Сонгга ёрдам масаласида бир оз баҳлашиши, Жануб тарафида БМТ ва АҚШнинг туриши уларни бироз хайктиради. Улар жиддий тайёргарликлариз БМТ қүшинларига қарши жангга кириш таҳликали эканини ҳам ҳис этишарди. Мао қzedун бу хусусда Сталиннинг тавсиясини олиш учун Бош вазир Чже Энлайни (Chjea enlay) Москвага жўнатди. «Ҳалқлар отаси» Советларнинг Осиёда яна бир урушга киришга хоҳиши йўқ эканини билдириб, Хитойга Шимолий Кореяга ҳарбий ёрдам беришини тавсия этди. Советлар эса бу урушда техник ёрдам кўрсатажакларди. Шунинг учун Шимолий Корея ва Манчжурия чегараларида Совет авиация ва артиллерия дивизиялари жойлаштирилди. БМТ қүшинлари билан ҳаво жангларига кирадиган учувчилар ҳам асосан совет учувчилари эди.

Шу ўринда савол тугилди: Сталин нега урушга киришни истамади? Бизнингча, Жанубий Кореяларнинг жонига ора кирган Сталиннинг бу тайсаллаши собиқ СССРнинг ички саҳволи билан боғлиқdir. 50-йилда Сталин янги қатогонларни бошлаётган эди. «Космополитлар», «Врачлар иши», «Август блоки», «Ленинград иши» ва ҳоказо қатогон кампаниялари билан банд бўлган Сталин савал ичкаридаги «душман»ларнинг суробини тўғрилашни истарди. Ичкаридаги душманлар бартараф этилмай туриб, ташки душман билан қандай урушиб бўлади, ахир? Ким – ким, аммо «ўртоқ Сталин» буни жуда яхши англаб етарди.

Бу орада БМТ қүшинлари ҳужумда давом этдилар ва 22 октябрь куни Шимолий Кореянинг пойтахти Пхенянни ҳам кўлга киритдилар. Шимолий Кореянинг қолган-кутган қўшинлари во-

раҳбарлари Манчжурия (Шимолий Хитой)га қочиб ўтдилар. Бир қарашда уруш яқин орада тугайдигандек эди. Ҳатто генерал Мак Артур АҚШдан келган аскарларга Мавлуд (Рождество) кунини ўйларида кутишини ҳам айтганди. Аммо 18 октябрь куни ёк Хитой раҳбарлари Кореяга қўшин киргизиш ҳақида қарор қабул килишган ва Манчжурияда бу мақсадда куролли кучлар тўплланмоқда эди. 250.000 минг хитойлик «кўнгилли»лар Шимолий Кореяга ёрдамга отланётганди. Табиийки, бу миқдордаги қўшиннинг ва Шимол аскарларининг ёпирилиб қилган ҳужумига БМТ қўшинлари дош беролмадилар. 1951 йилнинг январи бошларида коммунистлар яна Сеулни кўлга киритилар ва БМТ кучлари жанубга чекинди. 14 марта қарши ҳужумга ўтган БМТ қўшинлари Сеулни яна душмандан қайтариб олганида бутунлай ҳароб бўлган бу шахар тўртинчи марта кўлдан -кўлга ўтди.

#### 4. Ўт очишни тўхтатиш (оташкес)

1951 йилнинг бошида Хитой ва Шимол кучларининг икки дафъа килган ҳужумларини қайтаришга муваффақ бўлган БМТ қўшинлари яриморолнинг шарқий қисмида жанглар билан машғул пайтда, АҚШ ҳукумоти хитойликлар билан норасмий тарзда оташкес (ўт очишни тўхтатиш) музокаралари бошладилар. Хитойликлар БМТ ва Хитой қўшинларининг бир вақтнинг ўзида яриморолдан чиқарилганидагина оташкесга рози эканлигини сийтишарди. Бир қарашда мантикли кўринган бу шартнинг бошқа томонини ўйлаб кўрганда эса... Хитой – Кореянинг шундок ёнида, БМТ қўшинлари дунёнинг 5 китъасидаги мамлакатлар армиясидан тузилган ва уларнинг узоқ - яқинлиги тўғрисида сўзлашнинг ҳожати ҳам йўқ, сулҳ бузилтан тақдирда ким ютади? Табиийки, бу режа қабул килинмади. 1951 йил июн ойида Советлар янги оташкес режасини илгари сурдилар. Бу режага кўра музокара олиб борган урушётган томонлар ҳайъатлари икки масалада муросага бора олмадилар: 1. Ўт очишни тўхтатиш чизиги. 2. Ҳарбий асиrlарни айирбошлиш масаласи. Бу музокаралар 1953 июл ойига қадар давом этди.

1953 йилнинг мартада Сталиннинг ўлими ва сўнгги икки ҳужумларининг муваффақиятсиз якунлангани туфайли шаҳди

пасайтан хитойликлар ва шимолликлар БМТ ва Америка билан жиддий музокаралар олиб боришига мажбур бўлдилар. 1953 йил 27 июля имзоланган оташкес шартномасига кўра Шимолга 82 минг ҳарбий асир қайтариб берилди, «коммунистик жаннат»га қайтишни хоҳламаган – 50 минг асир эса озод этилди. Оташкес чизиги сифотида яна ўша 38-параллел белгиланди. Мазкур қарор бу машъум параллел келажакда икки давлат ва икки тизим ўртасидаги чегара бўлиши томон қўйилган дастлабки қадам эди. БМТ кўшинлари тузган ўлкалар Шимол оташкесни бузгани тақдирда яна Жануб тарафида урушга киришларини эълон қилдилар.

Оташкес шартномасида мазкур шартнома кучга кирганидан сўнг уч ой ичida яриморолдан барча чет эллик аскарларнинг олиб чиқиб кетилишини ва Корея муаммоси бу масалага алоқадор ҳар икки томоннинг тинчлик музокараларида ҳал этилжагини назарда тутивчи моддалар бор эди. Афсуски, на бу музокараларда, на бундан кейинги Берлин (1954), Женева (1954), конференциялари ва БМТ Бош Ассамблейсида (1955) Корея муаммоси ҳал этилмади. Ва бу масала бугунги кунда ҳам ҳануз ҳал этилмай қолмоқда. Дунёда Корея уруши билан баравар бошланган совук уруш тугади, Берлин девори қулади, «социалистик лагерь» ва Совет Иттифоки тарқаб кетди. Аммо Корея муаммоси ўша 1953 йилнинг ёзида ечими даражасида турибди. Жами нуфуси 70 миллионга яқинлашган корейслар ҳали ҳам икки бошқа - бошқа давлатларда яшамоқдалар. Бу 20-асрнинг энг буюк миллий-этник фожиаларидан биридир. Сўнги 15-20 йил ичida икки корейс давлати ўртасида мулоқот ва савдо - иқтисодий алоқалар жонлана бошлаган бўлса-да, ҳали жиддий яқинлашиш ҳақида сўзлашга эрта. Аммо корейслар каби дунёнинг қадимиий маданиятли ҳалқи миллий бирлик муаммосини адолатли ва кескин қарама-қаршиликлариз ҳал этишига умид этса бўлади, чунки, бундан олдинги бобларда кўриб чиққанимиздаги каби олис тарихи давомида корейслар бир неча марта ўлкаларининг тарқоклигига барҳам берив, миллтий бирликини таъминлай олган эдилар.

Ушбу фикримизни далили сифотида бу китоб нашрга тайёрланаётган пайтда Жанубий ва Шимолий Корея ўртасидаги

муносабатларнинг янги этапи бошланганини келтириш мумкин.

2000 йилнинг ёзида Корея Республикаси Президенти Ким Тэ Чжунг (Kim Tea Joung) ва Шимолий Корея раҳбари Ким Сонг Ир (Kim Song II) олий даражада учрашув ўтказдилар. Бу учрашув чогида Шимол-Жануб муносабатларини нормаллаштириш, 1950 йилдан бери узилган қуруқлик транспорт алоқаларини, жумладан, темир йўллар тармоғини тиклаш, айро тушган оиласларга кўришув ва бирлашув учун кўмаклашиш хусусида келишиб олинди. Бу корейс давлатлариаро диалогнинг 50 йиллик тарихида эришилган энг кўзга кўринарли натижалардир.

## 5. Урушнинг аянчли якунлари

Дунёни зир титратган 2-жаҳон урушидан кўп ўтмай бошланган Корея уруши чекланган ўлчамдаги худудларда юз берган бўлса-да, ундаги йўқотишлар миқдори жихатидан анчамунча «йирик уруш»ларнидан кам эмасли. Урушда қатнашган асосий давлатларнинг инсон талафотлари кўйидагича эди:

1. Америка Кўшма Штатлари: ўлганлар – 33.625 киши; ярадор бўлганлар ва бедарак йўқолганлар – 157.500.
2. БМТ кўшинлари: ўлганлар – 3188 киши; ярадор бўлганлар ва бедарак йўқолганлар – 14.000.

3. Жанубий Корея: ўлганлар (аскарлар) – 225.784 киши; ярадор бўлганлар (аскарлар) – 717.073 киши; бедарак йўқолганлар (аскарлар) – 47.572 киши; фукаролар орасидаги йўқотишлар эса бундан кам эмас ўлганлар – 226.663 киши; ярадорлар – 229.000 киши, бедарак йўқолганлар сони эса – 387.774 киши.

4. Шимолий Корея: ўлганлар – 294.151; ярадор бўлганлар – 229.849 киши; бедарак йўқолганлар – 91.206 киши (аскарлар); фукаролар ўртасидаги йўқотишлар: ўлганлар – 406.600; ярадор бўлганлар – 159.400 киши; бедарак йўқолганлар – 608.000 киши.

5. Хитой: ўлганлар – 184.128 киши; ярадор бўлганлар – 711.827 киши; бедарак йўқолганлар – 21.836 киши (аскарлар).

\*\*\*

Кореянинг ўнлаб шаҳарларида, жумладан, Пусан шаҳрининг сўлим гўшаларидан бирида БМТ кўшинлари

шахидлари мемориал-мозори бор. Унда дунёнинг 16 ўлкасидан келиб Корея урушида қатнашган ва жангларда ҳалок бўлган аскарлар ва зобитлар дағн этилган. Корейсча ҳафсала билан жуда ўхшатиб ишлов берилган, орасга бօғ, гулзор ва ям-яшил ўтлоқлар орасида БМТ қўшинлари шахидларининг обадий манзилгоҳлари жойлашган. Квадрат шаклидаги бетон қутилар устидаги лавҳада шахиднинг исми, ўлкасининг номи ва тугилиш – вафот йиллари ёзилган. Аксар қурбонлар 22 –23 ёшда. Бу шахидларнинг қони беҳудага тўкилмади. Бугунги озод ва демократик Жанубий Корея улар жонларини тиккан ишнинг галабага эришгани тимсолидир. Бу аскарлар дунё тарихида биринчи марта инсониятнинг зулм, эрксизлик ва жаҳолатта қарши яқдиллик билан кураша олиши мумкинлигини исботладилар. Ўша йиллари янги тузилтан БМТ амалга оширган энг биринчи ҳарбий-озод килиш операция Корея уруши эди. Бу урушда БМТ Жанубдаги демократик кучларнинг ҳукуқларини курол кучи билан химоя килди ва ғалобага эришди. Корея урушининг барча курбонлари қатори БМТ қўшинлари шахидлари хотираси ҳам миннатдор Жанубий Кореяликларнинг хотирасида обадий яшайди.

\*\*\*

Уруш йилларида 1,5 миллион нафар шимоллик Жануб ҳукумати паноҳига қочиб ўтди.

Урушдан сўнг корейслар тупроғида иккى корейс давлати вужудга келтани узил-кесил аниқ бўлди. 38-параллелнинг шимолида пойтахти Пхеньян бўлган Корея Халқ Демократик Республикаси, жанубида эса пойтахти Сеул бўлган Корея Республикаси (Жанубий Корея) алоҳида-алоҳида давлатлар сифатида мавжуд эдилар.

Уч йиллик уруш давомида яриморолдаги барча саноат корхоналари, темир ва автомобиль йўллари, қишлоқ ҳўжалиги ва бошқа ҳалқ ҳўжалиги тармоқлари, шаҳарлар, қишлоқлар буткул вайрон килинди. Таълим, тиббиёт ва бошқа ижтимоий тузилмалар ҳам барбод этилди. Жанубда ҳам ахвол ана шундай эди. Корейс ҳолқи олдида оғир ва машаққатли тикланиш даври турарди.

## 9-боб. ЮКСАЛИШ ЙИЛЛАРИДА

Корея уруши сўнгидага имзоланган шартномаларга кўра ҳудуди бирмунча кенгайган (98 минг квадрат километр) Корея Республикаси (Жанубий Корея) ўтган 48 йил ичидаги иқтисодий ва ижтимоий тараққиётнинг оғир, аммо шонли йўлини босиб ўтди. Бугун дунёнинг энг тараққий этган 20 ўлкасидан бири бўлган бу мамлакат ўтган ўн йилликларда дунёни лол қолдирган меваффакиятли иқтисодий, ижтимоий ва технологик ислоҳотларни амалга ошириди ва Жанубий Кореяликларнинг ҳозирги авлоди озод ва обод Ватанда яшамоқдалар. Ушбу Осиё мамлакатида амалга оширилган ислоҳотлар ва тараққиёт модели жаҳон сиёсий терминологиясида «янги мустақил давлатлар» (New Independent States) номи билан аталаётган собиқ совет республикалари ва айниқса, Ўрта Осиё (Туркистон) ўлкалари учун ўрнак бўларлидир.

Жанубий Корея урушдан кейинги тарихини Етти Республика даври ҳам дейишади. Биринчи Республика даври – 1953-1960 йиллар; Иккинчи Республика даври- 1960-1961 йиллар; 1961-1963 йиллар – ҳарбий хунта ҳукмронлиги йиллари; Учинчи Республика даври – 1963-1972 йиллар; Тўртинчи Республика даври - 1972-1979 йиллар; 1979-1981- оралиқдаги йиллар; Бешинчи Республика даври – 1981-1988 йиллар; Олтинчи Республика даври – 1988-1993 йиллар ва 1993 йилдан бўёги Еттинчи Республика давридир.

### 1. Сиёсий ривожланиш

Корея урушининг сўнгидага сулҳ битими имзоланидан кейин 38-параллелнинг ҳар иккى тарафида урушдан кейинги тикланиш жараёни бошланди. Кечагина урушда корейсларнинг озодлик курашини кўллаб-куватлаган АҚШ бошчилигидаги эрkin дунё энди бу ҳалқнинг уруш оқибатларини тутатиш ва порлоқ келажак куриш ишларига камарбаста бўлди. Шимолда эса Советлар бошчилигидаги «социалистик лагерь» ўзларининг «синфий биродарлари»га ана шундай ёрдам кўрсата бошладилар. Корея

яриморолида икки ижтимоий-сиёсий тизимнинг ўзига хос мусобақаси бошланди.

Урушдан кейин Жанубий Корея АҚШ билан мудофаа соҳасида ўзаро ёрдам ҳакида шартнома имзолади, шартномага кўра томонлардан бирига ташки тажовуз бўлган шароитда у иккинчи томонга қарши қаратилган тажовуз деб баҳоланади ва шунга мос жавоб чоралари кўрилади. Бу шартнома ўтган давр ичидаги Жанубининг тинч ҳаётининг кафолати бўлиб келди ҳамда ҳозир ҳам корейс тупроғидаги тинчлик ва осойишталиқ гарови бўлиб қолмоқда.

Урушдан кейинги 8 йил ичидаги ҳалқнинг фидокорона меҳнатлари туфайли мамлакат қайта тикланди, ҳаёт кечириш бирмунча яхшиланди. Аммо, мамлакатни 12 йил үзлуксиз бошқарган Ли Синг Ман ўз бошқарувининг сўнгидаги шахсий ҳокимиётини ўрнатиш ўйлига кириб кетди, демократияни чеклади. Буш Вазир лавозимини бекор килиб уни ҳам ўз зиммасига олди, президентнинг Парламент билан ихтилофлари кучайди. «Президент Др. Ли –деб ёзади Энди Наум, -АҚШдаги Принстоун университетида сиёсатшунослик фанидан докторлик диссертацияси (Ph.D) ёклаганди, у американча демократия гоялари ва тушунчалари билан яқинда танишлигига, демократия ҳакида сўзлашни севишига қарамай, инсоний хусусиятлари ва хатти-харакатлари тарафидан Чўсон даври Йи сулоласи вакиллари бўлмиш киролларга ўхшарди». Япон босқинига қарши курашда, Шимол билан уруш йилларида, тикланиш даврида ва ниҳоят Жанубий Кореянинг дунё ҳаритасидан ўрин олишида катта хизматлари сингган Др. Ли сиёсатчи ва давлат бошлиғи сифатида 60-йилларнинг бошига келиб ушбу баҳога мос ахволда эди.

Демократияни чеклагани учун АҚШ тарафидан танқид этилган Др. Лининг ички сиёсатига қарши 1960 йил март ойидаги талабалар намойишлари бошланди. Аҳолининг маълум қисми намойишчиларни қўллаб-кувватларди. Др. Ли намойишчиларга полиция ва қўшинни ташлади, аммо улар тинч намойишчиларга қарши куч ишлатмасликларини изхор этдилар ва бетараф колишини афзал кўрдилар. 26 апрель куни Др. Ли ўз вазифасидан истеъфо берди. Биричи жумхуриятининг сиёсий йўли ана шундай тугади.

1960 йил 27 апрелда шошилинч тўпланган Корея Миллий мажлиси «одил ва демократик бир ҳукумат» тузиш қарорини берди ва эски ташки ишлар вазири Хо Чонг (Ho Chong) раҳбарлигидаги янги кабинет ташкил этди. Июнь ойидаги конституцияга бир қатор ўзгаришлар киритилди ва бунга кўра, Миллий мажлис икки табакадан иборат бўлиб, юқори палата оқсоқоллар Кенгаши, пастки палата эса Вакиллар Кенгаши деб аталағиган бўлди, юқори палата депутатларининг ваколати 6 йил, куйи палата вакиллариники 4 йил этиб белгиланди. Вице-президент лавозими тутатилди, Президентнинг ваколатлари чекланди.

Янги сайланган Миллий Мажлис август ойидаги Юн Бу Сонни (Yun Bu Son) Президент ва Мён Чанги (Myon Chang) Буш Вазири этиб сайлади. Шундай килиб, 1960 йил август ойидаги Иккинчи республика ўз фаолиятини бошлади. Бу жумхурият парламент демократияси тартибларини ўрнатганди. Иккинчи республикада Президент ваколатлари чекланган ва у аслида рамзиј давлат бошлиғи лавозими шаклида эди. Вазирлар Кабинети парламент олдида масъул эди, парламент ҳукуматни тузар ва унинг фаолиятини назорат этарди. Ўша йили декабрь ойидаги маҳаллий ҳокимиёт органлари учун сайловлар ўказилди, вилоятларнинг ҳокимлари сайланди. Бу ўзгаришлар корейс жамиятида демократияни чукурлаштириш, инсон ҳак-ҳукуклари масаласида жiddий илтари сильжилар қилишга қаратилган эди. Аммо Иккинчи жумхуриятнинг раҳбарларида ўлка муаммоларини ҳал қилишнинг реал режаси йўқ эди, янги маъмурлар Ли давридаги амалдорларни жазолашга берилиб кетдилар, сўл қанот ҳаракатларини ортича кўллаб-кувватладилар ва бу ўнгларнинг табиий реакциясини тудирди. Мамлакатда яна талабалар намойишлари бошланди. Коммунистларнинг яширин ҳаракатлари кучайди. Озиқ-овқат тақчилиги ва ишсизлик муаммолари ҳал қилинмади. Бу бошбошдоқлик ҳолатларнинг барчаси ҳарбий тўнтариш учун кулаги возият тудирорди.

1961 йил 16 май куни дивизион генерали Пак Чонг Хи (Pak Jong Hy) раҳбарлигидаги бир гурӯх юқори мартабали зобитлар ҳарбий тўнтариш қилдилар. Улар тузган Ҳарбий Бошқарув Қўмитаси (ХБҚ) ўлкани коммунистик ҳаракатлардан асрар, муваффакиятсиз

фаолият кўрсатган олий мансабдорларни амалидан тушириш, ҳарбийларни сиёсатдан узоклаштириш, мамлакатдаги сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий тизимларни тубдан ўзгартиришни ўзининг мақсади деб эълон қилди. Бу ўзаришлардан мақсад «ижтимоий адолатни қарор топтириш ва янги, «тоза» хукумат тузишдир», деб тақидланган эди Ҳарбий Бошқарув Кўмитасининг баёнотида. ҲБҚ мамлакатда фавқулодда ҳолат эълон қилди, хукумат функциясини ўз қўлига олди, парламентни тарқатиб юборди. Факат, мамлакат президенти ўз ўрнида саклаб қолинди, чунки, Юн ҲБҚнинг «қонуний» лигини оммага кўрсатиш учун керак эди ҲБҚнинг даслабки декретларига кўра, демократик эркинликлар, жумладан, сиёсий намойишлар ва маҳаллий бошқарувнинг автономлиги вактинча бекор килинди, матбуотда цензура ўрнатилди. Шунингдек, бундан кейин бироз вақт ўтгач, ҲБҚ «Олти ваъда» дегон бошқа баённома ҳам қабул қилди, бу ваъдалардан бири - вақти соати етакч, такроран фукаро бошқарувига кайтиш шарти эди.

ҲБҚ ўша йили июнь ойида Олий Тасис Мажлиси (ОТМ) номи билан янгидан ташкил этилиб, у ўлканинг олий бошқарув, ижрочи ва судлов органи мақомига эга бўлди. Бу Кенгаш коммунизмга карши курашни кучайтириш учун Марказий Кидирув Бюроси (АҚШдаги ФҚБ каби) тузди, ҳар қандай қарши ҳаракатни жиловлаш учун янги чеклов ва жазо қонунлари чиқарилди. Генерал Пак октябрь ойида Америкада сафарда бўлди ва ўша пайтдаги Президент Кеннеди (Kennedy) маъмурияти билан яқин алоқалор ўрнатди. 1962 йилда ОТМ «ўтмишда сиёсий жиноятлар қилтан» 4743 собиқ сиёсатчиларни сиёсат билан шуғулланишини ман қилтан қонун қабул қилди. Генерал Пак яқин келажакдаги ислоҳотлар учун йўлҳозирларди ва мамлакатни анархияга қадар олиб келтан, ишидан кўра гап ва ғалваси кўп эски сиёсатчилардан қутилишни истарди. 1962 йил март ойида Президент Юн ишъено берди ва генерал Пак Президент этиб сайланди. ОТМ декабрь ойида мамлакатнинг янги Конституциясини умумжалқ мухокамасига кўйди, сиёсий партиялар ҳақидаги янги қонунни қабул қилди. 1963 йилда янги партиялар тузишга изн берилди ва Кореяда иккى партия ташкил

топди: 1) Пак ЧжонгҲи бошчилигидаги Демократик Республикачилар Партияси (ДРП) ва 2) собиқ Президент Юн Бу Соннинг (Yun Bu Son) Фуқаролик бошқаруви партияси (ФБП) эди. 1963 йил октябрь ойида ўтказилган Президентлик сайловларида кураш асосан шу иккى партия орасида кетди. Ҳарбий хизматдан бўшаб, ишъено чиқсан Пак Чжонг Ҳи бу сайловда рақиби Юн Бу Сон устидан кичик бир овозлар фарқи билан голиб чиқди. Бу орада бир палатали парламент - Миллий Мажлис учун ўтказилган сайловда голиб чиқди. Ушбу парламент хузурида 17 декабр куни Пак Чжонг Ҳи мамлакатнинг янги Президенти сифатида қасам ичib, лавозимига киришди. Кореяда учинчи жумҳурият даври ҳам шу кундан бошланади.

Учинчи жумҳурият ва унинг раҳбарлари корейс жамиятининг жуда кескин ва кўп сонли муаммолари билан юзма-юз келдилар. Ўша даврда мамлакатнинг нуфуси 27 миллион киши бўлиб, киши бошига миллий даромад ойига отиги 98 доллар эди. Соҳидан тирногигача ҳарбий киши бўлган Пак Чжонг Ҳи жамиятдаги осойишталикни саклаш, иқтисодий юксалишни таъминлаш билан бир қаторда мамлакатнинг мудофаасини керакли савиядада тутиш лозимлигини англаб етарди. У Farb бичимидағи тараққиёт моделларидан кўра Осиёнинг реалликларига таянган ривожланиш йўлини афзал кўрарди. Президент Пак 19-аср охири ва 20-аср бошида Япониядаги мұваффакиятли иқтисодий ислоҳотлар амалта оширилган «Мейжи» даври (1868-1912 йиллар) тажрибасига мурожаат килиб, ана шу йўсунда Кореяда ҳам «Ишин» («Қайтадан жонлантириш ва янгилаш») платформасини ишлаб чиқиб, ҳаётта тадбиқ эта бошлади. «Мейжи» платформаси Осиё ўлкаларида мұваффакиятли амалта оширилган дастлабки Farb руҳидаги ислоҳот эди ва Япониянинг юксалиши ҳам «Мейжи» даврида бошланганди.

Ўз мамлакатининг оташин ватанпарвари бўлган Президент Пак кучли ҳокимият ва билимли бир хукумат ҳамда демократик гояларни Корея воқеликларига мос келадиган тарзда ҳаётта тадбиқ этиш воситасида иқтисодий кучсиз ва тараққиётда орқада қолган ўлқасининг ривожланган ва кучли давлатта айланышига ишонарди. Бу ишонч унинг узоқ давом этган раҳбарлик йилларида кучли ва

компотентли хукуматлар тузиб, мұваффакиятты истроҳотлар олиб боришига күмаклашди. Учинчы жумхурият даврининг сүнгидеги унинг раҳбарлигидеги яна бошқа бир «Юшин» («Янгидан жонланиш») платформаси ишлаб чиқылди. Бу платформаларнинг ҳәёта татбиқ этилиши Кореяning юксалишидаги тамал тошларидан бири бўлди. (Бу хусусда кейинги бўлимларда батағсил фикр юритамиз).

Пак Чжонг Хи мамлакатининг манбаати учун ҳар қандай муроса ва келишувларга бора оларди ва ҳалқи учун манбаатли битимлар тузилишига эришарди. Жумладан, 1965 йилда унинг ташаббусига кўра Япония билан дипломатик алоқалар ўрнатилди, бу дипломатик ташаббус ўша йилларга келиб дунёning молия марказларидан бирига айланадиган Япониядан йирик миқдордаги кредитлар олишга күмаклашди. Бу маблаг шиддатли ривожланаётган корейс иқтисодиётига ҳаводек зарур эди. Яқин ўтмишдаги япон оккупациян режимиning жиноятларини үнугтмаган ҳалқ, айниқса, талабалар, Президентнинг бу сиёсий йўлига намойишлар билан жавоб бердилар. Аммо собиқ генерал ҳарбийларга хос қатъият билан Япония билан мұносабатларни мұтадиллаштириш йўлида давом этди. Корея учун япон режимиning жиноятлари ўтмишда қанчалик зиён келтирган бўлса, булунги кундати икки тарафлама ҳамкорлик шунчалик фойдали бўлишини генерал Президент яхши тушунарди. Йиллар ўтди, эҳтирослар ўрнини соглом туйгу эгаллади, бугун Япония Кореяning энг йирик иқтисодий ва стратегик ҳамкорларидан биридир. Чжонг Хининг ҳақлиги тўлиқ исботини топди.

Чжонг Хи 1953 йилдан сўнг илк марта корейс давлатлариаро мулокот ва музокараларни бошлаб берганди. 1972 йил 4 июлда урущдан кейинги даврда биринчи марта икки корейс давлатининг раҳбарлари учрашиб, Кореяning қайтадан бирлашишига оид бир баёнотни имзоладилар ва эълон қилдилар. Кейинчалик бу жараён Шимолий Кореяning бир тарафлама музокараларни тўхтатиши туфайли охирига етмай қолди. Пак Чжонг Хи янгиланиш, тараққиёт ва кучли истроҳотлар сиёсатини тўхтамай давом эттириш учун ва ўзи раҳбарлик қилган хукмрон партияни ҳокимиятда саклаб қолиш учун «сиёсий рокировка»ларга ҳам мурожаат қилиб турарди. Умуман,

Фарб демократик моделига шубҳа билан каровчи, ушбу бичимдаги демократия одамларни диққатини истроҳотлардан четлаштиради, тартибсизликлар келтириб чиқаради ва Кореяning тобора тезлашаётган тараққиётини сусайтиради, деб чукур ишонган Президент турли сабаб ва баҳоналар билан тез-тез фавқулодда холат эълон қилар, Конституцияга ўзгартиришлар киритиб турарди. Булардан мақсади, истроҳотларни охиригача етказиш, ахолининг турмуш даражасини ошириш, Кореяning ҳалқаро обрўсини кўтариш эди. Бунинг учун Президентта вакт ва осойишталик керак эди, холос. Бу имконларни кўлта киритиш учун у юқоридагича иш тутарди. 1972 йил октябрда у фавқулодда холат фармони чиқариб, парламентни тарқатди, Конституцияни амал килишдан тўхтатди ва 15 декабрда референдум йўли билан Татьис мажлиси ташкил этиб, яна ўзини Президент этиб сайланишига эришди. Бу Жанубий Корея тарихидаги Тўртинчи жумхурият даври бошланганини кўрсатарди. Бу сиёсий «чаққонлик» шунингдек, Президентта яна 7 йил ҳокимият тепасида колишта ҳам күмаклашди. Тъқидлаш лозимки, Пак Чжонг Хи ҳокимиятда бўлган даврда унинг ашаддий ракибларидан бири, собиқ муҳолафат лидери - ҳозирги Корея Президенти Ким Тэ Чжунг эди. Муҳолафат Пакнинг бундай «сиёсий усуслари»га кескин карти чиқар, намойишлар, норозилклар, пикетлар уюштиради. Тўртинчи жумхурият тарихи ҳам демократия учун кураш соҳифалари билан тўладир. Аммо, адолат юзасидан айтиш керакки, Президент Пак ўз харакат ва мақсадларида самимийлиги, миясининг жозибали ижтимоий гоялар билан тўлалиги, Ватан тараққиётни учун астойдил тер тўкиши ва одамохунлиги билан кишиларни ўз оркасидан эргаштира оларди, яратувчилик унинг энг буюк хислати эди. Генерал Президентнинг бу хусусиятларига унинг сиёсий ракиблари ҳам, душманлари ҳам тан берардилар. «Пакнинг авторитар ва кучли бошқаруви демократиянинг тараққиётига қанчалик тўсқинлик қилган бўлса, -деб ёзади Э.Наум-Корея иқтисодий моделининг шаклланиши ва бу моделнинг мұваффакияти ўлароқ қолоқ ўлканинг илтор ва обод мамлакатта айланishiша шунчалик ёрдам берди». Ҳақикатан ҳам шундай: ҳозирги янги Корея Пакнинг бекиёс хизматлари туфайли шаклланган. 2000 йилда Американинг «Time» («Тайм») журнали Европа

ва Осиёнинг 20-асрдати энг буюк 100 давлат арбоби рўйхатини эълон қилди. Юзлаб эксперт ва миллионлаб журналконларнинг мухокамасидан ўтказиб тузилган бу рўйхатга Кореядан биргина сиёсатчи - марҳум Президент Пак Чжонг Хининг номи киритилган. Бу бежиз эмас, албатта.

Пак Чжонг Хининг 1979 йил 26 октябрдаги фожиали ўлими туфайли Тўртинчи жумхурият даври ҳам тугоди. Пакнинг «Юшин» лойихаси ҳам ҳаётда тадбиқ қилинишдан тұхтади. Президентнинг кутилмагандаги ўлимидан сўнг парламент Баш вазир Чэ Хёни (Chea Hyeo) Президент этиб сайлади. Мамлакатда фавқулодда ҳолот эълон қилинди. Аммо орадан кўп вақт ўтмай, ана шундай бир тохликали вазиятда генерал Чон Ду Хван (Chong Du Hwan) бошчилигидаги ҳарбийлар новбатдаги аскарий тўнторишни амалга оширилор, ҳукумат бошқарувини кўлга олдилар. Бир неча ойдан кейин, 1980 йил август ойида Чэ Хё Президентлик лавозимидан истеъфо берди. Унинг ўрнини генерал Чон эталлади. Унинг раҳбарлигидаги хунта бошқаруви 1981 йил март ойигача давом этди. Ўша йили 25 февралда бўлиб ўттан эркин сайловларда Президент Чоннинг Адолат Демократик партияси (инглизчадан таржимаси шундай - муалла) партияси голиб чиқди ва Президент Чон энди мутлако конуний давлат бошлиги сифатида ҳокимият тепасига келди ва Кореяда Бешинчи Республика даври бошланди.

Бешинчи Республика даврида ҳам Кореяning шиддатли иқтисодий тараққиети давом этди. Айнан 80-йилларнинг бошидан бошлоб Корея дунёнинг мустақил иқтисодий кучи сифатида намоён бўла бошлаган эди. Табиийки, Япониядан кейинги янги «Осиё қоплони» энди «капта сиёсат»да ҳам ўзини кўрсатиши лозим эди, мамлакатда ишлаб чиқарилган моллар учун янги бозорлар излоб топиш, капитал экспортини йўлта кўйиш, ташки сиёсатни ва ташки иқтисодий фаoliyati тубдан жонлантириш ва янгилаш лозим эди. Президент Чон Осиё, Африка, Америка ва Европанинг биркенча мамлакатларига расмий сафарлар қилди ва дунёнинг кўплаб мамлакатлари билан дипломатик алоқалар ўрнатди. Ана шундай визитлардан бирда, Бирманинг Ранун шаҳрида Шимолий Корея маҳсус хизматлари унга сунисад ўюштирдилар. Президент соғ - омон кутилди.

Бешинчи Республика даврида ҳам ўлқадаги тараққийпарвар кучларнинг демократия учун кураши давом этди. Аммо, Президент Чон демократик ўзгаришларни факат 1988 йилги Сеул олимпиадасидан кейин ўтказилишини истарди, аммо ҳаётталоблари бошқача эди. Унинг вакили, АДП Раиси Ро Тэ У (Ro Te Woo) 1987 йил 29 июнда телевидение орқали сўзлаган нутқида «тез орада тўғридан - тўғри Президентлик сайловлари тизимиға ўтилиши, сиёсат билан шуғулланиш ман этилган сиёсатчиларга ҳуқуқларининг қайтари берилиши, матбуотдаги назоратнинг бекор қилиниши, маҳаллий бошқарув мухторияти, университетлар автономияси, сиёсий партияларнинг нормал фаолият олиб бориши хусусида кенг эркинликлар берилиши» ҳақида ҳукуматнинг ваддаларини эълон қилди. Иктидордогиларнинг ваддоси қатъйлигини шундан билса бўладики, ўша телевизион мурожаатида Ро агар бу ваддалар ижро этилмаса, кейинги сайловларда Президентликка номзод бўлмаслиги ва бинобарин, Адолат Демократик Партияси раҳбарлигидан ҳам истеъфо беражагини мътум килган эди.

Ваддаларига амал қилтан Корея ҳукумати Президентнинг ва парламентнинг тўғридан - тўғри сайланниши ҳақида Конституцияга ўзгаришлар киритди. 1987 йил 17 декабрь куни ўтказилган сайловларда АДПдан номзод Ро Тэ У голиб чиқди ва 1988 йил 25 февраль куни у қасамёд этиб, Президентлик вазифаларини бажаришга кириши билан мамлакатда Олтинчи Жумхурият даври бошланди. Олтинчи Жумхурият даврининг энг порлоқ палласи, шубҳасиз, Сеул Олимпиадаси эди. Олимпиада олдидан Ро сайловолди ваддаларини бажаришга киришди, мамлакатда кенг демократик ислохотлар ўтказилди, мухолофат ва матбуотта эркинликлар берилди. Олимпиада олдидан корейс жамиятида жисплик ва ўлқадаги ижтимоий – сиёсий вазиятдан розилик ҳамда шуду хуррамлик мухити мавжуд эди.

Сеул Олимпиадаси Корея ва корейслар учун факат бир дунё спорт анжумани эмас эди. У аввало янги Кореяни жаҳон ҳамкмарияти тарафидан ҳозирги дунёнинг иқтисодий, ижтимоий ва маданий жиҳатдан энг тараққий этган ўлкаларидан бири сифатида тан олинишининг далили эди ва шундай бўлди ҳам 1988 йил 17 сентябрь

– 2 октябрь кунлари ўтказилган, Шимолий Корея, Куба каби ашадий «қызил» ўлкалардан бошқа барча мамлакатларнинг спортчилари иштирок эттан бу олий спорт анжумани ташкилий, хизмат кўрсатиш ва маданий программалари жиҳатидан энг юқори савияда ўтказилган Олимпиадалардан бири, деб тан олинган. Бундай маъракани жаҳон бичимлари даражасидаги маданий, техник ва ижтимоий савияга эга мамлакатини ташкил эта олиши аёнди.

Олтинчи Жумҳуриятни Кореяда Farb типидаги демократиянинг жорий этилиши ва тараққиёти даври дейиш мумкин. 1990 йилда барча ман қилинган ҳаракатлару сиёсий араббларга сиёсий ва фуқаролик хуқуқларининг қайтариб берилиши, 1991 йилда маҳаллий бошқарув муҳториятининг қайта ташкил этилиши жамиятда барқарорлик ва соғлом ижтимоий мухитнинг тикланишига кўмаклашди. 1992 йилдекабрь ойида Президент Ро ва маъмуриятининг бетараглиги шароитида Корея тарихидаги «энг тоза сайловлар»да уч партиянинг Президентликка номзоди иштирок этди ва Либерал Демократик партия вакили Ким Ёнг Сам голиб чиқди. 1993 йил 25 февралда янги сайлаган Президент қасам ичиб, ўз хизмат вазифасини ўташга киришди ва Корея тарихидаги Еттинчи Республика даври бошланди. Еттинчи республика даврида иқтисодий соҳаларда юз берган воқеалар алоҳидо аҳамиятта эга бўлтани учун бу ҳакда кейинги кисмда ўқийсиз.

## 2. Иқтисодий тараққиёт

Кореяниң жадал иқтисодий тараққиёти 60–йилларнинг сўнгига бошланган, бу даврга келиб мархум Президент Пак Чонг Хининг мамлакатни модернизация қилиш ва соноатлаштириш бўйича ишлаб чиқилган «Юшин» платформаси ўзининг дастлабки меваларини бера бошлаган эди. Кузатувчиларнинг фикрича, Кореяниң қарийб 40 йиллик иқтисодий тараққиёти ва бугунги кунда бу ўлканинг дунёдаги ривожланган давлатларнинг ўн иккинчи сирасида ўрин олиши 4 мухим факторлар билан белгиланади. Жумладан, бу шарт–шароитлардан биринчиси ислоҳотларнинг ҳар қандай тури ҳамда босқичида давлат ва ҳукуматнинг етакчи роль ўйнаганидир. Давлат тараққиёт дастурларини, яъни, бизга ҳозирда қулоғимизга эриш туюловчи бешийллик режаларни ишлаб

чиқишида, чет эл инвестияларини иқтисодиётга жалб этишда, монополияга қарши курашда ҳамиша фаоллик кўрсатиб келди ва ҳозирда ҳам мамлакат иқтисодиётнинг тараккийси билан боғлик стратегик масалаларда сўнг сўзни давлат айтади. Таъкидлаш керакки, давлат иқтисоддаги умумий раҳбарликни кўлда тутивчи ва йўналтирувчи куч, холос. У ишбилармонлардаги ташабbus ва интилишни сўндирирувчи «майда–чўйда масалаларгача аралашиш» хислатидан холидир.

Иккинчи мухим фактор мамлакатда ишлаб чиқариладиган товарларнинг фақат экспортга мўлжалланган ҳолда тайёрланганидир. Бу эса Корея молларининг мутлақо жаҳон бичимларига мос келишини ва дунё бозорида харидоргирлигини таъминлаган. Дунё бозорида харидоргирликка эришиш мамлакат хазинаси ва корейс шарқатлари ихтиёрига мўмай валюта маблагларининг «окиб келиши»га олиб келган. Бу ҳол, шунингдек, экспорт эвазига минерал – хомашё имконлари чегаралганган бу ўлкага саноат эҳтиёжлари учун арzon хомашёларни кулагай шартларда келтирилишини ҳам таъминлаган.

Учинчи шарт, ҳозирги атамалар билан айтганда, «инсон омили» билан боғлик. Якин ўтмишда Кореяда, бутунги Ўзбекистонда бўлтани каби, арzon, интизомли ва яхши таълимий ва қасбий тайёргарликка эга меҳнат армиясининг (ишли кучининг) мавжуд бўлганидир. Кореяда ислоҳотларнинг ilk давридаёқ ва ҳатто ундан олдин ҳам, таълим тизимининг тараққиётига жиддий эътибор берилган ва кишилар, айниқса, ёшлар замон талаблари даражасида таълим кўришган. Бу эса, табиийки, янги техника ва технологияларни ўзлаштириш ва кўллашда муаммоларни келтириб чиқармаган. Ҳозирда Кореядаги ишли кучи бозори юксак таълимли ва замонавий профессионал тайёргарликка эга ва мамлакатнинг юксак иқтисодий ҳолотига мос равишда маош олувчи кадрлар (ишли-техник ходимлар, инженерлар...) билан яхши таъминлангандир.

Тўртинчи фактор эса мамлакат ичida ва ҳалқaro майдонда ишбилармонликка кўмаклашувчи кулагай шарт–шароит ва мухитdir. Кореяда давлат доимо ҳусусий тадбиркорликни ривожлантириш

үчүн эң қулагаштарт – шароитларни яратыш үчүн ҳаракат килиб келди, мамлакатда миллионлаб кишилар у ёки бу шаклдаги ишбилармөнлик фаяолиятлари билан машүл Мұваффакияттың күрсатаёттан ўн мінгларча котта-кічік шарқатлар билан бирга улар ёнига ҳар йили мінгларча янги кічік, ўрта корхоналар, ширкатлар, холдинглар, үюшмалар ташкил этилады. Давлат кредитлар ва оқилюна солық сиёсати билан ишбилармөнларни ҳар томондан күлләб-кувватлайды ва бу соғаны тартибга солиб туроды. Масаланиң иккінчи тарағыға өткізор қаратаілік 60–70– йилларда Жанубий Осиё ва Тинч океани мінтақасыда қатор шарт – шароитлар таъсиріда ишбилармөнлик үчүн қулагаштартар вүзүдега келди. Жаһондагы тараккүй эттан ўлқаларнинг сармоялары бу мінтақада ҳозирда «Осиё қоллонлари» деб аталеёттан ўлқалар (Тайван, Сингапур, Хонгконг...) қатори Кореяға ҳам оқыб кела бошлады. Бу ўлқаларнинг ривожланиш лойиҳаларига энгүйғун тарзда жаңбеттілден ташки инвестициялар ва жорий этилген замонавий илгор технологиялар «қоллонлар» іктисодиётінинг юксак сұрындар билан ривожланишига йўл очди. Бу ҳолат дүнә иктисодиётіда Америка, Япония ва Фарбий Европадан кейинги яна бир күчли марказ – Жанубий Осиё–Тинч океани марказининг шаклланишига олиб келди. Таъқидлаш лозимки, Корея бу қулагаштартар инвестиция мұхитидан эң омилкорона фойдаланган ўлқалардан биридей.

Энди Кореяның іктисодий тараккіеті тарихи ва үннің натижаларига қисқача назар таштайлик. Юқорида таъқидлаганымиздең, бу ўлқада іктисодий истрохотлар давлатнинг ташаббуси ва раҳбарлығыда бошланған зди. Генерал – Президент Пак Чонг Хи олес 60 – йиллар бошида бу истрохотларни бошлар экан, кутилмағанда биз үннү Совет давларидан яхши «таниш бўлтган» мамлекатни ривожлантиришнинг беш йилликлар режаси тизимиға мурожаат қилди. Үннің тушунчаларига кўра, замонавий бозор іктисодини шакллантиришда хавфли стихияга йўл кўймаслик үчүн бутун миллат ва мамлекатнинг бу борадаги куч - гайратларини маълум мақсадларга қартиш ва ҳар бир босқичда зарур хисобланған вазифаларни ҳал қилиб бориш үчүн режаларни пухта

ишлиб чиқыш ва событқадамлар билан амалға ошириб бориш керак зди. Шунинг үчүн үннің хукмронлары пайтида Иктиносни Режалаштириш Жамияти түзилди ва бу ташкілотнинг вазифаси беш йиллик режаларни пухта ишлиб чиқыш зди. Пак раҳбарлығы пайтида 1962 – 1966 йилларга мұлжалланған бириңчы беш йиллик, 1967 – 1971 йилларга мұлжалланған иккінчі беш йиллик, 1972 – 76 йиллар үчүн учинчі беш йиллик планлары қабул қилиніп, ҳаётта жорий этилди. Үннің ҳаёті охирда түртінчі беш йиллик планы 1977 – 81 йиллар үчүн түзилиб, амалға оширила бошлаган зди. Мамлекатнинг кейинги раҳбарлари ҳам бу анъанани давом эттирилділар. Кейинчалик, бешинчі беш йиллик 1982 – 86 йиллар, олтинчі беш йиллик 1987 – 91 йиллар үчүн түзилиб, жамият томонидан ижро этилди. Бу беш йилликларнинг нақадар мұваффакият билан амалға оширилганини биргина факт келтириш билан күрсатиш мүмкін. Масалан, иккінчі беш йиллик киши бошига ўртача йиллик милий даромаднинг 9,1 % ўсиши, учинчі ва түртінчі беш йилликлар 10,2 % ортиши билан характерланады. Булар жуда юкори күрсаткычлар хисобланады.

Илк беш йиллик даврида ек корейс іктисодини ривожлантиришнинг стратегияси тўғри ва оқилюна белгиланған зди. Масалан, 1962 – 66 йилларга мұлжалланған бириңчы беш йиллик режаларида экспортта мұлжалланған товарлар ишлиб чиқарувчи индустряни вүзүдега келтириш бош вазифа қилиб белгиланған зди. Бутун ҳалқ ҳўжалигини структуравий қайта куриш стратегияси ҳам ўша йиллари тоғат тўғри ишлиб чиқилған зди. Структур қайта куриш аграр (кишлөк ҳўжалигига асосланған) іктисодиётдан қайта ишлеш корхоналарига ва үндан экспортта мұлжалланған моллар ишлиб чиқарувчи саноатта ва экспорт савдоси йўналишида амалға оширилиши лозим зди. Кейинги беш йилликларда бу йўналиш қучайтирилди ва ривожлантирилди. Корея іктисодини қайта куриш бошланған 1962 йилда мамлекатнинг кишлөк ахолиси 57 % зди, 1995 йилда бу күрсаткич 11 фойизга тушди, чунки ўтган йиллар давомидан ўлқада кишлөк ҳўжалиги саноат асосига кўчирилди. Камина сиртдан кузатишлиаримда ҳам

буни күрдим Хозирда бөгдорчилк ва шоли етиширишдан бошқа қишлоқ хұжалиғи соҳалари тұла саноатлашган. Кореяда бир шаҳардан иккінчи шаҳарға бораркансыз, үнлаб километрга چүзилиб кеттеган иссиқхона ва шунға үхашаш иншоотларни күрасиз, жажжы тракторлар уларнинг ичидә ишлаб ётибди. (Аммо айиш керакки, иссиқхоналар биз түшүнгән англамда эмас, яни улар биздаги каби иситилмайды, асосан оқшомлари ва қүёшсиз кунларда күчли ёритилади, холос. Иссиқхоналар маҳсус поліэтилен қоғозлар ва бошқа мосламалардан ясалади).

Бу жараёнлар давомида Кореядаги фермер хұжаликлар йириклаштирилди, ахоли шаҳарға күчди ёки қишлоқлар шаҳорға айланды. Қишлоқ хұжалиғи маҳсулотлари ишлаб чыкарыш 15 йил (1962 – 1977 йиллар) ичидә иккі баравар ошди. Қишлоқ хұжалигидаги юксалиш асосан интенсификация (самарадорликни ошириш) хисобига рўй берганини таъкидлаш керак. Мамлакатда йил сайин ер майдонлари янги ишлаб чыкарыш қувватлари, ахоли пунктлари эҳтиёжлари учун қишлоқ хұжалиғи ихтиёридан олинганидан қаттый назар, корейс дәхқонларининг хирмони чўфи йилдан – йилга оша борди. Масалан, ўлқада етиширилган гуручнинг миқдори 1962 йилда 3 миллион тонна бўлган бўлса, 1989 йилда у 5,9 миллион тоннага етди. Шу йиллар орасида олма етишириш 118 минг тоннадан 679 минг тоннага, хурмо етишириш 27 минг тоннадан 198,9 минг тоннага, шафтоли етишириш 20 минг тоннадан 137 минг тоннага ошди.

Саноатдаги ўзғаришлар эса «Корея иктисадий мўъжизаси»нинг тамал тошларидан биридир. Ўтмишда типик дәхқончилек ўлқаси бўлтан Корея биринчи бешийиллик сўнгигида ёк оғир саноатнинг дастлабки тармокларини вужудга келтиришга ултурди. Бир қанча фактларга мурожаат қиласлик. 1964 йилда Улсанда биринчи корейс нефть корхонаси курилди, 1969 йилда Хонамда иккинчи ва 1971 йилда Кёң Ин нефтни қайта ишлаш заводи (учинчи) куриб ишга туширилди. Мамлакат ёқилти-мойлаш материаллари билан тұла таъминланишига эришилди. Бу ҳолни биз түшүнгән англамлардаги нефть мустақиллiği дейиш кийин, бу заводлар четдан Эрон ва

арраб мамлакатларидан) келтирилган хомашёда ишларди ва юкори сифатли безин, дизель ёқилтиси ва мойлаш воситалари ишлаб чыкаради, бу эса молларни тайёр ҳолда четдан олтанта қароганды бир неча баробар арzon тушишини таъминлайды. 1980 йилда Корея – Эрон қўшма нефть ширкати ташкил этилди (хозирги Ссангёнг ширкати) ва Корея ўзидан нефть қазиб олинмагани ҳолда нефть маҳсулотлари ишлаб чыкарувчи ва четта сотувчи давлатта айланди. Мамлакатда 1964 йилда 4,8 миллион баррель нефт қайта ишланган бўлса, 1985 йилда бу кўрсаткич 257,7 миллион баррела юксалди. Жами нефть маҳсулотларининг нисбатлари кўйидагича бўлди: 35,8 % - хом нефть, 27,7 % - мазут, 14% - олтингутурт, 5,4 % - керосин, 5,4% - авиация ёқилтиси ва 4,9 % - бензин.

Саноатнинг «нони» бўлган темир-пўлат маъданларини ишлаб чыкарувчи корхоналарни вужудга келтириш ҳам 70-йилларда бошланган эди. 1973 йилда Поҳанг темир ва пўлат эртиш заводининг ишга туширилиши билан мамлакат саноатининг энг зурурий эҳтиёжларини қондириш имкони вужудга келди. Кейинчалик бу соҳадаги ишлар давом эттирилди ва 1985 йилга келиб Корея 17,3 миллион тонна пўлат эртишга эришиди ва бу соҳада дунёда 14 ўринга чиқди.

Бугунги кунда Корея дунёнинг электроника асбоблари ишлаб чыкарувчи учинчи буюк ўлқасидир (АҚШ ва Япониядан кейин). Мамлакатнинг ташки савдоси ва четта капитал чыкаришида мухим роль ўйнаган бу соҳанинг тамаллари ҳам ўша даврларда кўйилтан эди. 1969 йилда мамлакатда «Электроника саноатини ривожлантиришнинг саккиз йиллик режаси» қабул қилинган эди (1969-1976 йиллар учун). Бу режанинг муваффакиятли амалта оширилиши туфайли 1980 йилга келиб мамлакат дунёнинг энг йирик 10 электроника ашёлари ишлаб чыкарувчи мамлакатлари орасидан ўрин олган эди, 1985 йилда эса ўлка 4,2 миллиард долларлик бу турдаги молларни экспорт қилинишига эришиди. Бугунги кунда эса, Корея, юкорида эслаттанимиз каби, дунёнинг учинчи электроникачи ўлқаси. 1999 йилда үшбу соҳада ишловчичи бир гурӯх корейс олимлари «аклли робот» ҳам яратдилар. Бу

эса суный йўлдошлардан тортиб микрокаркульяторгача, юқори сифотли рангли телевизорлардан тортиб, митти чўнтақ телефонларигача (уали алоқада ишлайдиган мобил телефон), сигарет, мева шарбатлари сотувчи автомобиллардан тортиб, уйрўзгор асблолари (холодильник, кирювиш машинаси, электр супурги...) гача ишлаб чиқарадиган корейс электроника саноатининг буюк муваффакиятидир.

Бугунги кунда бутун дунёга донги кетган корейс ширкатлари ҳам 60 – йиллар охирида ва 70 – йилларнинг бошида ташкил топган эди. Жумладан, 1968 йилда «Хёнде Моторз» (Hyundai Motors) ширкати ташкил этилиши билан Кореяда автомобилсозлик саноати вужудга келди. Кейинчалик «Дэу Моторз» (Daewoo Motors), «КИА Моторз» (KIA Motors) ва «Ссангёнг Моторз» (Ssangyong Motors) ширкатлари курилди ва бу ширкатлар Жанубий Кореяда енгил машина, автобус, минибус («маршрутка»), юқ машинаси, бульдозер, экскаватор ва бошқа транспорт воситаларини ишлаб чиқара бошладилар. Автомобиль саноати Корея иктисадиётининг энг муҳим соҳаларидан бирига сийланди. 1960 йилда бир неча юз машина ва юқ машинасига эга бўлган ўлқада 1990 йилда 14 миллион турли модификациялардаги автомобиллар ва юқ машиналари бор эди. Корейс автомобиль саноати ўша йили бир йилда 1,5 миллион дона автомобиль ишлаб чиқартган ва 347 минт дона машинони экспорт қилган. Бугунги кунда бу кўрсаткичлар янада ошган ва Корея дунёнинг 25 автомобиль ишлаб чиқарувчи ўлкаси орасида етакчи ўринлардан бирини эгаллаб турибди.

Ишлаб чиқаришда ва бутун иктисадиётда юз берган ўзаришларни тавсифлашда Кореялик иктисадиётчилар «бирламни», «иккиминни» ва «учламни» халқ хўжалик соҳалари деган атамаларни кўлладилар. «Бирламни» соҳаларга табиий бойликлар ва хомашё материалларидан маҳсулотлар ишлаб чиқарадиган соҳалар: қишлоқ хўжалиги, балиқчилик, тог - кон саноати киради.

«Иккимини» соҳаларга – тайёр маҳсулот ишлаб чиқарадиган барча соҳалар – енгил ва оғир саноат, машинасозлик, электроника ва бошқа шунга ўхшаш соҳалар киради.

«Учламни» соҳага моддий ишлаб чиқариш билан бевосита шугулланмайдиган барча соҳалар: банкочилик, илм – фан, таълим, бошқарув, маданият, давлат хизмати, савдо ва маиший хизмат кўрсатиш соҳалари киради.

Саноатлашиш ва модернизация жараёнларининг тараққиёти билан Жанубий Корея иктисадиётидаги соҳалар ўртасидаги нисбатлар ҳам ўзгарди. «Бирламни» соҳалар кўлами қискарди, иккимини соҳаларнинг роли ва маҳсулдорлиги ошди ва бу асосда хизмат кўрсатиш, илм – фан ва саводдаги (яъни, «учламни» соҳадаги) банд одамларнинг сони ошди. Масалан, қишлоқ хўжалиги, балиқчилик ва тог - кон саноатининг умумиётисодиётдаги улуши 1966 йилдаги 34,8 фоиздан 1976 йилда 23,5 фоизга, 1995 йилда эса 6,6 фоизга қадар қискарди. Бу ўзгишларга мос равища мазкур соҳаларда ишловчилар сонининг барча меҳнат билан банд ахоли орасидаги нисбати ҳам ўзгарди. 1970 йилда меҳнат билан банд ахолининг умумий миқдорига нисбатан юкорида айтиб ўтилган соҳаларда ишловчиларнинг миқдори 50,4 фоизни ташкил этарди, 1980 йилда бу кўрсаткич 34 фоиз эди, 1990 йилда – 17,9 фоиз бўлди, 1995 йилда эса 12,5 фоизга қадар камайди. Демак, жамиятнинг ижтимоий табакаланиши ҳам иктисадиётдаги ўзгишларга мос равища борди.

Муваффакиятли иктисадий ислоҳотларнинг меваси ўлароқ Кореяда ялти миллий маҳсулот (GNP) беш йилликлар бўйича АҚШ доллари хисобида куйидагича ўси (кавс ичиди киши бошига ўртача):

- 1970 йил – 8,1 млрд. (253)
- 1975 йил – 20,9 млрд. (594)
- 1980 йил – 60,6 млрд. (1597)
- 1985 йил – 91,1 млрд. (2242)
- 1990 йил – 251,8 млрд. (5883)
- 1995 йил – 451,7 млрд. (10.076)

Бу юқори кўрсаткичлар билан биргаликда 1988 йилдан эътиборан Корея иктисадиёти тараққиёти суръатларида секинлашиш ва баъзи салбий тенденциялар ҳам пайдо бўлганини ҳам айтиб ўтиш керак, айни мана шу тенденциялар бундан ўн йил

кейин, 1997 йил кузида юз берган бўхроннинг илк даракчилари эдилар. Масалан, асосий истеъмол молларининг чакана нархи 1988 йилда 7,1 фоиз, 1989 йилда 5,7 фоиз, 1990 йилда 9,4 фоизга ошиди. 1992 йилда экспорт ҳажми 72,2 млрд. доллар бўлгани ҳолда импорт сўнгти йилда 13,9 фоизга ошиб, 70 млрд. доллар ҳажмидан бўлган эди. Бу ҳоллар аста-секин 1997 йил кузида Жанубий Осиё – Тинч океани минтақасида бошланган мудхиш иқтисодий бўхрон Кореяни ҳам қамраб олишига йўл очди. 1997 йилнинг иккинчи ярмида бу минтақанинг Индонезия, Тайван, Малайзия, Сингапур каби мамлакатларида сўнгти ўн йилликларда мисли кўрилмаган иқтисодий бўхрон бошланди. Фондлар биржаларида бу ўлка ширкат ва холдингларининг қимматбаҳо қозозлари нархи шиддат билан пасая бошлади, бунинг билан боғлик раввища миллий валюталарнинг қадри тезлик билан тушиб кетди. Санокли кунлар ва хафталар ичидаги инфляция 200 – 300 фоизга етди, мингларча шарқатлар, банклар, компаниялар ва холдинглар хонавайрон бўлди. Бу бўхрон тез орада Кореяга ҳам етиб келди.

1993 йилдаги сайловларда ғолиб чиқсан Президент Ким Ёнг Сам 33 йиллик ҳарбийлар бошқарувидан кейин ҳокимият тепасига келган дастлабки фуқаро давлат бошлиғи эди. (1962 йилда ҳарбий тўнтариш йўли билан давлат тепасига келган Пак Чонг Хи ва ундан кейинги президентлар ҳам собиқ ҳарбийлар – генераллар бўлганини эслайлик). Президент Ким Ёнг Сам мамлакатдаги демократик ислоҳотларни давом эттириди, унинг даврида эркин ва инсон хурлиги таъминланган жамият яратиш йўлида жiddий қадамлар қўйилди. Аммо у амалга оширган ижтимоий ислоҳотлар иқтисодиётидаги муваффакиятлар билан мустаҳкамланмаган эди ва мамлакат 1997 йилги Тинч океани ва Жанубий Осиё ўлкаларини қамраган бўхрон таъсир доирасига тортилди. 1997 йилнинг октябрь ойида Кореядаги ҳам фонд биржаларида вахима бошланди, миллий валюта («вон») кадрсизлана бошлади, кўплаб корхона ва ширкатлар банкрот бўлди. Бу Кореядаги 35 йиллик иқтисодий ислоҳотлар давомидаги биринчи иқтисодий бўхрон эди. Бу кризис жамоатчилик фикрига яшин каби таъсир қилди. Ҳукуматдан норозилик

кайфиятлари кучайди, ваколат муддати тугаёзган Президентнинг истеъфога чиқиши талаблари ҳам янграй бошлади. Мамлакатда 1997 йил декабрь ойида ўтказилган сайловларда жуда кўп йиллар бир неча ҳукуматлар ва президентларга мухолафт ҳолида бўлиб келган таникли сиёсатчи, Демократик Партия лидери Ким Тэ Чжунг Президент этиб сайланди.

Таъкидлаш лозимки, Корея ҳукумати ва корейс жамияти ногаҳоний бўхрондан эсанкираб колмади, мамлакат ичидаги бошбошдоклик ҳам вужудга келмади. Аксинча, мамлакатнинг янги ҳукумати ва ҳалқ ҳамжихат бўлиб, кризис оқибатларини тутатиша киришиди. Президент Ким радикал либерал иқтисодий ислоҳотлар ўтказиш йўлини тутди. Мамлакатдаги эскирган ва замони ўтган иқтисодий тузилмалар, иқтисодий ёндашувлар, банк ва бошқарув тизими ўрнига янги, замонавий ёндашув ва структуралар, янги иқтисодий тизимлар киритила бошланди.

Жумладан, Кореядаги энг буюк беш ҳолдинг – «чебол», яни «Хёнде» (Hyundai), «Самсонг» (Samsung), «Дэу» (Daewoo), «Элжи» (LG), «Эска» (SK) ҳам бутун мамлакатдаги рационализация ва структур қайта қуришига жалб этилдилар. Корея иқтисодида ва ҳотто сиёсатидаги ўз ўрни ва овозига эга бўлган, иқтисодиёт ва банкачиликнинг ҳамма соҳалорига илдиз оттан ҳамда ҳаддан ташқари улканлашиб кетган “чебол”лар давлатининг иродасига ноилож рози бўлдилар ва ўз тузилиши ва фаолият соҳалорида ўзгартиришлар ясашга туғиндилар. Аммо, ўтган ойларда бу жараёнларда жиддий силжиш бўлмагач, Президент Ким 1999 йил май ойида мазкур буюк ширкат – чеболларнинг раҳбарларини ўз саройига таклиф килиб, улар шарафига берилган зиёфатдан сўнг, чеболларнинг президентларига, агар улар жиддий структур ўзгаришлар ўтказмасалар, давлат бунга уларни можбур қилишини сийти. Натижада чеболлар бундан кейин ўзларининг асосий бизнеслари билан шугулланишга, ёндош ишлаб чиқариш қувватларини турдош ширкатларга бериш (сотиш, алмаштириш) йўлини тутдилар. Масалан, “Дэу” “Самсонг” нинг автомобиль заводларига ўзининг электроник жихозлар ишлаб чиқарадиган қувватларини алмашди.

Кореядаги бўхрон даврида ялпи миллий даромад ўртача 33,8 фоизга камайди, киши бошига миллий даромад 10.307 доллардан 6823 долларгача тушди. Ўша бўхроннинг таҳликали кунларида миллионлаб одамлар ўзларининг чет эл валюталари ва олтин ашёларини банкларга топширдилар ва бу билан Ватанга қўлларидан келганича ёрдам беришга тутиндилар. Мамлакат Халқаро Валюта Фондидан 60 миллиард доллар ҳажмида кредит олди. Ва орадан ўтган давр давомида Корея Жанубий Осиё ўлкалари орасида биринчи бўлиб, бўхроннинг салбий оқибатларини тугатишга муваффак бўлди. Еттинчи Республика иқтисодий инқироз устидан ғалаба қилмоқда.

“1997 йил декабрда Ким Тэ Чжунгнинг ҳокимият тепасига келтанидан кейин 13 ой ўтган, инфляция устидан ғалаба қозонилди. 1998 йилнинг охирига келиб мамлакатнинг валюта заҳиралари 50 миллиард доллардан ошиб кетди (бир йил олдин бу кўрсаткич 9 млрд. доллар эди). Ташки савдонинг умумий ҳажми 39 миллиард долларга етди ва кейинги 9 йил ичida илк марта ижобий сальдога эришилди. Буларнинг шарофати билан корейс миллий валютасининг долларга нисбатан курси 1200 вон = 1 доллар строфида стабиллашди”, деб хабар беради рус “Бизнесконсалтинг” агентлиги Кореяning инқироздан сўнгти давридаги муваффакиятлари ҳақида. (1999 йил декабрь ойида 1130 вон = 1 доллар строфида эди - *муалиш*.)

“1999 йил июнь ойида Кореяда саноат ишлаб чиқариши ҳажми 29,5 фоиз ошди, - деб хабар беради Лондондаги CN BC иқтисодий хабарлар агентлиги. Бу сўнги 11 йил ичидаги энг юқори кўрсаткичидир. Жанубий Осиё--Тинч океани миңтақасидаги иқтисодий аҳволнинг бирмунча яхшилониши туфайли Корея аввалгилардан анча кўп автомобиллар ва микропроцессорлар ишлаб чиқарди ва сотди. Корея иқтисодиёти тўла экспортга йўналтирилган иқтисодиётдир”.

Мамлакатдаги иқтисодий юксалиш 1999 йилда ўртача 8% бўлади” – Корея Марказий Банкининг 1999 йил июль ойида йилнинг биринчи ярми якунларига кўра таҳминлари ана шундай. (Киёслаш учун: *Farbdagi etakchi капиталистик ўлкаларда бу кўрсаткич 3-4 фоиз строфида бўлади – Муалиш*.)

Иқтисодий инқирознинг батараф килинганлиги ва корейс ширкатларининг яна шиддатли ривожланиш йўлига тушиб олганини “Ҳёнде” ширкати тимсолида ҳам кўриш мумкин. Бу ширкат 1999 йилнинг биринчи ярмида ўз тижорий фаолиятни кариб 41 фоизга юксалтириди. Жумладан, ширкат бу даврда мамлакат ичкарисида 307 минг, ташки бозорда 402 минг турли модификациялардаги машиналарни сотган. Корея иқтисодчиларининг фикрича, 1999 йилнинг охирига қадар умумиқтисодда ҳам, бошқа соҳаларда ҳам 1997 йилги инқирознинг салбий оқибатлари тўла тутатилади.

### 3. Ижтимоий – маданий таракқиёт

Корея мустакилликка эришганидан сўнг ижтимоий соҳада энг юксак суръатлар билан таракқий эттан йўналиш – ҳалқ таълимидир. Буғуни кунда 43 миллион нуфусга соҳиб ўлқада 230 та университетлар ва минглаб зиёд олий мактаблар (“қодин ҳаккё”) мавжуд. 2400 та ўрта ва 6600 та бошлангич мактабларни ҳар йили юз минглаб болалар тамомлаб, “катта ҳаёт”га йўл олмоқдалар ёки таълимнинг юқори босқичларига ўтмоқдалар. Давлат қарамоғидаги ва хусусий мактабгача болалар мұассасаларининг сон – саноғи йўқ. Кореяда бошлангич ва ўрта мактаблар давлат измидадир, аммо хунар ўргатиш соҳаси ва университетлар тизимида хусусий сектор устундир. Масалан, ўлқадаги университетларнинг 85 фоизи хусусий университетлардир. Корейслар худди бизнинг миллатимиз каби маълумот олишга жуда интиладилар. Билим олишга интилиш, олий маълумотли шахсларнинг юксак қадрланиши жамият ҳаётидан муким ўрин олтан ҳолатлардир. Олий маълумотли бўлмаган (университет дипломи эгаси бўлмаган) одамнинг на ишлаб чиқаришда ва на давлат тузилмаларида муваффакиятли карьеера килиши имконлари нолга яқиндир.

Кореядаги амалдаги таълим тизими кишиларга киска муддатлар ичida ҳаётда керак бўладиган билим ва кўнникмаларни ўрганишга ёрдамлашади. Буғун Кореяда саводсизлик мутлақо тутатилган, мамлакатдаги олий маълумотли кишиларнинг ҳар минг кишига нисбатан ўртача миқдори АҚШ, Англия ва бошқа Farb мамлакатларига қарагандা анча юксак.

Кореядаги таълим тизимиңнинг бу муваффакиятлари 1968 йилда кабул килинган “Халқ таълими жаидаги Конун” билан боғлиқ. Бу конунда миллый қадриятлар ва Farb дунёсининг илтор тажрибасини таълим жараёнинда уйғурлаштириш концепцияси бойен этиб берилтан эди.

Кореяда 6 йиллик бошлангич мактабда ўғил ва қыз болалар бергә таълим олишади, 6 йил давом этадиган ўрта мактаб ва ҳунар колледжлари (лицейлари)да эса ҳар иккى жинсдаги ёшлар алохидада алохидада ўкишади. Бу тажриба соф педагогик томондан жозибали: яның үсмирлар учун "үтиш даври" хисабланган 13 ва 17 ёшлар орасыда бундай ёндашув айниқса, мақбулдир. Университетлар ва бошқа турдаги олий мактабларда йигит ва кизлар яна бергә таълим олишда давом этадилар. Корейс үкувчилари эрталаб соат 9 дан кеч соат 6-7 ларга қадар мактабда бўлишади. Дарслар, амалий машгулотлар ва дарс тайёрлаш – буларнинг ҳаммаси мактабда бажарилади. Бола учун минимум бўш вақт колдирилади.

Кореяning ҳозирги ҳавас қиласи даражадаги юксак майший мадданиятининг бошлангичи ҳам ислохот йилларига бориб тақалади. 1970 йилда Кореядаги “янги қишлоқ” ҳаракати бошланади. Ҳукумат дехқонлар ва балиқчилар яшайдиган қишлоқларни замонавийлаштириш учун уларнинг ўзига мурожаат қилди. Ўша йиллар ўлкада шахар ва қишлоқ ўртасидаги фарқлар катта эди. Қишлоқдаги аҳвол тураржой, йўллар, сервис (хизмат кўрсатиш), меъморий жихатлардан жуда орқада қолган эди. Иктиносидётдаги ишлар бироз ўнгланиб, қишиларнинг турмуш даражаси бирмунча юксалтач, қишлоқни мадданий ўзгартириш имкони вуҷудга келди. Ҳукумат қишлоқлар аҳлига мурожаат қиласи экан, одамлардан ўз яшаш жойларини, аввало ҳар кимдан ўз уйи, кӯчаси, маҳалласи ва қишлоғининг ободончилиги учун ҳаракат килишга чакириди. Ҳукумат бундай ишларни ҳам маънавий, ҳам маддий тарафдан (энгоз солиқлар солиш йўли билан) қўллаб – кувватлашини зълон қилди. Бутун мамлакатда бу мурожаатдан сўнг ишлар қизиб кетди. Одамлар, ҳар бир қишлоқ ва кўргон аҳли бу иш аввало уларнинг ўзлари манфаатларига қаратилганини англоб гайрат билан ишга киришдилар. Ўша йиллари қишиларнинг даромадлари кескин оша бошлагани ҳам бу ишга кўмак берди ва корейс

кишлеклари ой ва йил сайнин ўзгара бошлади. Қишлоқлар 5 – 6 йил ичидә таниб бўлмайдиган даражада ўзгариб кетди. Ҳозир Кореяда қишлоқ ва шаҳар ўртасида айтарли фарқ йўқ: тураржойлардаги қулаликлар (иссик, совуқ сув, газ билан таъминланниш), савдо ва хизмат кўрасатиш, умумий овқатлониш, йўллар, транспорт хизмати - буларнинг барчаси шаҳардаги каби. Қишлоқларда шаҳарларнинг шовқин – сурони йўқ, холос. Олис тог қишлоғидаги дехқон чўнтақ телефонида пойтахтдаги ўғли билан бамайлахотир гаплашиб ўтирганини кўргандга ҳайратта тушиш мумкин, аммо бу факт – одатий ва уяли телефон алоқаси мамлакатнинг энг узок нукталаригача етиб борган.

Мұваффақиятлы амалға оширилған «янги қышлоқ» харакати бутун корейс жамиятини ҳаракатта көлтирди. Тез орада бу ҳаракат шаҳарларга, завод ва фабрикалар жамоалари ўртасида ёйилди. «Үз заводим (фабрикам) ва үз иш еримни үзим ободонлаштираман!» шиори билан миллионлаб ишчи-хизматчилар бу ҳаракатта күшилдилар. Хозир Кореяning шаҳарларини кезар экансиз, ҳар ерда орасталикни күрасиз. Үлкада истемол жуда юқори бўлишига ва ҳар қандай товар албатта қадоқланган (упаковка қилинган) ва пакетларга солинган ҳолда бўлиши ва сотилишига қарамай ҳеч ким ўша чиқитларни, айтойлик биздагига ўхшаб кўча ёки хиёбонга ташламайди; шаҳарлар топтоза; чикинди ва ахлатлар сочилиб ётган ҳолларни ё умуман кўрмайсиз, ёки жуда кам учратасиз. Ҳеч ким пакет ва кутиларни, елимхалтапарни ерга отмайди, балки маҳсус ажратилган кутиларга ташлайди.

Кореяда хам шаҳарлар икки кисмга бўлинган: кўп қаватли апартаментлар ва хусусий уйлар (маҳаллалар). Ўрточа киримли оиласлар, одатда апартаментларда яшашади. 15–20 қаватли апартамент – уйларда одатда хонадонлар (квартиralар) га умумий коридордан кирилади, яъни ҳар бир қаватда лифт ёки зинадан сўнг умумий дахлизлар бошланади ва қаторасига хонадонлар жойлашган. Бу хол ўрнак олса арзиди, Европа ёки биздаги подъезд тизимида ҳар бир подъезд – «алоҳида дунё», энг яқин кўшнилар хам бир-бирини танимайди. Кореяда эса умумий коридор кўшниларни қандайdir бирлаштириб туради, улар бир-бирларини

танийдилар, бу эса апартаментда яхши мухит яратади, шунингдек, бегоналарнинг бемалол кириб юришининг олдини олади. Яна ҳар бир уй олдида кичик уйчада ҳар доим коровул туради. Унинг вазифаси чикиндиларнинг тўтири (яни озиқ-овқат чикиндилари, когоз ва пластмассаларнинг ўз кутиларига) ташланишини назорат килиш, сув, электр, лифтнинг ишлашини назорат қилиш, авариянинг олдини олиш, энг асосийси уйда яшовчи инсонларнинг машиналарини кўриш, уларга парковка учун жой кўрсатиш. Аслида бу заҳматкаш коровулнинг вазифалари чекланмаган, масалан, кимёвий тозалаш корхонасидан Сизга ташлаб кетилган тозаланган кийимларни ҳам, хизмат кўрсатиш соҳасидан Сиз учун келтирилган ичимлик суви, ҳарид, озиқ-овқатларни қабул қилиб, Сиз ишдан келтунингизга қадар асраш ҳам унинг вазифаси. Айтайлик, 15 қаватлик уйда ўртача 225 та хонадон ва камида 1000 нафар инсон яшашини хисобга олсан, коровулнинг зиммасидаги мажбуриятлар кўламини тасаввур килаверинг.

Апартаментлар асосан ҳусусий, ундан яшовчилар кира ҳаки тўлайдилар. Кира ҳаклари йирик шаҳарларда қиммат. Кореяда уй киравлашнинг яна бир тури бор. Бунга кўра, кирочи, айтайлик, ўз нархи 100 минг доллар турадиган З хонали квартиранинг ярим нархи хисобидаги пулни апартамент эгасига тўлайди (бу банкдан олинган ссуда, кредит шаклида ҳам бўлиши мумкин) ва шартнома муддати тугагунига қадар [2,3,4... йил] уйда текинга яшайди (сув, газ, ва бошқа хизмат турлари учун тўловлар бундан мустасно). Контракт муддати тугагач, у пулини яна апартамент ҳўжайнидан бус-булун кайтариб олади. Кира ҳаки шундай қилиб, апартамент эгасининг пулни ҳаракатта қўйиб, топган моблағлари ичидан тўлонган каби бўлади. Сих ҳам кўймайди, кабоб ҳам Албатта, бундай тажрибани инфляция жуда кичик бўлган ўлкаларда кўллаш мумкин.

Корейс шаҳарларининг иккинчи қисми ҳусусий уйлар (маҳаллалар) қисмидир. Асосан, бир, икки, уч қаватли ва ҳажми унча катта бўлмаган, аммо ниҳоятда дид ва мъеморий маҳорат билан қурилган уйларни кўрганингизда беихтиёр Шарқ эртакларида шаҳарларга келиб қолдимиши, деб ўйлайсиз. Кореяда ер тақчил ва ниҳоятда қиммат. Шунинг учун уйлар роса тигиз қилиб

курилтан, ҳовлилар эса 1–2 сотихнинг нари-берисида. Ҳовли ичидаги албатта кичик чимзор ва бир – икки туп пальма, бамбук ва бошқа номлари каминага номсъулум дарахтлар бўлади. Ҳар бир корейс оиласида бир (икки ва ҳатто уч) енгил машина бўлишига қарамай, ҳовлига киритилмайди, кўча четида қолдирилади. Маҳаллалардаги кўчалар тор, улар беихтиёр ўзбек шаҳарларининг, айниқса, Самарқанд ва Бухоронинг эски шаҳар кисмларини эслатади. Маҳаллаларда асосан ўрта табака ва юқори табака вакиллари яшашиди. Социологик тадқиқотлар Кореяда 75 фоиз одамлар ўзларини ўрта табакага мансуб, деб хисоблашини кўрсатган. Одатдаги корейс оиласи унча катта эмас, ўртача 4 кишилиқдир, яни ота – она ва икки фарзанд. Аммо ўтмишда корейс оиласи 7 – 8 ва ҳатто 10 дан зиёд фарзанд бўлтанини тарих китобларида ўқиш мумкин. Кейинги ўн йилликларда маший ҳётда гарблашиш ва шаҳарлашиш, юқсан турмуш дарожаси ўз ишини килмоқда, корейс оиласида асосан икки фарзандлилик анъана тусини олмоқда. Корейслорда турмуш куриш ва уйланиш ёши ўртача 27 ёш. Ёшлар университетни битириб, бир яхши ишнинг бошини туттунига қадар уйланишга ёки турмуш қуришга шошилмайдилар. Ёшлар учун кўёв ёки келин номзодини асосан ота-оналар топадилар, улар ўзларининг бутун мамлакатдаги танишларининг фарзандлари ичидан келин (кўёв) номзодини танлайдилар, ота-оналари билан гапни бир ерга қўйгач, йигит ва қизнинг учрашуви «уюштирилади», юзда тўксон фоиз ҳолларда ота-онанинг топган «номзоди» ёшларга ҳам ёқади. Карабисизки, иш битди – тўй! Қайсиdir номдор ресторанинг 10 ёки 15-қаватида чамбартулчин зиёфат! Бу бизнинг одатларимизга ўшайдими? Юз фоиз айнан! Бүёгини эшитинг, ҳар икки хонадонда бўладиган тўй-тўйчикларнинг ҳарражатларини кўёв томон кўтаради! Бу улкан ҳарражатлар юкини бироз енгиллаштириш учун кўёв томоннинг дўстлари ва қариндошлари тўй куни анча-мунча залворли суммаларда тўёна ҳам берадилар! (Корейс дўстларимдан бу ҳусудаги тағсилотларни эшиттанимда ўшашлиқдан жуда ҳайратта тушардим). Тўгри, кейинги йиллорда йигит-қизлар ўз қалликларини ўзлари топиши ҳоллари ҳам кўпайтган, аммо тўй масаласида юкоридаги сценарий айнан тақрорланади.

Үйлангач, ёшлар бир муддат («чиилласи чиққунча») күёвнинг ота-онаси үйида яшайдилар, сўнгра ўзлари кираган уйга кўчиб кетадилар. Ёш оиласнинг уй-рўзгор буюмлари ҳар икки қуда томон ва келин-күёвнинг жамгармалари (агар бўлса) хисобига сотиб олинади. Ота-оналар қариганда албатта фарзандлардан бири уларнинг уйига кўчиб келади ва уларни парвариш қилади.

Корейсларнинг ањанавий (маҳаллалардаги) уйлари ҳар қаватда 2–3 хонали, хоналарнинг умумий сони 5–6 дан ошмайди. Мебеллар асосан, гул солинган, чиройли локланган ёғочлардан ясалган, ҳажмлари кичик. Полга кичик-кичик, аммо жуда гўзал палослар тўшалади ёки ҳеч нарса тўшалмайди. Корейслар одатда кичик-кичик кўрпачалар тўшаб полда ўтиришади ва шу ҳолда овқат ейдилар, сухбат курадилар, телевизор кўрадилар. Полга соддагина тўшак тўшаб ухладилар. Тўгри, кейинги йилларда европача мебеллар корейсларнинг турмушига кенг кириб бормоқда.

Корейс ҳалқи ўз мустақиллиги учун юз минглаб фарзандларини курбон берди, 40 йиллик ислоҳотлар даврида қоҳрамонона меҳнат қилди, қийинчиликларга чидади, муаммоларни мардона ҳал қилди. Ҳукумат ва миллат яқдил бўлиб гайрат қилди ва қўзланган максадларга бугун эришилди. Бугун дунёнинг ўн иккинчи ривожланган ва бой ўлкаси Кореядир. Ҳудуди ва нуфуси жиҳатидан дунё ўлкалари ўртасида нечанчи сираада эканлигидан қатъий назар, бу ўлка иқтисодий имконлари нуткази назаридан ана шундай нуфузли ўринга эга бўлди. Демак, факат сабот ва матонат билан, бутун миллат бир тан ва бир жон бўлиб, оқилона тузилган режаларга кўра меҳнат ва гайрат қиласа, «иқтисодий мўжиза» яратиш ва юксак турмуш даражасига эга жамият куриш мумкин. Корея тажрибаси - «Ханг дарёси бўйидаги мўжиза» буни исботлайди.

Ҳа, Кореяда турмуш даражаси юксак ва одамлар яхши яшайдилар. Бундай ҳолда биз, ўзбекларда дўст учун «Буюрсин», «Худо зиёда қиссин» дейилади. Чунки, биз ҳасад қилиб эмас, ҳавас қилиб яшайдиган ҳалқмиз. Биз ҳам ана шундай фаровон ҳаёт куриш учун бугунги кунда гайрат қилмоқдамиз ва биз ҳам шу даражага, иншоолло, эришамиз.




Корея ва унга кўшни ўлкаларнинг ҳаритаси




Когурё даврига оид деворий расм



Бәкче кироллиги даврига оид мозор




Будда ибодатхонаси қошидаги қадимий құләзмалар



Илк корейс ёзуви -Хангил




1919 йил 1 Март намойишлари (рангтасвир)



Кореядаги замонавий завод




1950 йил, сентябр. Сеул күчаларыда Шимол күчлари танклари




Мактаб ўқувчиларига компьютерда ишлашни билиш шарт



Замонавий электровозлар



Ибодатхонадаги Будданинг олтин ҳайкали



Сеул күчаларида



Корея миллий рақси



Корея Миллий опера театри биноси



Корейс миллий либосидаги қыз

## 10-боб. КОРЕЯ-ЎЗБЕКИСТОН АЛОҚАЛАРИ

### 1. Ҳамкорлик ришталари

Ватанимиз ва Корея республикаси ўртасида дипломатик алоқалар ўрнатилганига тарихан ҳали унча кўп вакт бўлгани йўқ. Аммо атиги 10 йил ичida ҳар икки мамлакат ўртасида сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳамкорлик бўйича жуда кўп ишлар қилинди. Ўзбекистон ва Корея ўртасидаги алоқалар икки дўст мамлакат ва қардош халқнинг бошқаларга ўрнак бўларди даражадаги ҳамкорлик ва дўстлик муносабатларининг намунасиdir.

1991 йил 30 декабрь куни Корея Республикаси Осиё-Тинч океани минтақаси ўлкалари орасида биринчилардан бўлиб Ватанимизнинг мустақиллигини тан олди, 1992 йил 29 январда Москвада икки давлат ўртасида дипломатик алоқалар ўрнатиш ҳакида шартнома имзоланди ва бу билан Корея - Ўзбекистон расмий алоқалари йўлга қўйилди. Ўша пайтларда Корея тарафи янги мустақил давлатлар ичida ижтимоий осойишталик ҳукм сурган, табиий бойликларга мўл, ўзининг меҳнатсевар халқи ва лаёқатли раҳбарияти билан ажralиб турган Ўзбекистон билан кизикқанидай, Ўзбекистон томони ҳам муваффақиятли иқтисодий испоҳотларни амалга ошириб, дунёда етакчи мавқелардан бирига эришган, юксак иқтисодий ва илмий-технологик салоҳиятта эга Корея Республикаси билан ҳар томонлама ҳамкорлик ўрнатишга интиларди. Бу икки томонлама уйғун ёндашувлар самараси ўлароқ Корея хукуматининг таклифига кўра 1992 йил июнь ойида мамлакатимиз Президенти И.А.Каримов бу ўлкага расмий ташриф этди. Бу расмий сафар чогида имзоланган 5 ҳужжатда мамлакатларимиз ўртасидаги алоқаларнинг тамаллари қўйилди. Жумладан, икки давлатнинг Президентлари томонидан имзоланган «Ўзаро алоқалар ва ҳамкорликнинг асосий тамойиллари ҳақидаги Баёнот»да барча соҳаларда икки томон ўртасидаги алоқаларни йўлта қўйиш ва ривожлантиришнинг асослари чизиб берилган эди.

1994 йил июнь ойида Кореяning ўша пайтдаги Президенти Ким Ёнг Сам Ўзбекистонга ташриф буюрди. Бу зиёрат чогида маданият, фуқароларнинг эркин келиб-кетиши ҳакидаги ҳамда ҳар икки ўлка ташки ишлари вазирликлари ўртасида маслаҳатлашувлар ва ҳамкорлик түгрисидаги битимлар имзоланди.

1995 йил 15-17 февраль кунлари Кореяга расмий ташриф буюрган Президентимизнинг иккинчи визити турли соҳалардаги ўзбек-корейс ҳамкорлигини янада кенгайтириш ва чукурлаштиришга хизмат қилди.

1999 йил 5-6 октябр кунларида амалга оширилган И.А.Каримовнинг Кореяга учинчи расмий ташрифи икки давлат ўртасидаги алоқалар тарихида алоҳида воқеа бўлди. Корея Президенти Ким Тэ Чжунг ва корейс амалий доиралари билан ўтказилган учрашувларда ўзбек Президенти бу ўлканинг янги раҳбариятини Ўзбекистоннинг ҳалқаро майдондаги изчил тинчликсевар ва ҳалол иқтисодий ҳамкорликка қаратилган ташки сиёсати ҳамда эркин бозор иқтисодиёти ва ҳукукий демократик жамият куриш йўлидаги ички сиёсати билан атрофлича танишитирди.

Ташрифнинг катта муваффақият билан ўтишида бу визит олдидан Президент И.А.Каримовнинг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: ҳавфсизликка таҳдид, тараққиёт шартлари ва кафолатлари» китобининг Сеулдаги Йирик нашриётлардан бирида корейс тилида чоп этилиши катта роль ўйнади ва бу асар корейс жамоатчилигининг кенг қатламлари томонидан юртимизнинг иқтисодий, маънавий ва маданий салоҳиятининг чукур англонишига хизмат қилди. Шунингдек, ташриф олдидан иқтисодий ҳамкорлик бўйича Ўзбек-Корейс ва Корейс-Ўзбек қўшма комиссияларнинг мажлислари ўтказилди ва уларда ҳар тарафлама ҳамкорликнинг истиқболли йўналишлари белгилаб олинди, Президент ташрифининг иқтисодий ҳамкорлик билан боғлик масалалари ҳам пухта ишлаб чикилди.

Ташриф якунларига кўра мухим учта ҳужжат имзоланди. Икки мамлакат Президентлари – И.А.Каримов ва Ким Тэ Чжунг ҳар

икки ўлканинг XXI асрда амалга ошириладиган сифот жихатидан янгича ҳамкорлигининг асосий тамойиллари тўгрисидаги Баёнотни ҳам имзоладилар. Бу баёнотда икки ўлканинг остоңада турган келгуси асрда ҳар томонлама ҳамкорлигининг асосий тамойиллари баён этилгандир.

Ўзбекистон-Корея ҳамкорлиги ҳар иккала тарафнинг манфаатларига уйғун келувчи ва сиёсий, савдо - иқтисодий ва маданий алоқалари келгусида ҳам янада чукурлаштиришга хизмат килувчи қўидаги факторларга таянади:

**A) Корея томони учун:**

-Марказий Осиёнинг марказида жойлашган Ўзбекистоннинг мухим геополитик, геоэкономик ва геостратегик позицияси;

-Ўзбекистондаги ижтимоий – сиёсий осойишталик ва миллатлараро тутувликнинг мавжуд эканлиги;

-республика раҳбариятининг ахолини ижтимоий ҳимоялаган холда бозор иқтисодиётита босқичма - босқич ўтишдан иборат сиёсатининг тўғрилиги ва ҳаққонийлиги;

-икки тарафлама алоқалар учун тегишли шартнома ва ҳукукий асосларининг мавжудлиги;

-ҳар тарафлама куляй инвестицион мухитнинг мавжудлиги;

-улкан табиий бойликлар ҳамда юқори малакали ва нисбатан арzon ишчи кучи бозорининг мавжудлиги;

-Ўзбекистонда Хитой, АҚШ ва Япониядан кейин энг кўпсонли корейс диаспорасининг - қарийб 250 минг кишилик этник корейсларнинг яшashi;

**B) Ўзбекистон томони учун:**

-Тошкент ва Сеулнинг бир қанча ҳалқаро масалалар, жумладан, ядро қуролини тарқатмаслик ва диний экстремизмга қарши курашиш муаммоларидаги қарашларининг яқинлиги;

-Жанубий Кореяning буюк иқтисодий салоҳият, илгор технология ва кучли илмий – техник базага эга эканлиги;

-Корея Республикаси иқтисодиётининг дунё ҳўжалигига чукур интеграциялашган соҳаларида ўзаро фойдали ҳамкорлик қилиш имкониятларининг мавжудлиги;

## *2. Савдо - иқтисодий алоқалар*

Икки мамлакат ўртасида буғунги кунда мавжуд бўлган савдо-иктисодий алоқаларнинг ҳозирги аҳволи Ўзбекистон Корея Республикасининг МДҲ ўлкалари ўртасида олиб бораётган ташкил иқтисодий алоқаларида алоҳида ўрин ва мавқега эга эканлигидан дарак беради. Савдо ҳамда инвестициялар борасидаги кўрсаткичлар бўйича шуни сайтиш мүмкинки, МДҲ ўлкалари орасида Корея инвестициялари энг кўп миқдорда юртимизга ётқизилган, савдо алоқалари ҳажмига кўра эса у факат Россиядан кеинги ўринда туради. 1997 йилги бўхрондан илтари мамлакатларимиз орасидаги савдо ҳажми қарийб 1 миллиард долларга етган эди, инкиroz даврида эса у икки ҳисса камайиб кетди. Аммо, Кореядаги бўхроннинг назорат остига олиниши ва унинг салбий оқибатларининг бартараф этилиши туфайли 1999 йилда савдо-иктисодий алоқаларимиз яна шиддат билан юксалди ва ушбу йилнинг 10 ойида унинг ҳажми 526,2 миллион долларга етди.

Ҳозирги пайтда Ўзбекистонда 71 нафар корейс сармояси иштирокида ташкил этилган кўшма корхоналар, ширкатлар ва ҳолдинглар ташкил этилган. Улар автомобиллар ишлаб чиқариш, қишлоқ ҳўжалик маҳсулотларини етиштириш ва қайта ишлаш, тўқимачилик маҳсулотларини, кенг ассортиментдаги ҳалқ истеъмоли молларини ишлаб чиқариш, пахта саноати чиқиндиларини қайта ишлаш, электроника асбобларини ишлаб чиқариш, енгил машиналар ва уларнинг бутловчи қисмларини сотиш каби соҳаларда фаолият кўрсатмоқдалар. Уларнинг орасида энг йирикли «ЎзДэуАвто» ширкати («Нексия», «Тико», «Матиз» ва «Дамас» автомобилларини ишлаб чиқариш). «ЎзДэуЭлектроникс» корхонаси (рангли телевизорлар, видеомагнитофонлар ва электр дазмоллар ишлаб чиқариш), «ЎзСамсонг Электроникс» заводи (рангли телевизорлар, видеомагнитофонлар, кондиционерлар ва чангютичлар ишлаб чиқариш), «Кабул - Ўзбек Со» бирлашмаси (текстиль маҳсулотлари ишлаб чиқариш)dir.

## *3. Маданий ва таълим соҳасидаги алоқалар*

Икки давлат бошликлари тарафидан 1995 йилда имзоланган «Таълим соҳасидаги ҳамкорлик ҳақидаги» шартномага кўра Ўзбекистон ва Корея таълим тизими ўртасидаги алоқалар юксак суръатлар билан ривожланмоқда. Жумладан, ҳозирда Тошкентда ташкил этилган Корея Республикасининг таълим марказида тил, маданият, санъат тўғраклари, тил ўргатиш курслари мавжуд. Шунингдек, бу масканда юртимиздаги корейс мактабларининг ўқитувчилари учун кайта тайёрлаш, малака ошириш курслари ҳам ишлаб турибди.

1999 йилдан эътиборан Жаҳон тиллари университетида, 2001 йил сентябрдан эса Самарқанд Давлат Чет тиллари институтида корейс тили ва адабиёти бўлими ташкил этилди. (Бундай бўлим Шарқшунослик институтида бир неча ўн йиллардан бери мавжудлигини эслатиб ўтамиш –*Муалл*). Бу ишда республикамиз олий таълим ходимлариша КОИКА (Халқаро ҳамкорлик бўйича Корея Ассоциацияси) мутахассислари яқиндан ёрдам бердилар, улар синф хоналарини таъмирлаш ва уларни замонавий аудио ва видеоускуналар билан таъминлаш ва жихозлашда фаол иштирок этдилар.

КОИКА фаолиятида мамлакатимиз давлат идоралари ходимларини Кореяда тажриба алмашиш ва ўрганиш учун юбориш каби мухим иш алоҳида ўрин эгаллайди. Бу ташкилотнинг ёрдамида ҳар йили Кореяда тилшунослар, қишлоқ ҳўжалиги ходимлари, иқтисодчиларимиздан 60 киши фойдали тажриба ўрганиб кетадилар.

Ўзбек ва Корейс университетлари орасида «бирордарлашган университетлар» мақомидаги олий ўқув юртларининг сони ошмоқда. Жумладан, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети ва Ачжу университети, Тошкент Иқтисодиёт университети билан Согон университети, Самарқанд Чет тиллар институти билан Квонгжу педагогика институти ўртасида ана шундай алоқалар ўрнатилган. Ҳозирги пайтда Корея олий ўқув юртларида қарийб 50 нафар ўзбек талабалари ўқишмоқда. Ўз навбатида элликка яқин корейс ёшлари ўзбек ва рус тилларини ўрганмоқдалар.

Кореяда кейинги йилларда 5 та университетда Ўрта Осиё бўлимлари очилган. Уларда мазкур минтаканинг энг кўп сонли аҳоли гаплашувчи тили сифатида ўзбек тили ўқитилади (Кейинчалик бошка тилларни ўқитиш эҳтимоли хам мавжуд). Жумладан, Пусандаги Чет Эл Тадқиқотлари университети ва Сеулдаги Хангук Университетида Ўрта Осиё тадқиқотлари бўлимлари мавжуд бўлиб, уларда 200 дан зиёд талаба ўзбек тили, ўлкамиз тарихи ва маданиятини ўрганмоқда.

Ўзбекистон ва Корея Мехнат вазирликлари ўртасида тузилган шартномата кўра 1200 дан зиёд ишчиларимиз корейс корхоналарида ишламоқдалар.

1999 йилда Самарқанд ўтказилган «Шарқ тароналари» ҳалқаро қўшик фестивалида Жанубий Корея вакили Юн Конг Сон биринчи даражали мукофот билан тақдирланди.

## СҮНГ СҮЗ

Генетик илдизлари бир бўлган, аммо замонанинг зайли билан кейинги минг йилларда Осиё қитъасининг турли бурчакларида яшаб, ўтмишда буюк цивилизациялар яратган, мустамлака ва душманлар босқинидан бирдек азоб чеккан ва бошига баҳт кўши қўниб мустақилликка эришган, бири – юксак ривожланган давлат курган, яна бири буюк келажагининг тамал тошларини қўяётган икки ҳалқ – ўзбек ва корейс ҳалқлари яна ўз кардошлиқ алоқаларини қайта тиклаб, бугунги кунда чинакам дўст ва ҳамкорларга айлангани бежизга эмас. Зоро, ўтмиш ва келажак ҳамиша ёнма-ён, ҳалқлар дўстлиги эса барча замон ва тузумларнинг энг қимматбаҳо бойлигидир. Бизнинг ҳалқларимиз 21-асрга азалий қардошликини бугунги дўстлик ва ҳамкорлик билан уйғунлаштирган ҳолда кирмоқда. Бу дўстлик ва ҳамкорлик ўзининг бебаҳо самараларини бера бошлади. Янги асрда бу ютуқларни кўпайтириш, мамлакатларимизнинг бир-бирини тўлдирувчи буюк имкон ва салоҳиятларидан үнумли фойдаланган ҳолда хар икки ўлкани жаҳон ҳамжамиятининг энг нуфузли аъзоларига айлантириш қардош ҳалқларимиз олдида турган вазифадир.

**Жүлибай ЭЛТАЗАРОВ, КИМ Ин Тэ.  
«ЖАНУБИЙ КОРЕЯ: ўтмиш ва бугун».**

*Ўкув құлланмаси.*

Самарқанд, 2002 йил, 128 бет.

*Тұлдрилған ва тұзатылған 2-нашри.*

Техник мұхаррир Е.Цой, Э.Узоқов.

Босиша рұхсат этилди 23.11.2002 йил.

Қоғоз бичими А4. Шартлы бетлар табоги 8,25.

Адади 500 нұсқада. Futura гарнитураси.

Макетлаш СамДЧТИ НПМ

(703004, Самарқанд ш., Й.Охунбобоев к., 93)

ва «Сигма» МЧЖ

(703048, Самарқанд ш., Али Күшчи к., 15)

томонидан омалға оширилған.

Буортма №76, 23.11.2002 йил.

«Селбис» фирмаси

(703004, Самарқанд ш., Ш.Рашидов к., 68)

ускуналарида босиб чиқарылған.